

HUQUQ

08
(427)

YURIDIK GAZETA

Fevral

D.	6	13	20	27
S.	7	14	21	28
Ch.	1	8	15	22
P.	2	9	16	23
J.	3	10	17	24
Sh.	4	11	18	25
Y.	5	12	19	26

2006

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqqan boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Р.А.Муҳитдиновни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида

Равшан Абдулатифович Муҳитдинов — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 20 феврал



Равшан Абдулатифович Муҳитдинов 1963 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек, олий маълумотли ҳуқуқшунос. 1985 йили Тошкент давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган.

Прокуратура органларидаги фаолиятини 1985 йили Тошкент шаҳар Чилонзор туман прокуратурасида иш ўрганувчиликдан бошлаган. Кейинчалик Тошкент шаҳар прокуратураси тергов бўлими прокурори, катта прокурори, Собир Раҳимов туман прокурорининг ўринбосари, Республика прокуратураси ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси прокурори, Республика прокуратураси Ички ишлар вазирлиги идораларида тергов ва суриштирув устидан назорат бошқармаси бошлиғининг ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатган.

1998 йилдан Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида масъул ходим, 2000 йилдан Жиззах вилоят прокурори лавозимларида ишлаган. 2005 йилдан яна Ўзбекистон Республикаси Президенти девони бош инспектори бўлиб ишлаган.



Баҳор даракчилари

Чоршанбадан Чоршанбагача

15 феврал

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг «2005 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақсулари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинди.

17 феврал

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг «Телерадиоэшиттириш тўғрисида»ги янги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

20 феврал

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Германия Бундестагининг Германия — Марказий Осиё парламент гуруҳи раиси Хеди Вегенер хоним Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Э.Халилов билан учрашди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Ўзбекистон Республикасида дори воситалари муомаласининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзуда амалий конференция бўлиб ўтди.

↓ Munosabat

Ахборот урушлари, «ўйинлари» ва технологияси, сўз эркинлиги чегаралари, узунқулоқ миш-мишларнинг чиндан ҳам яшин тезлигини дунё бўйлаб тарқалиш хусусияти ҳақида фикр-мулоҳаза юритишга Россия президенти Владимир Путиннинг 31 январдаги матбуот конференцияси сабаб бўлди. Россия раҳбари ўтказган анжуманининг Ўзбекистонга нима алоқаси бор деган савол туғилиши мумкин.

Мингта журналист иштирок этган матбуот анжуманида АҚШнинг «АП» агентлиги муҳбири жаноб В.Путинга Андижон воқеаларига баҳо беришни сўраб муроса қилди. Масъул-маъносидан айрим сиёсий доираларнинг «қарашлари ва мафқураси» билан сўғорилганлиги яққол кўзга ташланиб турган саволга Россия раҳбари куйидагича жавоб берди: «Биз Андижонда нималар бўлганини сиздан кўра яхшироқ биламиз. Биз Ўзбекистондаги вазият, хусусан, мазкур шаҳарга ким ўтқуйганини, бу одамларнинг қачон, қаерда, қай даражада тайёргарлик кўрганлиги ҳам яхши биламиз. Бизга Марказий Осиёда иккинчи Афғонистоннинг кераги йўқ. Биз шовша-шовшарлик билан иш тутмаймиз. Бизга у ерда революция эмас, Андижондаги каби воқеалар эмас, балки Сиз тилга олган қадриятларнинг қарор топишига элтувчи эволюция керак».

Мазкур матбуот конференциясида бу саволнинг берилгани бежиз эмас, албатта. Ахборот хурж-

лари ва урушлари даврида бундай ҳодисалар ўз-ўзидан бўлмайди. Ўзбекистон ҳақида бўхтон ахборот тарқатиш учун буюртмалар бўлаётганини кундалик ҳаётда кўриб турибмиз. Афсуски, бундай уришлар охири-оқибатда Ўзбекистондан узоқда бўлган, Ўзбекистондаги реал воқелиқдан бежабарлар учун юртимиз ҳақида қандай тасаввур уйғотишини билиш қийин эмас. Зеро, ма-

Асил ва сохта қадриятлар:

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МУҲИМИ ЁКИ СЎЗ ЭРКИНЛИГИ?

шойиҳлардан бири айтганидек, «*Ҳақикат этганини кийгунча, ёлгон ярим дунёни айлануб улгурад*». Ёлгон хабар, афсуски, чиндан ҳам шундай тез тарқалар экан. Хусусан, буни яқинда Тошкентда гўёки кучли зилзила бўлармиш деб ҳаммани хавотирга солган миш-мишдан ҳам билиш мумкин. Шу кун қанча ёшу қари бу асосиз хабардан азият чекиб, куну тун хавотирда бўлди. Лекин, асал айнимас. Енгил-елпи хабарларнинг умри қисқа бўлади. Вақт эса олий ҳақамлигини ҳеч унутмаслигимиз керак. Вақти-соати келиб ҳаммаси жой-жойига тушишига тарих шоҳид.

Сўз эркинлиги... Бугун бу тушунча тўғрисида фақат эринмаган одам гапирмайди. Биз ундай қилмаймиз.

Биз бу тушунчанинг чегаралари ҳақида сўз юритамиз. Фарб сиёсат-шунослари бир шахснинг эркинлиги иккинчи шахснинг эркинлиги бошланган жойда тугайди деб уқтирадлар. Турри-да, чегара шу бўлса керак, чунки, менинг эркинлигим бошқа бир киши-

Демократияни кўпо равишда ҳимоя қилиш демократиянинг ўзга нисбатан душманлик кайфиятини шакллантиради.

Збигнев БЖЕЗИНСКИЙ, сиёсатшунослик профессори *қилиши керак*, — деди Франция президенти Жак Ширак.

Аммо бошқа давлатларнинг раҳ-

барлари оддий ҳақиқатни тан олгилари керак. Эркинликлар бобидаги бир бош ғоя, шубҳасиз, сўз эркинлигига ҳам тааллуқлидир. Сўнгги кунларда чўққига чиқиб келаётган яна бир шов-шув бундан дарак беради. Гап Данияда бошланган, сўнг Европанинг бошқа ривожланган давлатлари матбуотида чоп этилган пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг шаънини таҳқирловчи расмлар ҳақида кетмоқда. Муқаддас динимизнинг қадриятларига бепишандлик қилиш, бир миллиарддан зиёд мусулмоннинг ҳис-туйғуларини топташ негизда нима эмишми, матбуот эркинлиги масаласи турган эмиш. «*Лекин сўз эркинлиги диндорларнинг ҳиссиётини ҳақорат қилмаслиги керак. Фарб журналистлари бош-*

қа динларнинг қонунлари, мусулмонларнинг одатларини ҳурмат қилиши керак».

Масаланинг иккинчи салбий томони шундаки, бундай ҳолатларнинг рўй бериши муқаддас динимиз номидан иш юритувчи ақдालарастлар тегиримонига сув қуяди. Террор-

чи ва экстремистларнинг қилишлари Индонезия, Туркия, Ливан, Сурия ва Европанинг баъзи давлатларида намоён бўлмоқда.

Масаланинг учинчи салбий томони шундаки, бундай охири уйланмаган ишлар миллилар ва халқлар ўртасида низо келиб чиқишига, ксе-нофобиянинг ривожланишига, динлар ва цивилизациялар тўқнашуви-га олиб келиши мумкин. Энди айтиш, бундай сўз эркинлиги инсониятга керакми? Қандай қурбонлар ва низолар ётибди унинг замирида?

Сўз эркинлиги қаерда бошланиши ва тугаши керак? Бу саволга бугун Европада ва Осиёда ҳар хил жавоб берилди. Европадаги воқеаларга осибилликларнинг бундай кескин муносабати тағдидаги сабабни уларнинг урф-одатлари, маданияти, турмуш тарзини назар-писанд қилмаслигини янгилик қобилияти кўриш мумкин. Чунки ўзларини ривожланган давлатларнинг ҳуқуқлари ва фуқаролари деб билганлар ўз ақдालарини бошқаларга, энди ривожланган келаётган мамлакатларга зўравонларча уйламай-нетмай экспорт қилишга ва сингдиришга ҳақлари бор деб ўйласа керак. Лекин, XXI ва ундан кейинги асрлардаги тинч-то-тува ҳаётга фақат ўзаро ҳурмат, ўзга аъёнлар билан ҳисоблашиш, бошқаларни ўзига тенг кўриш, инсониятнинг асил қадриятларини тож мисо-ли бошқа кутариб, эъзозлаш орқали эришишимиз мумкин.

Шерзодхон КУДРАТҲУЖАЕВ, сиёсий фанлар номзоди

«Савдогарбанк»нинг Андижон вилоят бўлими ўтган йилнинг учинчи чорагини 19 миллион сўм зарар билан яқунлаб, банкротлик ёқасига келиб қолди. Бунинг бир қанча сабаблари бор. Улар орасида асосийси — миқозлар ишончини йўқотди. Фуқаролар омонатга пулларини топширмай қўйишди. Омонатга қўйилган маблағ 52,2 миллион сўмга камайди. Чунки...

Ишончини йўқотиш банкротлик демакдир

Ақсарият банклар билан миқозлар ўртасида келишмовчиликни, зиддиятни тугдираётган ҳолатлардан бири миқоз омонатга қўйган маблағини ахтиёж тўғилганда қайтариб олиши муаммога айланади. «Бунча пул йўқ — Миш ҳақи тўловларидан ортса оласиз» каби бахоналар тўғрисида сарсон бўлган, ўз пулини олгунча вақти, соғлигини йўқотган фуқаро банк хизматидан воз кечади. Таниш-билишларига ҳам пулни банкдан кўра сандиқда сақлаганингиз маъкул, деб маслаҳат беради. Айрим банкларнинг мансабдор шахслари, ходимлари содда миқозларни лақиллатиб, ҳақларига хиёнат қилишдан ҳам тал тортишмапти. Хисоб рақамларидagi маблағлардан ўз билганларича фойдаланиб, турли йўллар билан ўзлаштиришдан ҳайқишмапти.

«Омон» кооперативининг кредитдан қарзи бор эди. Кооператив раҳбари «Заминбанк»нинг Буз ту-

манидаги минибанки бошқарувчиси У.Набиевдан бир амаллаб қарзини ёпиб беришни «илтимос» қилди. Бошқарувчи «Хуршидабону» фермер хўжалиги раҳбарининг розилигисиз, хисоб рақамидagi маблағдан 1,8 миллион сўмни «Омон»нинг кредит қарзини ёпиш учун ўтказиб берди.

«Алоқабанк»нинг Андижон вилоят филиали собиқ бошқарувчиси А.Исроилова ва бош ҳисобчиси

кичик корхонасининг мансабдорлари Олтинқул туманидаги Қўштепасарой қишлоғида яшовчи Б.Азимовга тегишли 3,3 миллион сўмлик акция сертификатларини акциядорнинг имзосини сохталаштириш йўли билан бошқа шахсларга сотиб, талон-тарож қилишди. Унга икки йилга 1,3 миллион сўм миқдорда дивиденд пулларини тўламай, моддий зарар етказишди. Кредит бўлими ходимлари эса унинг онаси М.Азимова 6,7

А.Болтабоев ҳамда Марҳамат туманидаги минибанки бошқарувчиси С.Матазимовлар «Мирза Давлат» хусусий фирмасига 6 миллион сўм кредит ахратишда қонунга зид талабни илгари суришди. Банк акцияларини сотиб олишга мажбур қилишди. Фирма хисоб рақамига «Баркамол инсон» хусусий фирмасидан молиявий ёрдам тариқасида 300.000 сўм пул туширишиб, ўша кунёқ ушбу маблағни Андижон шаҳрида фаолият юритаётган тадбиркор Т.Тўхтаев хисоб рақамига ўтказиб беришди. «Мирза Давлат» хусусий фирмаси раҳбари А.Давлатовага банк акцияларини беришдан бўйин товлашди. У Марказий банкнинг Андижон вилоят бош бошқармасига шикоят аризасини ёзди. Бирок мансабдор шахслар ушбу ариза юзасидан ҳеч қандай чора кўришмади.

«Хамкорбанк»нинг Андижон шаҳар амалиёт бошқармаси қошида фаолият кўрсатувчи «Хамкор-брок»

миллион сўм миқдорда олган автокредитнинг фойзлари учун икки бор тўлаган 375.000 сўм пулни газнага кирим қилмасдан ўзлаштириб юборишди.

Юқоридagi қонунбузилишлар бўйича жиноят ишлари қўзғатилди. Жавобгарлар албатта тегишли жазога тортилди. Бирок, банк тизимидаги қонунбузарликларга барҳам бериш учун банк-миқоз муносабатларига оид амалдаги қонунликни тақомиллаштириш зарур деб ўйлаймиз. Хусусан, банкларнинг вилоят филиаллари раҳбарларининг маъмурий йўсинда тайинлаш амалиётидан воз кечиш, акциядорларнинг йиллик оқиқ йилгилишларида сайлаш ҳамда Бевосита акциядорларга хисоб беришларини жорий этиш орқали масъулиятларини кўчатириш лозим.

О.ҲОШИМОВ,
Андижон вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

Қўли эгри директорлар

Прокуратура органлари томонидан ўрта махсус таълим тизимида кадрларни танлаш, ўқувчиларни касбга тайёрлаш ва тарбиялашнинг сифати, моддий-техника таъминоти ҳамда капитал қурилиш ва жорий таъмирлаш учун давлат бюджетдан ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиш аҳоли юзасидан ўзлаштирилган текширишларда соҳадаги камчиликлар қўлга ташланиб қолди. Бу соҳада кадрларни танлашда жиддий камчиликларга йўл қўйилмаётгани аниқланди.

Урганч туманидаги қурилиш касб-ҳунар коллежида ўтказилган текширишда коллеж директори Р.Ёқубова, бош ҳисобчи Х.Қозоқов ва кассир Р.Қаландаровлар иш ҳақи ведомостларидаги ишчи-хизматчиларнинг имзоларини қалбақлаштириш орқали 17,9 млн. сўмлик маблағни талон-тарож қилишган. Суд айбдорларнинг қилимишга яраша жазо белгилади. Зарар тўлиқ ундирилди.

Инсон ўз жамоасида обрў орттириши учун ҳалол ишлаш керак. Акс ҳолда биргина ноҳўй ҳаракати билан йиллаб йиққан обрўсидан айрилиши ҳеч гап эмас.

Фаргона саннат касб-ҳунар коллежи директори Ж.Абдуллаев ва бош ҳисобчи М.Юнусалиева, Фаргона енгил саннат коллежи мансабдорлари «Узбойоқкам-гармабанк»нинг бош ҳисобчиси Н.Валиева билан тил бириктиришиб, банк ҳужжатларини қалбақлаштириб, пулларни турли фирмаларга ўтказган. Натижада «операция» хисобидан нақд пулга айлантириш орқали Фаргона саннат касб-ҳунар коллежининг 17,6 млн. сўм, енгил саннат коллежининг 3,1 млн. сўмлик маблағлари ўзлаштирилган. Ўтказилган 57,8 млн. сўм зарарнинг 53,3 млн. сўми тергов даврида тўлиқ ундирилди.

Андижон вилояти ИИБ томонидан 2005 йил 8 августда «Олимпик захиралари» спорт коллежида ўғирлик ҳолати юзасидан жиноят иши қўзғатилди. Тергов жараёнида коллеж директори М.Абдуваҳобов, бош ҳисобчи А.Абдуллаев ва кассир Г.Қурбонвалар бандан иш ҳақи ва сафар ҳаракатлари учун олинган 14,7 млн. сўмни ҳужжатларни қалбақлаштириш йўли билан талон-тарож қилинганлиги аниқланди.

Жиноят ишининг коллеж директори М.Абдуваҳобовага тегишли қисми юзасидан тергов олиб борилмоқда. Бош ҳисобчи А.Абдуллаев ва кассир Г.Қурбонваларга тегишли қисми эса судга юборилган.

Ноқонуний пул топшида Сирдарё вилояти Мирзаобод ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи директори У.Бўронов, бош ҳисобчи Б.Раҳмонқуллов ва кассир М.Ибрагимовларнинг олдига тушадигани топилмас керак. Улар коллежда умуман ишлаган ақин қариндошларига сохта ҳужжатлар расмийлаштириб, шу йўл билан 2,5 млн. сўмни ўзлаштиришган.

Кимки нафс йўлига кирса, вақт келиб ал олдиди шарманда бўлиши аниқ. Бунга юқоридagi номлари келтирилган касб-ҳунар коллежлари директорларининг аччиқ қисмати мисол бўла олади.

Баҳриддин АҲМЕДОВ,
Республика Бош прокуратураси бошқарма прокурори

Юзма-юз мулоқот

Фаргона вилоят прокуратураси тадбиркорларни ҳимоя қилишга оид президент фармони ва қарорларининг моҳиятини фуқароларга етказиш учун жойларда очиқ мулоқотлар ўтказаяпти. Тошлоқ туман солиқ инспекциясида бўлиб ўтган тадбирда туман прокурори Ж.Пўлатов ушбу йўналишдаги фармон ва қарорларни шарҳлаб ўтди. Вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи А.Имомов, туман солиқ инспекцияси бошлиғи Э.Жумаев ушбу ҳужжатлар тадбиркорларга бир қатор қўлайликларни ҳавола этиш билан бирга катта масъулият ҳам юклаганини айтиб ўтиб, уларнинг ижроси борасидаги тўсиқларни очик-ойдин муҳокама қилишга даъват этишди. «Отахон» фермер хўжалиги раҳбари А.Қамбаров ўтган йил ноябр ойида лизинг бўйича трактор сотиб олиш учун шартнома тузгани, лизинг компанияси эса уни ўз вақтида етказиб бермай, декабр ойида қайта шартнома тузиб, қўшимча тўлов олганини айтиб, ушбу ҳолатни изоҳлаб беришни сўради. Яна бир фермер Х.Азимов 2005 йил пахта тайёрлаш шартномасини октябр ойида бажарган бўлса-да, 20 фоиз ҳосилининг ҳақини ололмаётганидан арз қилди. Туман прокурори Ж.Пўлатов шартноманинг қонуний тузилиши ва томонларнинг шартларини бажаришдаги масъулиятини атрафлича тушунтириб берди. Тўловлардаги узилиш, шартномага киритилган ўзгаришнинг қонунийлигини ўрганиб чиқиш зарурлигини таъкидлади. «Комийлар ва шифоқорлар йили»да фермер С.Ражабовнинг болаларни соғломлаштириш лагери ташкил этиш борасидаги ниятини қўллаб-қувватлади.

Мулоқотда яна бир қатор долзарб муаммолар муҳокама қилиниб, уларни ҳал этиш чоралари белгилаб олинди. Энг муҳими, унда катнашган тадбиркор ва фермерларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид бил- бил доираси кенгайди. Бу эса ишларни ривожлантиришга қўл келарди.

Исроил ИБРОХИМОВ,
«Нуқид» мухбири



Бука тумани

Тошкент вилоятининг етакчи қишлоқ хўжалик туманларидан бири ҳисобланади. Шу боисдан ҳам туманда қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар, фармонлар, ҳужжат қарорлари ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2005 йил 8 ноябрдаги «2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжалиқларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори ҳам фермер хўжалиқларини янада ривожлантириш йўлида қабул қилинган муҳим ҳужжатлардан биридир. Мазкур қарорга асосан Тошкент вилоятида тугатилиши белгиланган ширкат хўжалиқларидан 9 таси Бука туманига тўғри келади. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида туманда тугатилаётган ширкат хўжалиқлари негизда фермер хўжалиқлари ташкил этиш бўйича тендер ўтказилди. Танловлар ҳолис, қонуний ва адалотли ўтиши туман прокуратураси томонидан назоратга олинди.

Тендерда иштирок этиш учун ажратилган 505 контур бўйича 1650 нафар талабгор мурожаат қилди.

Эртанги кунга умид боғлаб

Танловда голибликни қўлга киритган 400 нафардан ортиқ талабгорга ажратилган контурларда галла ва пахтачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжалиқи ташкил этилди.

Афсуски, тендер ўтказилишида қонунбузилиш ҳолатлари ҳам қайд этилди. Жумладан, тумандаги Йўлдош Ҳожиматов номидаги ширкат хўжалигини тугатиш ва қайта ташкил этиш комиссияси мансабдорлари томонидан талабгор пудратчиларнинг ҳужжатларига тендер танловлари ўтганидан сўнг шартномавий режани бажарганлик тўғрисидаги сохта маълумотномаларни қўшиб қўйиш ҳолатлари аниқланди. Мазкур ҳолатлар юзасидан туман прокуратураси томонидан айбдор шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Албатта, янги ташкил этилган фермер хўжалиқларига катта умид боғланаяпти. Шундай экан, ўтган йили айрим жойларда йўл қўйилган шартнома шартларини бу-

зиш, ер ва моддий ресурсларни талон-тарож қилиш, улардан ноқонуний фойдаланиш каби ҳолатларни тақрорламаслик чоралари кўрилуши керак. Жумладан, «Паркент» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Р.Тўлахўжаев мансабидан фойдаланиб, 2005 йил пахта ҳосили учун белгиланган 9,3 гектар ерга бошқа турдаги экинлар экилишига рухсат берган. Оқибатда хўжалик 4.824.000 сўм зарар кўрди. Ҳузага ўз вақтида ишлов берилмаганлиги, унумдорлигини ошириш чоралари қўрилмаганлиги натижасида белгиланган режага нисбатан 599,4 тонна кам

пахта топширилган. Ушбу жиноят иши юзасидан олиб борилган тергов ҳаракатлари давомида етказилган зарар қисман қопланиб, Р.Тўлахўжаев жиноий жавобгарликка тортилди.

Умуман, 2005 йилда пахта ҳосили етиштирмай, ерлардан бошқа мақсадларда фойдаланган фермер хўжалиқларига нисбатан тегишли чоралар қўрилди. Шу асосда Тошкент вилоят прокуратураси томонидан вилоят хўжалик судига киритилган 68 та даъво аризаси бўйича 5 та фермер хўжалиғига ажратилган 276,8 гектар ерни қайтариб олиш ва 63 та фермер хўжалиғига 34.942.206 сўм миқдорда жарима солиш ҳақида ҳал қилув қарорлари чиқарилиди.

Дилшод ИСРОИЛОВ,
Бука туман прокурори

Суратда: Бука туман прокурори Дилшод Исролов (суратда), туман прокурорининг ўринбосари Алишер Мустафоев, туман ИИБ бошлиғи Тоҳир Алматов.

Ландовур дегани ёқмади

Бу йил қиш бараҳали келди. Қалин ёққан қор янги йил арафасида болалар учун ажойиб совға бўлди. Кўча бўйлариди, тепалиқларда чана унаётган болаларнинг шовқини кенгача тинмади.

Воледа узок вақт ухломлай этди. Бугунги самонг расво экан. Қўшиси Розадам инсоф қолмабди. Наҳотки, сувга сирка қўшиб, бир шивасини 500 сўмдан пуллашдан ҳам тоймасини? Тонга яқин ухлаб қолди. Қўзини олганда кун тушга яқинлашган, ҳамқоналари тунги кайф-сафодан толиқиб, ҳамон ухлаб ётишарди. Эринибгина кийинди. Бугун янги йил киришини эслаб дўконга чиқди. Учта арок ва шампан сотиб олди.

Йўл-йўлақай ҳарбий қисмага қараб бурилди. Шериклари билан яқиндагига бу ердаги буортмани яқунлаганди. Тўртта қонани таъмирлаб беришган бўлса-да, ҳамон иш ҳақи беришгани йўқ.

— Пул йўқ. Кейинроқ хабар олинг... Табиийки, бу жавоб уни қониқтирмади. Кайфити бузилиб қайтар экан, шериклари Галина, Светлана, Татьяна ва Владимирга нима деб жавоб беришини ўйлаб, иш сиклиди.

Уйга кириб келганида улар аллақачон ўйғониб, стоидга бир шиша самонгони яримлаштирганди. Шу тариқа яна кайф-сафодан бошланди. Икки шиша самонгони ортидан ароқлар ҳам бирин-кетин очилди. Кайфи ошиб қолган Володяда ётиш учун қўшни хонага ўтди. Ярим кечаси ўйғониб, хонадошлар ҳамон байрамни давом эттиришга тинганини кўрди. Туриб уларга қўшилди. Бошогринки қолдириш учун икки стақан ароқ ичган эди, негадир Галина унга «Етаверсанг бўлмасмиди, алкаш...» дея нафсониятига теғди. «Гая, ўзинги бос, ҳарокат қилма», — деса ҳам давом этаверди. Шунда стол устида турган личокни олиб унинг бўйнига тиради. Шу пайт Света қичқириб юборди:

— Нима қилаясан? Личокни қўй... Улар яна ичинини давом эттиришди. Байрамона кайфиятни маст бўлиб қолган Галинанин Воледага қараб очинча-сига сўкинishi расво қилди. Айниқса, «пули ундириб келолмаган ландовур» дея айблаганида ўзини боса олмади. Табуреткани олиб Галинанин бошига туширди...

Бир инсоннинг ҳаётига зомин бўлган В.Никитин суд ҳукми билан 19 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Насиба БЕГИМОВА,
Сирдарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Qayerdan: Kattalar va talabalar bilan aloqalar

Qayerga: Mamonov mazhin, Alievskiy Yul, Furovob kiyon, 66. «Huquq» gazetasi mazhin, Filyovka, 700047

E'tirof

MEHNATLARI TAHSINGA LOYIQ...

2005 йил 16 май ҳаётимда қайғули кун сифатида қолди. Қизим — уч фарзанднинг онаси Гулзор Жуманова ёвузларча уюштирилган жиноят қурбони бўлди. Ҳали она сутига тўйиб улгурмаган гўдакнинг, она меҳрига қонмаган уч боланинг кўзлари унинг ортидан жовдираб қолди. Қизимдан айрилдим. Шундай бўлса-да, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси ходимларининг воқеа тафсилотларини зийраклик билан ўрганиши, тезкор ҳаракати туфайли жиноятчиларнинг қилмишлари фош этилди.

Жиноятнинг фош этилиши ва айбдорларнинг тегишли жазосини олиши бизга оз бўлса-да таскин берди. Шу маънода, марҳум қизимнинг умр йўлоши, қайнота-қайнонаси ҳамда уч норасида гўдаклари номидан прокуратура ходимлари миннатдорчилигини билдираман. Халқ осойишталиги учун туну кун беминнат хизмат қиладиган мард ва жасур йигитларимизга катта раҳмат деймиш.

Nasibeli TALKIBAYEVA

Fikr

Muqaddas ramz

Маълумки, қадимги тангаларга давлат рамзлари ва шохнинг расми туширилган бўлади.

Бизнинг ҳам бир, беш, ўн, йигирма беш ва эллик сўмлик тангаларимизнинг олд томониغا Ўзбекистон харитаси, байроқ чизиқлари ва орқа томониغا гербимиз тамғаси туширилган. Давлатнинг миллий, сиёсий, иқтисодий хусусиятлари ҳамда ижтимоий ва давлат тузуми географик ва бошқа белгиларини шартли равишда ифодалайдиган белгидир. Герблар миллоддан аввалги уч мингинчи йиллардан бошлаб давлат рамзи сифатида қўлланиб келмоқда. Масалан, Шумер давлатининг гербиде шер бошли бургут, қадимги Рим давлатиникида эса бургут расми тасвирланган. Герб давлатнинг ўзига бўлган ишончини, ўз мустақиллигини ҳимоя этишга тайёр эканлигини, бунёдкорлик мақсадлари, давлат ва жамият ҳаётининг турли томонларини шартли расм, белги тарзида ифодалайди. Шу сабабдан баъзи давлатларнинг гербларида қилч ва қалқон, баъзиларида шер ёки бургут, баъзиларида эса ўроқ-болға, юлдуз, пахта, бугдой бошоқлари, қуёш, даррах, тоғлар ва ҳоказолар хаттоки от тасвирини ҳам кўриш мумкин.

Амир Темур яратган марказлашган давлат ҳам ўзининг герби, яъни, уч қалқа шаклидаги тамғаси билан танилган.

Булар ўзбекман деган ҳар бир инсон учун муқаддас рамزلардир. Таассуфлар бўлсинки, беш, ўн сўмлик тангаларнинг ҳозирги кунда оёқ остида ётганига кўзимиз тушади. Айниқса, автобусларда бу хол афсуски, жуда кўп учрамоқда. Назоратчиларнинг (чиптачи) тангаларга бефарқлигига кўп маротаба гувоҳ бўламиз. Ерда ётган тангаларини олишга эса одамлар ор қилишади.

Шунинг учун «Танга экан» дея жамиятимиздаги муомала воситаси бўлмиш пуллари назор-тисанд қилмай ўтиб кетаверишимиз бефарқликнинг айнаи узидир. Соғуққонлик ва фаолиятсизликдан кейин сотқинликка бир қадам қолишни доимо ёдда тутайлик.

Alibek ERGASHEV, talaba

Javob

Ichimlik suvi bilan ta'minlandi

Газетангизнинг 2005 йил 14 сентябр сониде чоп этилган «Ичимлик суви муаммоси» номли мақола вилоят «Сувоқова» ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди.

Мақолада вилоятнинг Риштон тумани Қўрғонча маҳалласи, Қува тумани Қайрағоч маҳалласи, Марғилон шаҳридаги О.Хузуржонов кўчаларида ичимлик суви танқислиги ёритилган эди.

Қўрғонча маҳалласини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида вилоят «Сувоқова» ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан 1 дена артизан кудуги қазилди ва 2 км. масофага ичимлик суви қувурларини ётқизиш масаласини 2005 йил дастурига киритиш мўлжалланмоқда.

Қайрағоч қишлоғи аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида «Оби Ҳаёт» корхонасига қарашли сув иншоотидаги тўхтаб қолган 3 та тик артизан кудуги қайта таъмирланиб ишга туширилди. Қўшимча равишда яна 4 км. масофага ичимлик суви тармоғи ётқизилди.

Марғилон шаҳар О.Хузуржонов кўчаси 26-28-кўп қаватли уйлардаги 120 метрлик ичимлик суви тармоғи янгисига алмаштирилди.

R. JALILOV, Farg'ona viloyat hokimining o'rinbosari

Minnatdorchilik

Yaxshilar bor bo'lsin


Ҳаёт қизиқ. Одамлар бор, бировларнинг ҳолатини чиқазсам, эл-юртга нафим тегсин дейди. Одамлар бор, қўлидан келадиган оддийгина ишни ҳам бажаргиси келмайди. Димоғдорлик қилади.

Серфарзанд эдик. 1993 йили тўсатдан туриш ўртоғим вафот этди. Турмуш қийинчиликлари бошимга тушди. Биринини уйлаш керак, биринини ўқитиш дегандай. Шундай кунларнинг бириде Омонбой исми ўғлимни туман мудофаа ишлари бўлими томонидан сафарбарлик чакирув резервиге хизматга чақириб, 163.250 сўм тўлашимни айтишди.

Оилам катта. Ўзим тумандаги «Намуна» фермер хўжалигида ишчи бўлиб ишлайман. Хўжалик раисига бориб вазиятни тушунтирдим. Хўжаликда 175.000 сўм иш ҳақим бор эди. Раисга ёқмадим, эрта келинг, индин келинг деб роса овора қилди. Мудофаа бўлимидагилар бўлса нимага пулни тўламайсиз, дейди. Нима қилишимни билмай қолдим.

Умрим бино бўлиб бирор идорага ариза кўтариб бормаганман. 2005 йилнинг июнида туман прокурори Р.Отажонов қабулгига бордин. У кишининг аризалашуви билан 10 кун ичида хўжалиқдан пулини олиб, мудофаа ишлари бўлимига тегишли пулни ўтказдим. Яхшилари бор экан. Улар ҳаммиса омон бўлисин.

Nazira SOBUROVA, To'rtko'l tumani, ishchi



Фототанлов

Алжобиб «чавандоз»ман

Ҳар кунни тахририят почтасига ўплаб мактублар келади. Улар орасида ўқувчиларимиз йўлаган қўлдан ҳикоя, шеър ва фотосуратларни учратиш мумкин. Биз баҳоли қудрат уларни газеталаримиз саҳифаларида ёритиб боришга ҳаракат қиламиз. Эндиликда саҳифамизни янада бойитиш ҳамда қизиқарли қилиш мақсадида сиз аниқ мухлислар эътиборига янги «Фототанлов» рўқнини ҳавола этишни лозим топдик.

Қадрли газетхонлар! Сиз ҳам ушбу танловда ўзингиз ёки таниқиларингиз олган қизиқарли фотосуратлар билан қатнашингиз мумкин. Ажаб эмас, танлов якутида «Huquq»нинг махсус совринига эга бўласиз.

Моҳият

Киши олий ёки ўрта ўқув юртини тугаллаши мумкин, лекин ҳаёт долурфуқунини асло тугатиб бўлмайди. Унинг сабоқлари туганмас.

«Саодатнома»дан.

Bilasizmi?

Boshingiz og'rimasin

Қари билганини пари билмас, деган ибора жуда топиб айтилганига ҳаётда кўп гувоҳ бўлар экансан киши. Саксон ёшни қаршилаб қолган Фая исмида қўшнимиз бор. Кўз тегмасин, анча беш ва тетик кўрилади.

Қўни-қўшни йиғилишиб, гурунглашган чорларимизда Фая ҳола кўпинча бошидан ўтказган оғир кунлар ҳақида ҳикоя қилиб беради.

Бир кунни унга бош оғриғидан шижоат қилдим. Шунда у узок суқут сақлаб турди-да:

— Болам, сиз ёшлар кўпинча яланғош юрасизлар, соғлиқ ҳамма нарсадан қиммат эканлигини ҳадеганда тушуниб етавермайсизлар, — деди. Бу гапларни ота-онамдан кўп марта эшитганим учун яна ўша гап деган маънода уни тинглашда давом этдим. — Мен сенга ҳар доим эшитган дақиқашноларингни яна айтмоқчи эмасман. Керак бўлса ўзинг бун тушуниб етарсан, аммо... Биласанми, нега ёстиққа товуқ патларини солишмайди?

Мен саволга савол билан:

— Ахир, парестиклар товуқ патларидан қилинмайдими? — дея жавоб бердим. Кампир гапида росом этди:

— Қариларнинг ҳикояларини тинглаш эртак тинглашдек завқ беради кишига. Уларнинг поклик ва ҳалоллик ҳақидаги ибратли ҳикояларини кўп эшитганимиз. Сенга айтмоқчи бўлган гағимини ҳам улардан эшитганиман. Товуқ ҳар турли жойларда, пок-нопоқ ерларда кул-қукулларни титиб юрадиган жонот. Унинг момик патларидан солинган парестиклар албатта киши бошини оғрилади-да. Шунинг учун доимо ўзини сувда поклаб турадиган паранда — ўрдак ва ғоз патлари ёстиқ учун янги мосламашедир. Кишиларда учрайдиган бош оғриғи бўлган шу каби ҳолларга ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Бувиларимизнинг гапларида кўп ҳикमत бор...

Ёстиқ оёқ остида қолганида оналаримиз, буви-буваларимизнинг дақиқ беришларию «...азиз бошингни оллоҳ омон сақласин» дея дуо қилишлари беҳиз эмаслигини чуқурроқ англагандай бўлдим.

Бошим оғриган кезларда беихтиёр Фая холанинг гаплари ёдимга тушаверади.

Nilufar MURODOVA, Toshkent shahri

Madatlab maktab

Бу йил ўрта мактабнинг 11-синфини тугатдим. Отам ҳайдовчи, онам 42-автокорхонада кассир. Иккиси ҳам кўп йиллар давомида бир корхонада ишлаб келишди. Ҳозир улар ишсиз. Аммо, бир йилдирки, онам ноҳақдан азоб чекапти.

Гап шундаки, онам Маъжон Абдуллаева ўттиз йилдан буён тумандаги 42-автокорхонанинг Беруний шох бекатида кассир бўлиб ишлаб келатган эди. Кейинги пайтда хусусий машиналар ва автобуслар қўлайиб борапти. 42-автокорхонада ҳам саналок автобусларгина йўналиш бўйича юради. Шунданми, шохбекат раҳбарлари учун фойда ана шу хусусий машиналардан бўлиб қолган. Ажабланирлиси, хусусий автобусларга одамлар чиқиб тушишни шохбекат директори Зарипбой Юлдошев назорат қилиб, улор билан келишган ҳолда ҳар рейси учун нақд пул олар экан. Туман ичидеги йўналишлар бўйича қатнайдиган

Xat yozishga majbur bo'ldim

автобусларга ҳам чипталар номига берилар экан. Ведомостлар умуман тузилмайдими. Онам бу нотўғри эканлигини айтсалар эшитмаганга олишар экан. Охири онам Беруний туман прокуратурасига ўз бераётган қонунбузилишлар ҳақида хабар беради. Департамент ходимлари келишиб 42-автокорхона ва Беруний шох бекатида текширув ўтказди. Онамининг аризаси тасдиқланади. Автокорхона ва шох бекат раҳбарлари ишда йўл қўйган хатолари ва ҳайдовчиларни йўл чипталари билан таъминламагани учун директор У.Атажоновага 338.080 сўм жарима солинган. Беруний тумани ДСИ қарорига асосан энг кам иш ҳақининг 200 баравари, яъни 1.088.000 минг сўм миқдориде молиявий жарима қўлланилган.

Шу-шу автокорхона раҳбарларининг онамини отгани ўқи, кўргани кўзи

бўлмай қолди. Турли баҳоналар билан уни ишдан бўшатилди. Отанинг автобусда нормал қатнов олиб бориши учун қаршилиқ қила бошладилар. Ҳеч қандай зағмат бермай қўйилди. Хатто ҳар хил туҳматлар уюштирилиб, онамини қаматишга олиб боришди. Лекин, ҳақиқат бор экан, онам гапондан овоз бўлди. Беруний туман суди туман ички ишлар бўлими терговчисининг 2004 йил 26 август кунги онамининг лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги қарорни бекор қилинсин деган қарор чиқарди. Аммо, бу қарор ҳалигача инобатта олинмапти. Шундан сўнг онам Нукус туман фуқаролик ишлари бўйича судига ариза берди ва 2005 йилнинг 30 сентябрда ушбу иш судда қўрилиб, онамини ишга тиклаш ва иш ҳақларини ундириш ҳақидаги даъво аризаси қаноатлантирилсин дейилди-ю, ижроси чўзилиб, иш ҳақлари-

ни ҳам қийинчилик билан олишга эришилди.

Ҳам отам, ҳам ўзи ишсиз юрғанидан қийналган онам автобаза директори Ўразбой Атажоновнинг олдиға боради. Аммо директор онамга «...болаларингизни боқолмасангиз интернетга топшириб юборинг» дея ҳаракатлайди. Бу гапдан кейин онам касал бўлиб қолди.

Мен ота-онамга ишонаман, улор ҳеч қачон номаққул ишларни қилмади. Аммо, мен ҳам соғлиғимни йўқота бошладим. Ўқишга кириш орузим бор эди. Онамининг, отанингни қийналишларни қўриб, оим қараб туролмадим. Ҳеч бўлмаса саҳифангиз орқали ушбу хатни ёрита-сизлар деган умидда мактуб йўллашга мажбур бўлдим.

Bunyod AMETOV, Beruний shahri Turab To'la ko'chasi 24-uy

Minnatdorchilik

Yordam uchun rahmat

Узлаван телефон тармоғини қайта тиклашда берган ёрдамингиз учун аввало Сизга, шунингдек «Узтелеком» раҳбариятига оиламиз номидан миннатдорчилик билдираемиз. Яхши ниятлар доимо йўлдошингиз бўлсин.

Mahmud NORTOJIVEV, Toshkent shahri Uchtempa tumani

Излаган имкон топар

Жиззах вилоят прокуратураси муассислигидаги «Адолат ёлқини» газетасининг ўтган йилги таҳлиллари-ни варақлар эканмиз, унинг саҳифаларида «Прокуратура аралашгач...», «Прокуратура ёрдам қилди» каби рўқнларнинг тез-тез кўзга ташланиши эътиборимизни тортди.

Газетанинг 18 ноябр (2005 йил) сонидан Мирзақўли тумани прокурори А.Турсуновнинг «Прокуратура ёрдам қилди» рўқнида «Теримчининг айби нима?» сарлавҳали мақоласи ёритилган. Унда айтилишча, тумандаги агрохизмат марказлари раҳбарлари пахта теримида қатнашган ҳашарчиларнинг иш ҳақини ўз вақтида бермаган. Теримчилар адолат излаб турли идораларга арз қилишди. Аммо бу ишга прокуратура аралашгач, ҳақиқат қарор топади. Теримчиларнинг 5,4 миллион сўмлик меҳнат ҳақи ундириб берилди. Йил давомида газетда шу рўқнда 40 дан зиёд материаллар эълон қилинган. Бу билан газета прокуратура органларининг халққа яқинлашганлиги, жойларда уларга нисбатан ишонч ортаётганлигини кўрсатади.

Ўтган йилнинг иккинчи ярмида газетда «Бугуннинг гапи» рўқни пайдо бўлди. Ушбу рўқн остида вилоятда ҳуқуқий ислохотларнинг амалга оширилиши, мамлакат қонунийлигидаги ўзгаришлар бериб борилди. Газетанинг ўтган йил 26 июл сонидан Савдо-саноат палатаси Жиззах вилоят бошқармаси бошлиғи Анавар Бекбўтаевнинг «Ҳақамлик суди-демократия меваси» сарлавҳали мақоласида бугунги кунда ташкилий жараёни бошидан кечираётган ҳақамлик судларининг вазифалари ҳақида, 30 сентябр сонидаги «Муқаммал қонулар узок яшайди» сарлавҳали сўхбатда Олий Мажлис Сенати аъзоси Нодира Каримованинг парламентада янги қонуларни яратиб ва уни муҳокама қилишнинг ўзинга хос жараёнлари хусусидаги фикрлари берилган.

Газетанинг яқинда чоп этилган сон-

ларидан бирида «Болани пул топишга ўргатиш тўғрими?» сарлавҳали давра сўхбати ёритилган. Маълумки, бугун глобаллашув жараёни, инсоният цивилизациясининг юксалаётгани, электрон ахборот тизимининг жамият ва мамлакат турмушига чуқур кириб бораётганлиги одамларнинг маънавий ҳаётида ҳам, ахлоқий шаклланишида ҳам катта муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу энг аввало, фарзандларимиз тарбияси, уларнинг ахлоқий сифатларида намоён бўляпти. Бугун мактабни ташлаб, илм олишдан қочиб, бозорда ва савдо ҳаётларида пул топиш илинжида юрган 10-15 ёшли ўспиринларни кузатиш одатий ҳолга айланиб бормоқда. Шундай қийин шароитда жамиятда маънавий-маърифий ишларни қандай ташкил этиш лозим? Бунда ота-она, маҳалла, мактаб, ҳуқуқ-тартибот органларининг ўрни қандай бўлиши керак? Давра сўхбати иштирокчилари шу каби саволларга жавоб топишга ҳаракат қилишди.

Иқодий изланишдаги бундай ранг-баранглик газетанинг ўқувчилар сафини кенгайтиради. Балки шунинг учундир «Адолат ёлқини» адади ҳам йил сайин ўсиб борапти. У ташкил толган 2004 йилда 2 минг нусхада чоп этилган бўлса, газета бугун 10 минг нусхадан кўпроқ тиражда нашр қилинмоқда. Шу ўринда муассис — Жиззах вилояти прокуратурасининг ўз газетасининг моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ақмал АСРОРОВ,
Республика Бош прокуратураси бўлим катта прокурори

Бухоро вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг «Адолат нури» газетаси ҳадемай 10 ышга тўлади. Ўтган киска давр мобайнида газета вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг том маънодаги фаолият миёнбарига айланади, десак муболага бўлмайд.

ОАВ вазифаси хусусида икки хил нуқтаи назар мавжуд, биринчи нуқтаи назарга кўра, ОАВ воқеани ахборот тарзида бериши керак, холос. Хулосани эса ўқувчининг ўзи чиқариб олади. Иккинчи нуқтаи назар тарафдорларининг фикрича, воқеликни сўзлаш билан журналист хулосаси, қарашлари ҳам мақолада ўз ифодасини топиши керак. «Адолат нури» қаламкашлари ана шу қарашлардан келиб чиқиб, ахборот бериш билан чекланмай, балки фактларга ҳолисона муносабат билдириши орқали

ижод қилишмоқда.

Матбуоти

Инсонпарварлик, бағрикенглик миллатимизга хос фазилат. Бу мустақиллик йилларида қонунийлик тизимида олиб борилаётган ислохотлар, жинорий жазоларнинг либераллаштирилиши, ярашув институтларининг жорий этилиши, Президентимиз томонидан қабул қилинган амнистия тўғрисидаги фармонларда ҳам ўз ифодасини топади.

Амнистия тўғрисидаги актининг эълон қилиниши муносабати билан газетда чоп этилган мақолаларга алоҳида тўхталиш мумкин. Амнистия ва афв эйтиш тўғрисидаги фарқи, уларнинг қўлланиш тартиби хусусида фўқаролардан келган саволларга ҳуқуқшунослар томонидан жавоблар, ушбу ҳуқуқнинг қўллаш меъёрлари ҳақидаги мақолалар шулар жумласидандир.

Аграр соҳада, ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий омилдир. Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Бухоро туман прокурори Дав-

лат Соибовнинг «Фермер нилмадан норози?» сарлавҳали мақоласида меҳнати эвазига ҳақ ололмаётган фермернинг овозгарчиликлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Бухоро туманидаги «Истиқлол гавҳари» фермер ҳўжалиги давлатга дон топшириш бўйича шартномани бажаради. «Туман деҳқон-фермер ҳўжаликлари уюшмаси қошида ташкил этилган «Маркетинг, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар маркази» фаолиятидан норозиман. Негаки, уларнинг айби билан ҳақ ололмагани...» — дейди фермер ҳўжалиги раҳбари. Прокуратура фўқаронинг мувожазтини ўрганиб, мuddати ўтган дебиторлик қарзини ундириб бериш учун ҳўжалик судига даъво аризаси қиритади.

«Порахўрлик нима? Коррупция-чи?» мақоласининг сарлавҳасининг ўзидек газетхонни жалб этади. Маъзур мақолада порахўрлик, таъмиргиллик илгалари аёвсиз қалам тиги остига олинади. Худди шу саҳифада «Қасбга чиёнат» сарлавҳаси остида Бухоро шаҳридаги коллежлардан бирида содир этилган порахўрлик ва таъмиргиллик

жинояти тафсилоти берилди. Жамиятимизни бундай иллатлардан тозалашга тахирият шу тариқа бел боғлаган. Газета саҳифаларини варақлаганда, вилоятда жиноятчилик ахво-

ли, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, муқаддам судланганлар, профилактик ҳисобда турганлар билан ишлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳам таъминланган оилаларнинг давлат назоратига олингани, ижтимоий таъминот масалалари билан боғлиқ қатор соҳаларда олиб борилаётган фаолият, бу ҳақдаги таҳлилий мақолаларни учратиш мумкин.

Албатта, иш бор жойда камчилик ҳам учрайди. Газета саҳифаларини варақлар эканмиз, журналист-ижодкорларнинг катта ва машаққатли меҳнати-ни кузатдик. Бироқ полиграфия жиҳатдан сифатни ошириш зарурати ҳам кўзга ташланади. Баъзида кичик материаллар катта сарлавҳалар билан берилиши ёхуд тақрорий рўқнларнинг, сарлавҳаларнинг ҳам ўхшашлиги сезилиб қолади. Агар нашр шу каби камчиликларни барта-раф этса, ўқувчилар сафи янада кенгайган бўлади.

Дилшод ФАЙЗИЕВ,
Республика Бош прокуратураси бўлим прокурори

- «Ҳуқуқ сабоқлари»ни бериш.
- Йўғ эди-ю. «Ҳуқуқ оламида»ни олаверинг-да.
- Менга «сабоқ»лар керак, майли бошқа кюскадан топарман.
- Нотаниш йилит кетгач, сотувчи аёлдан «нима, унақа газетани олмайсизларми?» деб сўрадим.
- Оламиз, охириг сонини тугаб қолди. Кейинги сафар яна қўшиб оламан.

Сотувда туриб қолмаётгани, демек газета ўқувчисини топа олган. Матбуот бозорида рақобатлашавган ўнлаб, юзлаб ранго-ранг, турфа хил нашрлар қаторида ўз мухлисларини топиш осон эмас. Айниқса, сир-синоат, гаройиботларга ташна дил эйтиёжига жавобан шовшуви воқеа-ҳодисалар, сенсациялар кетидан қувадиган, кўз юмиб қўлоқ эшитмаган, ақл бовар қўлмайдиган, аксарият ҳолларда муаллифининг ҳаёлот оламида яралиб, худди ҳақиқатда из берган ҳодиса каби ишонарли тасвирланадиган ўзга сайёралардан ташриф, учар лиқобча, ўлиб тирилган одам, киши жисмига кириб олган арвоҳ, икки бошли бузоқча, қиёмат қойимнинг башоратчиси ёки машхур кишиларнинг шахсий ҳаётлари тўғрисидаги гийбатларга кенг ўрин берувчи «оммабоп» нашрлар ичида жиддийлиги билан ажратиб турган газетанинг муштарийи кўнглига йўл топа олгани иқодий жамоанинг ютуғидир. «Ҳуқуқ сабоқлари» нисбатан янги, унинг нишонна сонини ўтган йили 1 апрел кўни ўқувчилар қўлига теккан. Муҳаррир Ғулмжон Қўзйўсовнинг ҳуқуқийнашр чоп этиши бошлаш тўғрисидаги тақлифини вилоят прокурори Баҳодир Деҳқонов, ўринбосари (айни чоғда Кува туман прокурори) Анаваржон Қўронбоевлар қўллаб-қувватлашди. Шу тариқа Андижон вилоят прокуратураси муассислигидаги ҳафтанома туғилди. Шуниси диққатга сазоворки, дастлаб атиги 1000 нусхада босилган газетанинг адади йил охирига бориб, 7000 нусхадан ошди.

Газета ҳуқуқидан ташқари ижтимоий-иқтисодий ислохотлар мавзўларида мақолалар бериб бориляпти. Газетанинг 2005 йил 27 май сонидан босилган Шаҳрихон туман прокурори Олимжон Солиевнинг «Қингирликка бош бўлган раис» сарлавҳали мақоласида Г.Жўраев номили ширкат ҳўжалиги бошқаруви раҳбарлари жамоа мулкани талон-тарож қилишгани хусусида сўз боради. Бош-

Исми жисмига монанд



қарув раиси, бош ҳосилот, бош ҳисобчи ва омонбори ер, техника воститалари, минерал ўғитларни ноқонуний равишда арзон гаровга сотиб юбориб, талон-тарож қилишган. Муаллиф ушбу жиноят сабаби хусусида фикр юритар экан, назоратсизлик билан бирга ширкат ҳўжалиги аъзоларининг лоқайдлиги жиноятга шароит яратолганига эътибор қаратади.

Газетанинг 1 июл кўниги 14-сонида «Тангага сотилган ақовлар» (муаллифлар Мўминжон Маъмуров, Мирзо Комил) мақоласида долзарб муаммолардан бири тилга олинади. Қозоғистонлик «ишбилармон»лар вилоти қишлоқларида юриб, фўқароларни мавсумий ишга тақлиф қилишди. Катта иш ҳақи ваъда қилиб, йўлдан уришди. 30 нафар фўқаронини ноқонуний йўллар билан чегарадан олиб ўтиб, Қозоғистоннинг Челек деган ерига олиб бориб, заминдор бой-ваччаларга ҳар бирини 15 минг тенгедан сотиб юборишди. Паспортларини олиб қўйишди. Қўл каби сотилганлар қоринларини тўйдирдиш эвазига бир неча заминдорнинг даласида эртадан-кечгача ишлашга мажбур бўлишди. МДХ мамлакатларида одам савдоси ўпир муаммага айланади, билими саёз, қонун-қондалардан бе-ҳабар фўқаролар фирибгарларнинг тўзқонига илиниб қолишмоқда. Шунингдек, бу меҳнат ва бандлик бўлимлари қонқарсиз ишлаётганининг оқибатидир.

Ҳафтанома тахирияти машўм Андижон воқеаларидан сўнг мамлакатимизга нисбатан бошланган ахборот хуружларига қарши «Огоҳ-

лик - давр талаби» рўқни остида мунтазам равишда мақолалар, газетхонларнинг муносабатлари, хатларини бериб борапти. «Қабохатнинг чегараси бўлмайд» (Н.Холматов, Андижон туман прокурори, 15 июл сонини) мақоласида тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш борасидаги долзарб чора-тадбирлар хусусида сўз юритилади. Андижон шаҳридаги жазони ўташ муассасасидан террорчилар чиқариб юборган, хўнрезликда иштирок этмагани аниқланган 50 нафар маҳбуснинг жамоатчилик иштирокида, иштирий равишда қамқоқонага қайтарилгани тилга олинади. Ёшларнинг ноқонуний диний оқимлар таъсиридан асраш борасида олиб борилаётган ишларни янада яшилаш зарурлиги уқтирилади. «Адолат қамиша тантана қилади» саҳифасида фўқароларнинг фожеали воқеаларга муносабати, унда иштирок этган, ҳибса олинган «акромий» оқими аъзоларининг тавба-тазарууларини чоп этилди. Ғ.Қўзйўсов, М.Ортиқовларнинг «Ўзбекистон бағрикенглик» мақоласида террорчилар ҳўжум уюштирган қамқоқона жойлашган депарадаги «Ал-Бухорий» маҳалласи фаоллари, фўқаролар нўқтаи назаридан фожеали воқеаларнинг уйдирмаларидан холи асптафислотлари ёритилди. Тўғри бедор ўқувчан маҳалла ахли қамқоқонадан чиқариб юборилган, бироқ террорчиларга қўшилмай, қайта боришини билмай орган маҳбусларни хонадонларига қиритишди, ўша тонгдаёқ жазони ўташ муассасасига қайтариб топширишди. Таъминот вақтинча издан чиққан қўнлари маҳалла ахли қамқоқда ётган маҳбусларни озиқ-овқат билан таъминлашни ўз зиммасига олишди. Террорчилар қочаётиб ташлаб кетган

қурол ва ўқ-дориларни милицияга келтириб беришди. Оқсоқоллар ёшларни террор хуружга қўшилишдан асраб қолишди.

«Бир пиёла чой устида» дам олиш саҳифасида дунё янгликлари, турфа олам, гаройиботлар, ҳикоя, шеш, ҳажвия, детектив қисса ва таржима асарлари ҳам бериб боришмоқда. Хусусан, халқро Нобел мукофотини таъсис этган норвегиялик машхур Альфред Нобелининг Фарғонада бўлгани, ака-укалар нефт компаниясини ташкил қилгани тўғрисидаги мақола диққатга сазовор.

Ҳафтанома ҳали бир ёшга тўлгани йўқ. Иқодий жамоанинг камчиликлари йўқ эмас. Маълумотномага ўхшаб кетадиган, умумий мулоҳазалардан иборат мақолалар ўқувчига ҳеч нарса бермайди. «Ёшлар тарбиясига масъулимиз» сарлавҳали мақолада (17 июн сонини) таълим ва тарбияга оид барчага маълум вазифалар санаб ўтилган, иш таъсирчанлиги, самарадорлигини ошириш борасида тақлиф-мулоҳазалар билдирилмаган. «Му-тахассис маслаҳати» рўқни остида босилган «Гийёвандлик — саломатлик душмани» (19 ноябр сонини) мақоласида наркотик моддаларни истеъмол қилиш кўникмасининг ву-жудга келиши, киши организмидан емириб бориши, уни даволаш йўл-йўриқлари баён этилади. Мақолада ушбу дардга чалинган гийёванд тақлиди мисолида (исм-шарифи кўрсатилмаса-да) ўзини оғудан асраш хусусидаги фикр-мулоҳазалари баён этилганида ўқимишли ва таъсирчан чиқарди.

Мазмун мундарижаси билан бирга газетанинг ташқи кўриниши, мақолаларнинг жойлаштирилганлиги ва безаги унинг жозибадорлигини таъминлайди. Афсуски, «Ҳуқуқ сабоқлари»нинг аксарият сонлари бир хил қолигда саҳифаланган. Компьютер имкониятларидан фойдаланилмаган.

Жиддий камчиликларга қарамай ҳафтанома исми жисмига монанд, уни мутлола қилиб борган киши ҳуқуқий сабоқлар олади, ҳўқуқ ва мажбуриятларига амал қилиш кўникмаси руҳиятига билвосита сингиб боради.

Исроил ИБРОҲИМОВ,
«Нидо» муҳбири

Прокурор протести билан

Ишга тикланди

Конституциянинг 5-боб 22-моддасида «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудда ҳам, унинг ташқирисидида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳоимийлик кўрсатишни кафолатлайди» дейилган.

Яқинда туман прокуратурасига фуқаро Зарина Мусаева номидан шикоят аризаси тушди. Унда қайд этилишича, даъвогар 2005 йил сентябр ойида касалхонада ётиб даволанган. З.Мусаева унинг номидан онаси ёзган аризага қўл қўйиб, халқ таълими бўлимидан ўзининг меҳнат таътилига чиқиши билан бирга меҳнат шартномасини бекор қилишини ҳам маълум қилган эди. Саломатлиги тикланган, З.Мусаева ўзи ишлаб келган «Ўқув ижодий маркази» директориغا ишга қайтмоқчи эканлигини, оғохлантириш мuddати орасида берган аризасини қайтиб олмақчи эканлигини айтганда, маълумият томонидан рад жавоби берилган.

Меҳнат Кодексининг 99-моддасида меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилишда, унга икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда оғохлантирувчи бўлиши, оғохлантириш мuddати давомида ходим берган аризасини қайтариб олишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Шу боис туман прокуратураси томонидан З.Мусаеванинг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқ қайта қўриб чиқилиши таъминланган, даъвогар ишга тикланди.

Хусусий тадбиркор Ф.Бурхонов ўз ҳисоб варақасидаги 700.000 сўм нақд пулни «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Учқудук филиалидан ўз вақтида ололмаётгани ҳақида туман прокуратурасига хабар берди.

Текширишда чиндан ҳам унинг мурожаатлари асоссиз равишда рад этиб келинаётгани маълум бўлди. Туман прокуратураси аралашган, Ф.Бурхоновнинг талаби қаноатлантирилди.

Ушбу ҳолат юзасидан «Ўзсаноатқурилишбанк» Учқудук филиали кредит бўлими ходими К.Кулматовга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, банк бошқарувчиси вазифасини бажарувчи Ж.Абдубакиров келгусида қонунбузилишига йўл қўймаглик ҳақида оғохлантирилди.

Халимзода ЭРГАШЕВ,
Учқудук туман прокурорининг катта ёрдამчиси

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат органларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга» деб ёзиб қўйилган. Хатлар жойлардаги «огриқ нуқта»ларни аниқлашга кўмак беради, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги қай даражада эканлигини кўрсатади. Туман прокуратурасига 2005 йилда келиб тушган 313 та ариза ва шикоятдан 221 таси хал қилиш учун тегишли идораларга юборилган, колгани эса прокуратуранинг ўзида хал қилинган.

Қонунга риоя қилиш — муваффақият зарови

Битта хат аноним бўлганлиги боис қўриб чиқилмади. Киши холис бўлса, бировга тухмат қилимаса, нимадан кўрқадди. Ахир, мурожаат учун таъйиб қилиш қонунда маън этилган-ку.

Ариза-шикоят ёзишининг ҳам тартиб-қоидаси бор, уни бир неча нуска кўпайтириб, бир вақтнинг ўзида турли идораларга юборавериш ярамайди. Ариза мазмунан хал бўлмаса, ундан сўнг юқори турувчи маҳкамага мурожаат қилинса, бу бошқа гап. Уни аниқ бир органномага муаллифининг исми-фамилияси тўғрисида кўрсатилган, ариза моҳияти аниқ баён қилинган ҳолда ёзиш лозим.

«Қонун ҳарфига риоя қилиш» деган рус тилидан ўзлаштирилган бир ибора бор. Бу қонунни нозик

англашни билдиради.

Қонуний фаолият кўрсатаётган тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш муҳим вазифадир. Ариза бўйича текширилганда, «Садам» хусусий ишлаб чиқариш корхонасининг ер майдони асоссиз равишда олиб қўйилганлиги маълум бўлди. Бу ҳақида туман ҳокимлигининг қарорига протест келтирилди. Худди шундай асоссиз тугатилган «Диёнат» хусусий фирмасининг фаолияти ҳам қайта тикланди.

Утган йили Қарши туманлараро фуқаролик судига 200 дан ортқ даъво аризаси киритилиб, ишчи-хизматчиларнинг 20.262 минг сўмлик иш ҳақлари ундириб берилди.

Меҳнат кодексининг 81-82, 154-моддаларида иш берувчи корхонада беш кундан ортқ ишлаган хо-

димга меҳнат дафтарчаси очилиши шартлиги, ишга қабул қилиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилиши, иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақини белгиланган мuddатларда тўлаши шартлиги кўрсатилган.

Ариза бўйича текширилганда «Жаббор ўгли Очил» фирмаси раҳ-

бари Тошпўлат Ортиқов Бахтиёр Тўлаев ва бошқаларни меҳнат шартномасисиз, қонуний расмийлаштирмай, иш ҳақи бермасдан ишлатгани маълум бўлди. Фирма раҳбарига нисбатан маъмурий жавобгарликка доир иш қўзғатилди.

Фуқароларни нафақат туман прокуратурасида, балки бевосита меҳнат жамоалари ва яшаш жойларида қабул қилиш яхши самара бермоқда. Ҳуқуқбузарлик кўпроқ содир бўлган кишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар ўтказилмоқда. Бу эса жойларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга хизмат қилади.

Малика ҲАКБЕРДИЕВА,
Қарши туман прокурори

Фуқаро Р.Шомуродованинг фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг хал қилув қарори во Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг оқрими бекор қилинишини сўраб Тошкент шаҳар прокуратурасига қилган мурожаоти ўрганилганда кўйилган оқридан қилган.

338.900 сўм бож ундириш қисмлари бекор қилинган. Иш бўйича янги хал қилув қарори қабул қилиниб, Р.Шомуродованинг Ж.Барноева ва Э.Шоназаровлар ўртасида тузилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топил ҳақидаги даъвоси рад этилган.

Шу тарихка иккала инстанцияда ҳам иш бир томонлама, ФПКнинг 15-, 57-моддаларига зид равишда

рокисиз ФПКнинг 139-моддасига кўра қўриб чиқишни лозим топган.

ФПКнинг 312-моддаси 1-бандига кўра, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги суднинг қарорини апелляция, кассация ва назорат тартибиде бекор қилишга асос бўлади.

ФПКнинг 314-моддаси 2-бандига кўра, иш суд муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган,

баҳо бермаган. 2005 йил 2 июн кунги хал қилув қароридида ҳада шартномасини муҳоама қилиб, уни рад этиш фуқаролик иши материаллидаги далиллар билан асосланмаган.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанцияси ўз навбатида ФПКнинг 332-моддасига зид равишда ишни апелляция тартибиде кўраётганида биринчи инстанция судининг хал

Нақд пул олинди

Ҳазорасп туман прокуратураси томонидан «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон ижроси юзасидан доимий назорат ўрнатилган. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатлари поймол қилинаётган ҳолатлар юзасидан мурожаатлар ҳам ўз вақтида хал этилмоқда.

Жумладан, тумандаги «Пўстаклар» фермер ҳўжалиги ишчиларига «Миллий банк»нинг Ҳазорасп филиали томонидан иш ҳақи берилмаётганлиги ҳақида мурожаат қилинган эди. Шикоят туман прокуратурасининг аралашуви билан қонуний хал этилиб, фермер ҳўжалигига иш ҳақи учун нақд пул банкдан олиб берилиши таъминланди.

Юқоридаги фармон ҳамда «Банклардаги депозит ҳисоб-варақларидан нақд пул тўловларини узлуқсиз таъминлаш фуқароларни тўғрисида»ги қарор талаблари қўпол равишда бузилганлиги боис, «Миллий банк»нинг Ҳазорасп филиали бошқарувчиси Отабек Матёкубовага нисбатан интизомий жавобгарликка доир иш қўзғатилди.

Азизбек ВАХОБОВ,
Ҳазорасп туман прокурорининг ўринбосари

Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг 2005 йил 2 июндаги хал қилув қарори билан Р.Шомуродованинг С.Барноевага нисбатан ҳада шартномасини ҳақиқий эмас деб топил, шунингдек, «Тиллаева» хусусий нотариал идорасига, Барноеваларга нисбатан олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топил ҳақидаги даъвоси қисман қаноатлантирилган. Яъни, хусусий нотариус Г.Тиллаева тасдиқлаган Ж.Барноева ва Э.Шоназаровлар ўртасидаги Чилонзор тумани 19-даха 66-уй 21-хондонда доир олди-сотди шартномаси ҳақиқий эмас деб топилган ва Ж.Барноевадан Э.Шоназаров фойдасига 12.000.000 сўм ва давлат фойдасига 338.900 сўм бож ундирилган. Р.Шомуродованинг ҳада шартномасини ҳақиқий эмас деб топил ҳақидаги даъвоси эса рад этилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2005 йил 2 август кунги ажрими билан фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг 2005 йил 2 июндаги мазкур низо юзасидан қабул қилган хал қилув қарорининг Ж.Барноева ва Э.Шоназаровлар ўртасида тузилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топил, Ш.Барноевадан Э.Шоназаров фойдасига 12.000.000 сўм ундириш ҳамда Э.Барноевадан давлат фойдасига

хал қилинган.

Маълумки, ФКнинг 124-моддаси асосан номингагина тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир. Агар битим бошқа битимни ниқоблаш мақсадига тузилган бўлса, ҳақиқатда назарда тутган битимга доир қоидалар қўлланади.

Суд мажлисида нотариус вакили Х.Давидова ўз кўргазмасида Тошкент шаҳар ҳокимининг 1999 йил 27 феврал кунги қарорига кўра Тошкент шаҳридан ташқарида яшовчилар билан уй-жойларни олди-сотди шартномасини тузиш таъқиқлангани, лекин ҳада шартномаси бўйича ҳеч қандай таъқиқ қўйилмаганини билдирган. Ж.Барноева эса низоли уйни қизи С.Барноева 2003 йил 25 феврал кунги Р.Шомуродовдан 12.000.000 сўмга сотиб олганини, аввалига 6.000.000 сўм, нотариал тасдиқлангандан сўнг яна 6.000.000 сўм берганини айтади.

Суднинг даъвоси таъминлаш ҳақидаги 2004 йил 19 октябр кунги ажримига кўра Чилонзор-19 66-уй 21-хондонда низо хал бўлганга қадар ҳеч қандай нотариал ҳаракат олиб бормаслик учун таъқиқ қўйилган. Ушбу ажрим ўз вақтида ижро этилмаганлиги сабабли Ж.Барноева уйни 2004 йил 19 октябр кунги Э.Шоназаровга сотиб юборган.

Хал қилув қароридан кўринишича, суд С.Барноевага нисбатан қидирув эълон қилинганлиги инобатга олиб фуқаролик ишнинг ишти-

аммо суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабар берилмаган шахслардан бирортасининг йўқлигида қўрилган бўлса хал қилув қарори, кўрилган, қарор мажбурий тартибда бекор қилиниши шарт.

Суднинг 2005 йил 28 феврал кунги хусусий ажримида С.Барноевага нисбатан қидирув эълон қилинганлиги учун тергов бўлинмаси томонидан устакно нозир иштирокида низоли хондонга нисбатан таъқиқ қўйилган бўлса-да, мазкур уй жойлашган «Дониёр уйи» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси М.Рўзиева С.Барноевага 21-хондонда ҳеч қандай яшамаслиги ҳақида маълумотнома бериб юборган. Шу маълумотнома С.Барноевага низоли уйи хусусида Э.Шоназаров билан олди-сотди шартномасини расмийлаштиришида қўл келган.

Ҳада шартномасида низоли хондон рўйхатида Шомуродовлар оиласи борлиги кўрсатилган бўлса-да, нотариус уларнинг розилигини олмай туриб шартномани расмийлаштириб берган. Бу эса ўз навбатида судда сўний равишда даъво аризалари кўпайишига ҳамда тарфларнинг мулкий ҳуқуқлари бузилишига олиб келган.

Суд Р.Шомуродованинг Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан С.Барноевага нисбатан ЖКнинг 228-моддаси 2- ва 3-қисмларига асосан қўзғатилган жиноят иши бўйича жабрланувчи деб тан олганлиги ҳуқуқий

қилув қарори қай даражада қонуний ва асосли эканини текширмаган, янги далиллари ўрганиб чиқмаган.

Апелляция инстанцияси судининг 2005 йил 2 август кунги ажримида биринчи инстанция судининг Ж.Барноева ва Э.Шоназаровлар ўртасидаги олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топил ҳақидаги ҳулосаси билан келишмасдан, юқоридаги ҳолатларга ҳуқуқий баҳо бермасдан ҳада шартномасини ҳақиқий эмас деб топил ноконуний равишда рад этилган. Натижда ноконуний ажрим қабул қилинган.

Юқорида қайд этилганларга асосан суд қарорлари бекор қилиниши лозим деб топилди, Тошкент шаҳар прокурори томонидан назорат тартибиде протест келтирилди. 2006 йил 12 январ кунги фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раёсатининг қарори билан мазкур протест қаноатлантирилди. Унга кўра мазкур фуқаролик иши юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг 2005 йил 2 июн кунги хал қилув қарори ҳамда Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2005 йил 2 август кунги ажрими бекор қилиниб, иш янгидан қўриш учун фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судига юборилди.

С.НИЯЗМЕТОВА,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи

Саволларга Республика Бош прокуратурасининг бошқарма катта прокурори Н.Содиқов жавоб беради.

Ўқиш ёки таътил

Мен «Ракурс» савдо-ишлаб чиқариш корхонасида иқтисодчи бўлиб ишлайман. Шу билан бирга иккинчи мутахассислик бўйича сиртдан ўқишни давом эттириаяпман.

Бошқа корхоналар каби бизда ҳам йил бошида ходимларнинг таътилга чиқиш жадвали тасдиқланади. Жорий йил жадвалига мувофиқ мен феврал ойида таътилга чиқдим. Аммо таътил бошланганидан сўнг ўқув юртидан навбатдаги семестрга етиб келиш тўғрисида чақирув қоғози келди. Шу сабабли ўқишга бормаслигинг иложи йўқ. Меҳнат таътили куйиб кетмаслиги учун ушбу ҳолатда нима қилишим керак?

Д.ЖАБОРОВ,
Тошкент шаҳри

Бундай вазиятда сиз иш берувчи корхона маъмуриятига ўқув семестри бошланганини тўғрисида хабар беришингиз лозим. Бундай сабаб тўғрисида таътилни фойдаланилмай қолган даврини иш берувчи билан келишган ҳолда бошқа пайтга қўйириш ёки таътилни ундан фойдаланилмайдиغان кунлар сонига узайтириш мумкин.

Шаҳардаги шифокор

Мен 2004 йилнинг 20 апрелида 55 ёшга тўлдим. Шифокор бўлганим сабабли имтиёзли нафақага чиқиш учун ижтимоий таъминот бўлимига ариза бердим. Аммо рад жавобини олдим. Сабабини сўрасам, умумий шифокорлик стажим 26 йилу 6 ой экан, шундан 24 йил гўё Беруний шаҳар шифохонасида ва поликлиникасида ишлаган эмишман. 55 ёшда имтиёзли пенсияга чиқишим учун эса шу соҳадаги 30 йиллик иш стажига керак экан.

Беруний туман касалхонаси доимий равишда туман

«Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддаси «л» бандида шифокорлар ва бошқа тиббий ходимлар охириги иш жойидан қатъи назар умумий белгиланган пенсия ёшидан беш йил олдин пенсия олиш ҳуқуқига эгаллиги қайд этилган. Бироқ, бунинг учун шифокорнинг махсус иш стажига қўйиладиган қўшимча 25 йил, шаҳарларда қўшимча 30 йил бўлиши лозим. Шундан келиб чиқиб, Беруний тумани маркази шаҳар статусига эга бўлса, унда сиз имтиёзли пенсияга чиқишингиз учун стажингиз туман ижтимоий таъминот бўлими мутахассислари айтганидек 30 йил бўлиши керак.

Ташқарида ҳарорат -30 бўлганда...

Иситиш мавсумида хонадондаги иссиқлик ҳарорати неча даражани ташкил этиши керак? Агар хонадаги ҳарорат нормага мувофиқ бўлмаса, тўлов амалга оширилиши керакми ёки йўқми?

Республика Президентининг 2005 йил 23 сентябрдаги фармонида иситиш тизими нархини 19,4 фоизга, совуқ сувниқини 10,6 фоизга камайтириш кўзда тутилган. Ушбу фармон аҳолига тааллуқлими? Иситиш ва совуқ сув идоралари фармон уларга тааллуқли эмаслигини билдиришмоқда. Шу тўғрисида?

Н.МЕШЕРЯКОВА,
Тошкент шаҳри

Кўп хонадонли уйлари иситиш ҳарорати мазкур уйнинг иситиш тармоғидан узоқлиги, жойлашуви, иситиладиган жой микдори, иситиш манбаини истеъмолчига етказиб беришгача бўладиган талофат, кўп қаватли уй хонадонлари сони ва ташқаридаги ҳароратни инобатга олган ҳолда ҳар бир ҳудуд учун маҳаллий ҳокимият идоралари томонидан белгиланади. Хонадонларга етказиб бериладиган

иссиқлик ҳарорати бу хусусда уни етказиб берувчи ташкилот ва истеъмолчи ўртасида тузиладиган шартномада қайд этилади. Шундан келиб чиқиб, мазкур шартнома юзасидан зиммага олинган мажбуриятнинг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги хусусида судга мурожаат этиш керак.

Лекин шуни эътиборда тутиш зарурки, иссиқлик таъминоти ташкило-

тининг айби билан юз берган тармоқдаги фармони ҳақиқатан ҳам республика аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш, тарифларнинг асоссиз ўсишига йўл қўймаслиққа қаратилган. Бироқ, ушбу фармон аҳолидан коммунал хизмат учун олинаётган ҳақларни камайтиришга эмас, балки унинг ошиб кетмаслиги мақсадида коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини қўллаб-қувватлашга қаратилган. Шу боис 2006 йилда марказлаштирилган иситиш ва иссиқ сув таъминоти бўйича аҳолига кўрсатиладиган хизматлар тарифи микдорининг 10 фоиз фарқини иссиқлик таъминоти корхоналарига давлат бюджети ҳисобидан қоплаш кўзда тутилган.

Ариза бериладиган манзил

Мен 2006 йилнинг 10 майида 60 ёшга тўламан. Шунинг учун пенсияга чиқиш борасида нима қилиш ва қаерга мурожаат этиш керак?

Б.ЖАБОРОВ, Самарқанд шаҳри

Пенсия ёшига етган бўлсангиз, пенсия тайинлаш тўғрисида ариза ёзиб ишхонагизнинг маъмуриятига мурожаат этишингиз лозим.

Маъмурият ариза тушган кундан эътиборан ўн кун ичида стаж ва иш ҳақи тўғрисидаги зарур ҳужжатларни расмийлаштиради ҳамда уларни пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза ва ўз тақдимномаси билан бирга сиз истиқомат қиладиган туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига юборади.

Меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси

Мен хусусий корхонада ҳисобчи бўлиб ишлайман. Олий ўқув юртини тамомлаганимга бир йилдан сал ошган бўлса-да, ҳали амалиётда муастак ишлаганим йўқ. Шунинг учун ҳозирги иш жойимда биров қийналаяпман. Агар иложи бўлса меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси кимларга неча фоиздан тўланиши тўғрисида маълумот берсангиз.

Г.УЛКАНОВА,
Узун тумани

Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақа тўлови Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 февралдаги 71-қароридида кўйилганга белгиланган:

— Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан бўлган ходимларга, байналмилалчи жангчиларга ва уларга тенглаштирилган шахсларга, қарамогидида 16 ёшга (ўқувчилар учун — 18 ёш) тўлмаган уч нафар ва ундан кўп фарзанди бўлган ходимларга, Чернобил АЭСдаги авария оқибатини бартараф этишда қатнашган ходимларга, мазкур авария натижасида радиоактив ифлосланиш зонасидан эвакуация қилинган ва кўчирилган қон ҳосил қилувчи органлар касалликлари (ўткир лейкоз), қалқонсимон без (аденома, рак) ва ҳавфли ўсмалар билан боғлиқ касалликларга чалинган ходимларга, ядро полигонларида ва бошқа радиация объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги ногирон ходимларга, шунингдек, ходим ишда шикастланиш ва касб касалликлари оқибатида вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотганда ойлик иш ҳақининг тўлиқ микдорида;

— ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар бўйича ҳисобда турувчи ходимларга, улар томонидан давлат ижтимоий сўғуртасига бадал тўлаб келиниши муддатига (умумий иш стажига) қараб ойлик иш ҳақининг 60 фоиздан 100 фоизгача микдорда. Бунда ушбу касалликлардан бири билан рўйхатда турган ходимларнинг:

- а) умумий меҳнат стажига 8 йил ва ундан ортиқ бўлганда иш ҳақининг 100 фоизи микдорида;
- б) умумий меҳнат стажига 5 йилдан 8 йилгача бўлганда иш ҳақининг 80 фоизи микдорида;
- в) умумий меҳнат стажига 5 йилгача бўлганда иш ҳақининг 60 фоиз микдорида тўланади.

«Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам ботиқ турларининг микдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам микдордан оз бўлиши мумкин эмас».

Ўзбекистон Конституциясининг 39-моддаси

Сохта ҳужжат учун тўлов

Мен хусусий фирмада ҳисобчи бўлиб ишлайман. Жорий йилнинг январидида икки ходимимизни хизмат сафарига юборган эдик. Улар сафардан қайтган, йўл, турар-жой харажатларини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишди. Шундан сўнг, ушбу харажатларни январ ойининг иш ҳақига қўшиб ҳисоблаб бердим. Лекин янгида билишимча, турар-жой харажатлари қалбақлаштирилиб, катта микдор кўрсатилган экан. Ортиқча тўланган пулни мазкур ходимлардан қайтаришни айтсам, буни хоҳлашмаяпти. Бу вазиятда нотўғри тўланган пулни уларнинг навбатдаги ойлик иш ҳақидан ушлаб қолишим мумкинми?

Ш.ЛАТИПОВА,
Самарқанд шаҳри

Ходимнинг меҳнат ҳақидан ҳисоб-китобда йўл қўйилган хато натижасида берилган ортиқча тўловларнигина ушлаб қолиш мумкин.

Меҳнат кодексининг 279-моддасига қўра ходимга у берган ёлғон маълумот ёки тақдим этган сохта ҳужжат оқибатида тўланган суммалар ундан фақатгина суд қарори асосида ундириб олиниши мумкин.

Ҳисобга олинмаган даромад

Менинг иккита фарзандим бор. Каттаси тўрт ёшга, кичиги эса яқинда уч ёшга тўлади. Айни пайтда бетоблигим учун вақтинча ҳеч қаерда ишлаганим йўқ. Оиламизда фақат турмуш ўртоғим ишлайди. Шунинг учун икки фарзандим учун нафақа тўлашни сўраб мурожаат этсам бўладими? Бундай нафақа микдори бугунги кунда қанча?

З.ОМОНОВА,
Учкуприк тумани

Фарзандларингиз вояга еттунига қадар тўланадиган нафақани тайинлашни сўраб яшаш жойингиздаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига мурожаат этишингиз мумкин.

Бундай нафақани тайинлашда оиланинг даромади болаларнинг жисмоний, ақлий ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан мақбул ривожланишини таъминлаш имконини бериши ҳисобга олинади.

Нафақа:

- бир болали оилалар учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи микдорида;
- икки болали оилалар учун — 100 фоизи микдорида;
- уч болали оилалар учун — 140 фоизи микдорида;
- тўрт ва ундан кўп болали оилалар учун — 175 фоизи микдорида белгиланади.

Пенсионернинг имтиёзи

Мен Тошкент давлат маданият институтидида таҳсилни кутубхоначилик йўналиши бўйича тамомлаб, ўн тўрт йил кутубхоначи бўлиб ишладим. Кейинчалик оилавий шароитга қўра бошқа соҳаларда ишлашга тўғри келди. Айни пайтда пенсияга чиққанман. Аммо имконият ва шароит бўлганилиги учун талабалар ётоқхонасида вахтёр бўлиб ишляяпман.

Эшитишимча, кутубхоначи бўлиб ишлаганларга пенсияга чиққанларидан кейин ишласа ҳам пенсияси тўлиқ тўланиши керак экан. Шу тўғрисида? Бунинг учун нима қилишим керак?

О.ЭШОНКУЛОВА,
Зангиота тумани

Ўзбекистон Президентининг 1999 йил 17 мартдаги «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини қўлайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида ҳақиқатан ҳам кутубхоначи сифатида ишлаб, шу соҳада қамда ўн йиллик иш стажига эга бўлган аёлларга пенсияга чиққанларидан сўнг ишласалар пенсияси тўлиқ микдорда тўланиши назарда тутилган. Бироқ, бундай пенсияни мазкур фармонга мувофиқ ҳолда олиш учун ишни кутубхоначи сифатида давом эттиришингиз лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти фаолиятдан

киритилди.

Кичик ва ўрта бизнес соҳибла-

Унга кўра энди микрофирма ва кичик корхоналар ягона солиқ тўлашни назарда tutuvchi тизимдан фойдаланиши мумкин. Лекин акциз солиғи солинадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчилар акциз солиғини, фойдали қазималарни кавлаб олувчилар эса ер остидан фойдаланганлик учун ҳам солиқ тўлашлари шарт бўлади. Ягона солиқ тўлови ёки ягона солиқ тўловчиларда импорт қилнадиган товарлар (ишчилар, хизматчилар) бўйича акциз солиғини ва қўшилган қиймат солиғини тўлаш мажбурияти ҳам сақланиб қолди. Солиқ ко-

ри энди ана шундай ҳужж ва мажбуриятларга бирдай амал қилиб, ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ва четдан келтираётган товарлари билан ички бозоримизни тўлдириш асносида солиқларни вақтида тўлаб туришга бас. Чунки республикамизда давлат бюджетининг асосий қисми солиқлар ва мажбурий тўловлар

Воқеликка теран назар ташласак, солиқ муносабатларидаги маънавий қашшоқлик яширин фаолиятнинг кучайишига олиб келаётганлиги аён бўлади. Шунинг учун бу ҳолат департамент органлари ходимлари зиммасига масъулиятли вазифалар юклайди. Хусусан, тадбиркорларнинг муаммоларни ҳал қилишга ёрдамлашиш, уларнинг фаолиятига тўсиқ бўлаётган ҳолатларни аниқлаш, божхонани четлаб юртимизга маҳсулот олиб кириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва товарларни қонуний импорт қилаётган тадбиркор-

Манбалардан маълумки, дунёдаги ривожланган давлатлар тадбиркорлик ва ишбилармонлиқни тараққийнинг асосий омилларидан деб билишган. Мамлакатимизда ҳам бугун тадбиркорлиқни ривожлантиришга катта эътибор берилаяпти. Биргина 2005 йилда президентимизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор қарор ва фармонлари эълон қилинди. 2005 йил 20 декабрда мамлакатимизнинг айрим қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун қўйилди.

Солиқлар иқтисодиётимиз таянчи

дексининг 100-моддасига қўшимча қисм киритилди. Унга кўра ягона солиқни тўлайдиган микрофирма ва кичик корхоналар ижарага олинган ер участкалари учун бюджетга ижара ҳақи тўлашдан озод этилди. 109-моддага қўшимча 2-қисм киритилиб, энди микрофирма ва кичик корхоналар ер остидан фойдаланганлик учун ҳар чоракда, чоракдан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмадан солиқ бўйича ҳисобот берадилар. Шунингдек, 120-моддага киритилган ўзгартиришга кўра микрофирма ва кичик корхоналар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоботини ҳар чоракда, чоракдан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмадан топширишди. Кишлоқ ҳўжалиги корхоналари эса бундан мустасно. Барча солиқ тўловчи субъектларнинг солиқ инспекциясига йиллик, чораклик, ойлик ҳисобот тақдим этишлари тартибига ҳам қатор қўшимча ва ўзгартиришлар

эвазига шаклланади. Ана шу йиғимлар адолатлилик тамойиллари асосида босқичма-босқич кундалик ҳаётимизга кириб келмоқда. Масалан, 2006 йилда давлат бюджетидан 2 трлн. 205 млрд. сўмдан зиёд маблағлар ижтимоий соҳаларга ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш учун, яъни таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, спорт, илм-фан, маданиятни юксалтириш ва бошқа халқ фаровонлиги билан боғлиқ харажатларга сарфлашиши кўзда тутилган. Уларнинг асосий қисми мактаб таълимини ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодга билим бериш ва уларни тарбиялаш харажатларидан иборат. Афсуски, ҳозирги вақтда солиқ тўлашдан бўйин товлашни одат қилганлар кам эмас. Биргина жорий йилнинг ўтган ойларида Бош прокуратура хузуридаги СВОЖҚК департаменти органлари томонидан текширишлар сони аввалги йилларга нисбатан кескин камайtirилганига қарамадан, ноқонуний фаолият юритаётган кимсалар томонидан етказилган 3 млрд. 734 млн. сўмлик зарарнинг давлат бюджетига тушиши таъминланди.

ларнинг манфаатига зарар етказётган сохта тадбиркорларни фош этиш бугунги кундаги асосий вазифамиздир.

Таъкидлаш лозимки, тадбиркорларнинг фаолиятига ноқонуний аралашуш ҳолатлари аниқланганда ноҳўя ҳаракат содир этган шахсларга нисбатан департамент томонидан жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган чоралар қўрилаяпти. Шу ўринда солиқ ва валютага оид қонунбузарликлар, ҳокимият, назорат қилувчи ва хизмат кўрсатувчи идоралар ходимлари томонидан тадбиркорларнинг ҳўжўқлари бузилса, уларни Бош прокуратура хузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг ҳудудий бошқармаларига хабар беришга чақирамиз. Чунки бундай ҳамкорлик қонунбузарликларга қарши курашда барчамизнинг манфаатимизга бирдек хизмат қилади.

Гулчера РАЗЗОҚОВА,
Республика Бош прокуратураси хузуридаги СВОЖҚК департаменти матбуот гуруҳи катта инспектори



Тахтатошлик Е.Кужонов ўз уйда С.Ладиева 728 миң сўмлик 1820 қути «Pine» сўigaretларини 637 АҚШ долларига ноқонуний равишда сотаётганда ушланда.

ХАЛҚ МАНФААТИ.

Халқимизда «Тани соғлиқ — туман бойлик» деган гал бор. Инсон бирон касалликка чалинса, дунё кўзига қоронғи кўринади. Ушанда албатта бор бисотини сарфлаб бўлса-да, тузалишга интилади. Кошки эди, ситиб олган дориси дардига шифо бўлса. Чунки бировларга бахтсизлик улашиш эвазига даромад олишни ният қилганлар, афсуски, орамизда йўқ эмас.

қонуни қабул қилинган. Бугунги кунда дорихоналаримизда аҳолининг эҳтиёжини қондириш учун етарлича дорилар бор, Аммо дорихоналардаги баъзи салбий ҳолатлардан ҳам кўз юма олмаيمиз. Бозор, кўча ва хонадорларда махсус билимга эга бўлмаган шахсларнинг дори-дармон билан савдо қилиши

Соғлиқ — туман бойлик

Қозогистондан турли дориларни ситиб олиб, айланма йўллар билан «Дамас» машинасида мамлакатимизга олиб кираётган Баҳодир Долимов қиш кунлари шамоллаш ва грипп авжига чиқишини, бунга катта фойда келтиришини ўйлаб кетаётганда Тошкент туман прокуратураси хузуридаги СВОЖҚК бўлими ходимлари томонидан тўхтатилди. Ундан 1.333.000 сўмлик 14 турдаги дори-дармон олиб қўйилди.

Халқимизнинг саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида мамлакатимизда фармацевтика санотини ривожлантиришга катта эътибор берилаяпти. Бу борада Президентимизнинг «Ўзбекистон фармацевтика саноти давлат акционерлик концернини ташкил этиш тўғрисида»-ги, «Республикада дори-дармонларни сотишни тартибга солиш тўғрисида»-ги фармонлари ҳамда «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»-ги

бу соҳада муаммолар мавжудлигидан дарак беради.

Фаргона вилоятидаги «Мехригиё» кичик корхонасининг раҳбари Абдуразоқов корхонасида ишлаб чиқарилаётган шифобахш дамламалар Тошкент шаҳрида қалбакилаштирилиб, айрим дорихоналарда савдога чиқарилганлиги учун қонунбузарликга нисбатан чора кўришни сўраб ҳўжўқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига ариза билан мурожаат қилди. Ушбу мурожаат бўйича назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг рухсатномаси асосида Тошкент шаҳар прокуратураси хузуридаги СВОЖҚК бошқармаси томонидан текширув ўтказилди ва айбдорларга нисбатан тегишли чора қўрилди.

Хушнат ЭШМАТОВ,
Республика Бош прокуратураси хузуридаги СВОЖҚК департаменти инспектори



Беруний шаҳрининг Фузулий кўчаси 28-уйда яшовчи фуқаро У.Аллаберганов ана шундай шартда пахта ёғи ишлаб чиқарган.

Ўртадаги воситачи

Ҳўжўқимиз томонидан тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашушларни чеклаш ҳамда уларни ривожлантиришнинг таъминлаш мақсадида турли солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёزلар берилмоқда. Бирок ҳамон айрим тадбиркорлар орасида ҳўфийна фаолият юритиш орқали даромад ортириш ҳолатлари учраб турибди.

Самарқанд шаҳридаги сўigaret ишлаб чиқаришга иктисослашган «Прима» фирмаси фаолияти ўрганилганда, айрим ноқонуний харажатлар фош этилди.

Текширишларда мазкур фирманинг реклама ва сотиш бўйича агентлари Гайбулла Рауфов ва Рабобул Содиқовлар фирмада ишлаб чиқарилган маҳсулотларни Навоий вилоятида «реклама қилиш учун» расмийлаштиришиб, аслида сўigaretларни Иштинондек қонун бозоридан сотаётган вақтда қўлга олинган.

Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, фирма фаолияти Чўуқроқ ўрганилганда, фирмада содир этилаётган яширин фаолиятларнинг барчаси сўigaret ишлаб чиқариш учун етказиб берилётган байрқоний тамақлар ҳўсобида амалга оширилаётганлиги маълум бўлди.

Ҳўжўқларда қайд қилинишича, фирмага тамақни фермер ёки ширкат ҳўжалигидан эмас, балки, мурвашташларга сўigaret иктисослашган «Графика-С» МЧК томонидан етказиб берилганлиги аниқланди.

Ушбу фирма фаолияти текширилганда, фирма директори Абдураул Рауфов Тайлоқ туманидаги «Садриддин Айний» номли ширкат ҳўжалиги раиси Сафар Ашуров билан тил бириктириб, 100 гектар ери махсуд бўлган ва унда тўлиқ галла экилган бўлишига қарамай, туман ҳўжўқимизнинг ижарага бериш тўғрисидаги тегишли қарорисиз ерни

«Графика-С» фирмасига ижарага бериш тўғрисида қалбаки шартнома расмийлаштирилганлиги фош этилди. Бундан ташқари, фирма томонидан Ургу туманида яшовчи 4 нафар фуқаро номига қалбаки ижара шартномалари расмийлаштирилиб, ҳўжўқатлар бўйича 500 тонна тамақни қабул қилган.

Ушбу тамақни «Графика-С» фирмаси раҳбарлари томонидан нафақат «Прима» фирмасига сўigaret ишлаб чиқариш учун берилган, балки сотиб қолган 391 тонна хом-ашё Россияга экспорт қилинган. Текширишда экспорт шартномалари номига расмийлаштирилган аниқланди. Ҳўсобида қўлга кўра, ушбу мўждордаги тамақни етиштириш учун қамида 150-160 гектар ер ва 200 кишидан ортиқ ишчи керак бўлар экан.

Бундан ташқари, «УБАТ» қўшма корхонаси томонидан фуқаролардан тамақнинг бир килоси 850-770 сўмдан қабул қилинган бўлишига қарамай, «Добек» навли тамақни «Графика-С» фирмасининг мансабдорлари томонидан даромаднинг камайтириб кўрсатиш мақсадида фуқаролардан 250 сўмдан харид қилинганлиги тўғрисида сохта ҳўжўқатлар расмийлаштирилган.

«Графика-С» фирмаси томонидан 500 млн. сўмлик нақд пул банкка топширилмаган, давлат бюджетига қўшимча 60 млн. сўмлик солиқлар тўланмаган.

Фирма раҳбарлари тамақ баҳосини пасайтириб олиб, даромадларини камайтириш билангина чегараланмай, 20 млн. сўмлик солиқларни тўламаганликлари аниқланди.

А.ЗУБАЙДУЛЛАЕВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси хузуридаги СВОЖҚК бошқармаси матбуот гуруҳи катта инспектори

ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

— Сарвар ака, халқимизда касалликни даволашдан кўра олдин олган маъқул деган гап бор. Бу нақдани қонунбузар тадбиркорларга ҳам қўлласа бўладими?

— Тўғри, қонунбузар ўз номи билан қонунбузар. Унга жазо муқаррар. Лекин жамиятда қонунни бузмаган инсонга амалдаги қонунларимизни тушунтиришнинг аҳамияти катта. Буни ҳуқуқшунослар «профилактика» дейишади. Тадбиркорларга иқтисодиёт, солиқ ва валютага оид қонунлар ва президент фармонларининг моҳиятини тушунтириш юзасидан вилоят бўйича 1727 та профилактик тадбир ўтказилди. Жумладан, ОАВда 499 та чиқиб қилинди, бозор ва маҳаллаларда

машириш шахобчалари ишлаб турибди. Аммо кейинги ойлarda нимагадир бозорlarda валютафурушлар яна кўпайиб қолди. Сабabi нимада?

— Валютафурушларнинг тегирмонига сув қуйадиган фуқаролар йўқ эмас. Улар эҳтиёж тугилганда мазкур шахобчаларга бориш ўрнига олибсотарлар билан муомала қилишади. Тўғриси, баъзилар банкда навбатда туришни ўзига эи кўрмайди. Валюта билан боғлиқ қонунбузилишларни аниқлаш ва бартаараф этиш юзасидан ўтказилган тадбирлар натижасида кўра 5 та жиноят ва 14 та маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш кўзга тилди. Айбдорлардан 5970 АҚШ доллари, 1300 Россия

Маъмур ҳолат юзасидан айбдорларга нисбатан жиноят иши кўзга тилди. Шу каби қонунни бузган «Хилола плюс», «ТТЗ-Агрокапитал», «Кўҳна Шош» фирмаларининг раҳбарларига нисбатан ҳам шундай чора кўрилди.

— Жиноятлар таҳлил қилинса, қонунбузар тадбиркорларга ҳокимият, банк ва назорат органларининг мансабдорлари «ҳомий-



Жиззах вилояти прокуратураси хузуридаги СВОЖКК бошқармаси бошлиғи Сарвар ТОШЕВ билан сўхбат

Мақсад ва масъулият

аҳоли билан 1228 марта юзма-юз мулоқот уюштирилди. Натижада солиқ тўловчилар бюджетга ихтиёрний равишда 522.387.000 сўм тўлашди. Таҳлилларга аўталадиган бўлса, ўтган йилги текширишлардан сўнг 154 та жиноят, 259 та маъмурий иш кўзга тилди. Давлат бюджетига 2.497.000.000 сўм қўшимча маблаг ундирилди. Лекин ҳали ҳам солиқ тўлашдан бўйин товлайдиган тадбиркорлар бор.

— **Жиззах вилоятининг бир қанча туманлари Тожикистон ва Қозоғистон билан чегарадош. Бу ҳудудлардан мамлакатимизга товарларнинг ноқонуний қириб келишининг олои олинмаяптими?**

— Дарҳақиқат, шу мақсадда Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишининг тартибга солиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинганди. Қарор ижроси юзасидан ўтган йили амалга оширилган тадбирлар натижасида 125 та ҳуқуқбузарлик аниқланди. 39 та жиноят ва 88 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш кўзга тилди. 36.740.000 сўмлик товарлар далилий ашё сифатида олиб кўйилди.

Жумладан, Жиззах шаҳар прокуратураси хузуридаги СВОЖКК бўлими ходимлари тадбиркор Аскар Абдукаримовнинг дўконда ўтказган текширишда у ерда кириш ҳужжатлари бўлмаган 46 турдаги 2.451.700 сўмлик товарлар далилий ашё тарихида олиб кўйилди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзга тилди.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

— **Мамлакатимизда валюта ал-**

рубли, 46.000 Қозоғистон тенгеси олиб кўйилди. Қонунни менсимасан валюта жабр қилиши аниқ. Шундай валютафурушлар қаторида Ўткир Сунодиқов, Суннат Холқўжаевларни кўрсатиш мумкин.

— **Кўпгина тадбиркорлар ўзим бўлай қабилида иш юритиб, савдодан тушган пулни банкка топширмайди. Бундай қонунбузарликларнинг олдини олиш борасида қандай ишлар қилинапти?**

— 2002 йил 5 август куни Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Қарорнинг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган тадбирлар натижасида 18.995.000.000 сўмлик ноқонуний нақд пул айланмаси аниқланди ва айбдорларга 438.374.000 сўмлик жазима солинди.

Масалан, Жиззах шаҳридаги «Бунёд-Санжар» фирмаси мансабдорлари улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома олишмаган. Бу ҳам етмагандек, улгуржи ва чакана тартибда, шунингдек тамаки маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳуқуқини берувчи қалбаки рухсатнома тайёрлаган. Шу асосда бир қатор ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдорлари билан тил бириктириб, нақд пулни банкка топширишмаган.

Биргина мисол. Фирма мансабдорлари Жиззах вилояти заиф эшитувчи болалар мактаб-интернати бош ҳисобчиси Р.Тиловов билан тил бириктириб, мактаб-интернат ҳисоб-рақамидан фирманинг ҳисоб-рақамига 800.000 сўм ўтказиб, бюджет маблағини талон-тароқ қилганлар.

лик» қилаётганини эшитиб қоламиз. Шу ҳақда нима дея оласиз?

— Бу фикрда жон бор. Ҳақиқатан ҳам ўтказилган текзор тадбирлар натижасида ҳокимият, банк ва бошқа назорат органлари мансабдор ва масъул ходимларига нисбатан 34 та жиноят иши кўзга тилди. Улар давлат бюджетига 350.000.000 сўмлик зарар етказганлиги аниқланди.

Хусусан, Жиззах шаҳар прокуратураси хузуридаги СВОЖКК бошқармаси томонидан ўтказилган текширишда «Халқ банк»нинг Учтепа филиалига қарашли «У.Хотамов» минибанкининг ҳисобчи-назоратчиси Шавкат Жўраев ва кассир Улғубек Холмуродовлар пенсионерларга 2004 йил сентябр-декабр ойларида тарқатилган лозим бўлган 15.269.490 сўм ва 2005 йил январ ойида тарқатилган лозим бўлган 3.092.629 сўм пулни тарқатмай, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлиги аниқланган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзга тилди, дастлабки суриштирув жараёнида зарарнинг 12.000.000 сўми ундирилган.

Бўлар элининг болалари бир-бирини ботириб дер экан. Кўпчилик мана шу ҳикматнинг мағзини чақа оладиган даражага эришишимиз керак. Бўлмаса келажак ҳақидаги орзуларимиз қанчалик чиройли бўлмасин орзулигига қолаверадим.

**«Huquq» мухбири
Зайниддин МАМАДАЛИЕВ
сўхбатлашди**

Бугун қайси бир маҳаллага кирманг, албатта дўконларга кўзингиз тушади. Бундай савдо шахобчаларининг ишидан ҳамма хурсанд. Чунки баъзан арзимас гугурт ёки совун учун бозорга боришга тўғри келади. Узоғингизни яқин қилган дўкон сотувчисига раҳмат айтсангиз. Агар маҳалладаги дўконча қонуний ишласа, сотувчининг рўзғори бут бўлиши тайин. Бироқ дўконларда қонунбузарликларнинг содир этилиши баъзан норозиликларга сабаб бўлади.

ДЎКОНДАГИ «ЎЙИН»ЛАР

Жиззах туман прокуратураси хузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлимининг режасига Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 15 январдаги «Алкогол ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг ижроси юзасидан тадбирлар ўтказиш киритилган эди. 2005 йил мобайнида ўтказилган тадбирларда 2 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланди, жиноят ишлари кўзга тилган. Ҳуқуқбузарлардан 278.500 сўмлик спирт ва 23.870 сўмлик сигаретлар далилий ашё сифатида



Жиззах вилоят прокуратураси хузуридаги СВОЖКК бошқармаси томонидан қўлбола ароқ ишлаб чиқарувчи цехлардан олинган далилий ашёлар.

Мирзачўл тумани Қозоғистон билан чегарадош. Ҳар кўни юзлаб фуқароларимиз савдо-сотиқ қилиш учун у ердаги бозорларга боришади. Қозоғистонликлар ҳам биз томонга ўтишади. Ачинарлиси, шу баҳонада туманимизга ҳужжатсиз, сифат сертификати бўлмаган маҳсулотлар айланма йўллар орқали кириб келмоқда.

ЯШИРИН ЙЎЛЛАР БИЛАН...

Туман прокуратураси хузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишининг тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан 2005 йилда ўтказган текширишларда аниқланган ҳолатлар бўйича 5 та жиноят иши ва 24 та маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш кўзга тилди. 8.793.100 сўмлик товарлар далилий ашё тарихида олиб кўйилди.

«Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор ижроси бўйича ўтказилган тадбирда гагаринлик Жаҳонгир Шодиев тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмасдан, Хитойда ишлаб чиқарилган 305.200 сўмлик молларни Жиззах шаҳри бозорларида сотиш учун ноқонуний равишда олиб кетаётганлиги аниқланган.

Ургутлик Ойдин Холбобоева ҳам шу тарзда 655.200 сўмлик товарни Ургут бозорларида сотиш учун олиб кетаётганлиги аниқланган. Мазкур ҳолатлар юзасидан тўпланган ҳужжатлар қўриб чиқиш учун жиноят ишлари бўйича Мирзачўл туман судига юборилди.

Гагарин шаҳрида ўтказилган текширишда тадбиркор Наташа Испиридоў ўзининг дўконнда махсус рухсатнома олмасдан спиртли ичимлик ва сигарет сотаётганда ушланди. Ундан 207.000 сўмлик маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олинди. Суднинг ҳукмига кўра, Н.Испиридоўга нисбатан қонуний қоралар кўрилди.

Бўлим ходимлари юқоридаги каби ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида 47 та профилактик тадбир ўтказишган. Аҳоли ўртасида олиб бориладиган тушунтириш ишларига бундан кейин ҳам катта эътибор қаратилди.

**Н.АВАЗОВ,
Мирзачўл туман прокуратураси хузуридаги СВОЖКК бўлими бошлиғи**

олиб кўйилган. Жумладан, Жиззах туманидаги «Нурли кўёш» кўргони ҳудудида жойлашган Жаҳонгир Аҳмаджоновга тегишли дўконда текшириш ўтказилди. Унда Ж.Аҳмаджонов рўйхатдан ўтмасдан, спиртли ичимликлар савдоси билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи махсус рухсатнома олмасдан Д.Хусанова 1 шиша «Premyer» ароғини 3300 сўмга, 1,5 литрлик «Sibur» ичимлигини 400 сўмга сотаётганда ушланди.


Шунингдек, дўконда сотувга тайёрлаб кўйилган 278.500 сўмлик спиртли ичимликлар далилий ашё сифатида олиб кўйилган. Ж.Аҳмаджонов устидан жиноят иши кўзга тилди, суд ҳукми билан жазо тайинланди.

Бу ҳолат давлат рўйхатида ўтмай, қонун-қондаларга риоя қилмай ишлаётган тадбиркорларга сабоқ бўлиши керак.

**Х.ХЎЖАБЕКОВ,
Жиззах туман прокуратураси хузуридаги
СВОЖКК бўлими бошлиғи**



Мирзачўл туман прокуратураси хузуридаги СВОЖКК бўлими бошлиғи Н.Авазов ҳукумат қарорларини тадбиркорларга тушунтирмоқда.



Куйидаги лавҳамиз қарамони ўзбек спорти, жумладан, миллий курашнинг жаҳонга олиб чиқишга муносиб ҳисса қўшаётган, дунёга машҳур ўйнаб спортчиларнинг устози, республикада хизмат кўрсатган мураббий, самбо бўйича халқаро тоифадаси спорт устаси, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг халқаро ва миллий кураш кафедрасининг доценти Омон ака ТАЙМУРАТОВдир.

Болаликда футбол ўйнашга қизиқмаган инсонни топиш қийин бўлса керак. Омон ака ҳам шуларнинг бири эди. Бу қизиқиш вақт ўтган сайин кучайиб, 1963 йилда физкультура институтига ҳужжат топширди. Дароқе, унганча Омон ака политехникуми тугатиб, йўланма билан Қирғизистонда икки йил ишлаб келган эди. Шу билан бирга «Янгир» командасида тўп суришга ҳам улгурди.

Хуллас, институтининг футбол кафедрасига ҳужжат топшириб, имтиҳонлардан ўтган қарамонимиз мандат комиссиясига келганда бали етмай, тўхтаб қолади. Шундан кейинги воқеаларни Омон ака шундай хотирлайди:

— Мандат комиссияси йиғилган хонага кирдим. Ректордан тортиб деражли барча кафедра мудирилари ўтиришди. «Таймуратов, — ректор фамилиямни ўқиб, залга юзланди, — футболга топшириб, бали етмаган. Ким кафедрасига олади?».

Хамманнинг назари менда. Гимнастика кафедрасиданги ларийлик билдиришди. Бу тақлифни шу заҳоти рад қилдим. Бу ерга келишимдан олдин гоҳида истироҳат боғларида бўладиган курашларни томоша қилиб юрганам, айниқса, Комил ака исмли ҳарамлик билан полвонга ҳавас қилганим боис бўлса керак, нима учундир самбога ўтаман деб юбордим. Аби-туриентдан бундай талабни кутишмаган шекилли, ўша заҳоти ҳайдаб чиқаришди. Ташқарига чиқиб, бошим оққан томонга юрдим. Икки кўзим тўла ёш.

— Ҳой, кичкина! Ким сени ҳафа қилди?

мизнинг қарори билан халқаро кураш ассоциацияси очилди ва ўзбек курашига асос солинди. Афсуски, бу турнирда биздан ҳеч ким юқори натижаларга эриша олмади. Келаси йили эса ўзбек кураши бўйича 1-жаҳон чемпионати ўтказилиши режалаштирилиб, Омон ака жамоага мураббий сифатида тақлиф қилинади. У киши харқанча қаршилиқ қилмасин, инсти-тутдаги талабаларнинг ақсарияти турли вилоятлардан келганлиги, Омон акада бўлса улар билан ишлашда анча йиллик тажриба борлигини сабаб қилиб кўрсатишди. Бу масъулиятли юмушни бажаришга бел боғла-

тайёрлаш анча қийин кечмоқда. Чунки улар илгари турли сайил ва тўйларда кураш тушиб, уч-тўрт усулни, тўғри бўлмаса-да, ҳар қалай ўрганган бўлишди. Бу ерда ўша усулнинг тўғри томонини кўрсатиб, ўргатганимча эсинг кетади. Шахсан менда ундай бўлмаган. Яъни, самбо ҳақида умуман тушунча бўлмагани тўғриси, оддий тилда айтганда, «а»-сидан бошлаганман.

Омон ака шулар ҳақида гапирар экан, қўлимга қандайдир чизмаларни тўтказди. Бир қоғознинг ўртасига беш қиррали юлдуз шакли чизилган бўлиб, ўртасидаги айлананинг ичига рақам

шуғулланишига рухсат бердингиз? Эшитишимга қараганда улар ҳам ота изидан кетишган экан.

— Нима учун қаршилиқ қилишим керак? Фақат тўғри қизим Гўзал ўй бекаси. Гулнеҳра катта теннис бўйича бир неча бор республика чемпиони бўлган. Ҳозир «Жар»да мураббий. Фарҳод самбо бўйича спорт устаси. Футболга қизиқиб мендан утган бўлса керак, биринчи лигада ҳам ўйнаган. Кенжатоим Шамшодга келса, қаратдан учинчи дан қора белбоғ соҳиби. У ҳам самбо бўйича спорт устаси. Энди эса бокс билан шуғулланаяпти. Ман, неварам Рустам ҳам яқинда кураш бўйича республика чемпиони бўлди. Тўғриси айтсам, бирор марта фарзандларимга бу спорт тури билан шуғуллан, унис бўлмайди деганман. Тўғри, уларни кичкиналигимдан ўзим билан машгулотларга олиб келардим. Бирга футбол ўйнардик. Ушандаёқ уларнинг димоғига кураш гиламининг ҳиди ўтириб қолган бўлса керак. Ҳозир ҳам ҳафтасига икки-уч марта болаларим билан футбол ўйнаб тураман. Гоҳида оила-оила бўлиб ҳам ўйнаймиз.

Ҳар орасида Омон акадан кўча-қўйда самбо усулидан фойдаланишга тўғри келганим-йўқлиги ҳақида сўрадим.

— Албатта бўлган. 1990 йилда бўлса керак, янгангиз билан 16-касалхонага бемор кўришга йўл олдик. «Чилонзор» метро бекатида автобусга чиқдик. Бир маҳал бир одам тирсаги билан кўзимнинг олдини тўсиб олди. Новагина экан. Рўпарамда турган иккинчиси бўлса негадир паस्ता энгаши-да, турди. Кўп ўтмай яна энгаши. Хайрон бўлиб, мен ҳам ўша томонга энгашидим-у янгангизнинг сумкасининг оғзи очқилигини кўриб қолдим.

— Ҳой, нимага сумкани қовлаяпсан? — дедим жалт билан.

— Қанақа сумка? Нималар деяпсан ўзин? — ўшқирди у.

Бу орада автобус бекатда тўхтади-да, паस्ता тушди. Улар уч киши бўлиб, биттаси орқа эшикдан тушиб келди. Ҳаммаси бўқуват, ёшига йилитлар. Сумкани очгани бирдан сўчишга тушди. У паस्ता, мен эса бардорла турганим билан, ундан анча паст кўри-нардим. Аввалги индамадим: Орага янгангиз қўшилиб қолди-ку! Йилит уни ҳам менга қўшиб сўка кетди. Энди чидай олмадим. Шарта эғнимдаги глашчи тутмаларини узиб ташлаб ечдим-да, ёқасидан олиб, даст кўтариб, бир айлангирга ерга урдим. Оёғим остига узола тушди. Башарасига мушт тушга кетдим. Иккинчиси юғриб келувди, оёғим билан қалдим. Учиб тушди. Учинчиси шу заҳоти қочиб кетди... Одамга алам қиладигани, бекатда ўн-ўн беш чоғлик одам бўлса-да, ҳеч ким безориларга «ҳой, нима қилаяпсан?» деб даққи бермади. Халқимиз лоқайдлардан қачон қутулар экан, хайронман?

Омон ака билан сўхбатни тугатиб, ташқарига йўл олганимда у кишининг яна бир шоғирди, ҳозир ёнида туриб, талабаларга таълим беришда ҳамкорлик қилаётган Акбар Йўлдошев мени кузатиб чиқди. Шу баҳона ундан устози ҳақида сўрадим.

— Қашқадарликман. Тадбиркорлик билан шуғулланми юрар, вақти-вақти билан тўй-ҳашамларда кураш тушиб турардим. Илгари ҳам Омон ака ҳақида кўп эшитманман. 1995 йилда келиб шоғирликка олишди сўрадим. Қабул қилди. Икки йилдан кейин у кишининг тавсияси билан шу ерга ўқишга кирдим. Институтни тугатганимдан кейин Омон ака ёнида олиб қолди. У кишининг бир хижоғига қойил қолдим. Дейлик, бирор мусобақада голиб бўлдингиз. Аммо Омон ака ҳурсан бўлмайди. Хамманнинг олдида қаттиқ гапириб, «яши курашмадинг»-деб изза ҳам қилади. Бироз ўтиб, ҳуворидан тушган, йўли билан хатарларни тушунтиради. Оқибатда ҳафалиқдан асар ҳам қолмайди. Натижа-ни эса ўзингиз қўриб турибсиз...

Жаҳонга танила бошлаганига энди-гина 5-6 йил бўлган ўзбек кураши эришган натижаларга қараб, Акбарнинг фикрига қўйилмаслигининг иложий...

Гафуржон АЛИМОВ

Суратда: Омон Таймуратов шоғирди, ўзбек миллий кураши бўйича жаҳон чемпиони Давлат Чориев билан.

Омон ТАЙМУРАТОВ: Спорт билан тирикчидан

Овоз келган томонга ўгирилдим. Рўпарамда ўша Комил ака турарди. Воқеани айтиб бердим.

— Хафа бўлма, — деди у, — Гуляев деган одам бор. Самбо кафедрасида ишлайди. Шунга учрашиб, дардингни айт.

Уни қандай топишни сўрадим, уй адресини берди. Сўраб-сўраб тоғиб бордим. Эшикни ўзи очди. Мақсадимни айтдим. Гуляев бироз ўйлангир турди-да, душанба куни институтга келишимни тайинлади. Шанба билан яқшанба қандай ўтганини билмайман. Ниҳоят, душанба ҳам келди. Институтга бориб, яна мандат комиссиясига кирдим. Ҳеч ёдимдан чиқмайди, ректор фамилиямни ўқир экан, кўзини устидан менга қаради-да, «Сен ўтган куни ҳам кирмаганимдинг?» дея сўради. Ҳа дегандек бош иргардим-да, ўқишга кирмасам бу ердан кетмаслигимни айтдим. Ректор яна мени ўтирганларга тавсия қилди. Бу гал ректорнинг саволига Гуляев «меннинг кафедрамга ўтсин» дея розилик билдириди (маддатта биринчи марта кирганимда Гуляев келмаган экан). Шундан бери аввал талаба сифатида, сўнг ўқитувчи бўлиб институтга боғланиб қолдим.

Омон ака шоғирдлари билан фахрланишга тўла ҳақли мураббий. Масалан, Адигизаров Собир, Машарипов Раҳим, Махмарасулов Эралилар жаҳон биринчилигида юртимиз байроғини баланд кўтаришга эришган полвонлардан динди.

Фурсатдан фойдаланиб, Омон акадан ўзимни анчадан бунён қизиқтириб юрган саволлар — фарғонча ҳамда бухорча курашнинг фарқлари ҳақида сўрадим. Маълум бўлишича, фарғонча кураш юнон-рум турига яқин бўлиб, асосан қўйишлайди. Белдан пастини ушлаш, чалиш йўқ. Бухорчада эса самбо ва дзюдода бўлгани каби оёқдан ушлаш, чалиб йиқитишлар бор экан. Жумладан, бугунги кунда жаҳонга юз тутган ўзбек миллий кураши ҳам айрим усуллари билан самбога яқин тураркан.

Шунинг учун бўлса керак, 1998 йили пойтахтнинг «Жар» спорт комплексида бухорча кураш бўйича ўтказилган халқаро турнирда биздан асосан самбочи ва дзюдочилар қатнашди. Шу йилнинг ўзида юртбоши-

ган Омон ака ишни биринчи галда терма жамоа йилитларини ўзаро келиштириб, ҳақ таъбири билан айтганда «бир ердан бош чиқариш»дан бошлади. Хоразмдан Р.Машарипов, Сурхондарёдан Э.Худойёров, Қашқадарёдан эса Н.Йўлдошев каби таниқли полвонларни қақриб, мураббийларни кўлайтирди. Бундан ташқари, жамоага машҳур спортчилардан А.Қурбонов, А.Богдасаров, К.Муродовларни тақлиф қилди. Натижа ёмон бўлмади. Бу чемпионатда таъсис этилган ўн икки медалдан ўнтаси — 3 та олтин, 3 та кумуш ва 4 та бронза медали ўзбекистонлик полвонларга насиб этди.

Омон ака бу мусобақага тайёргарлик келтирган паллада сурхондарёлик мухлис-ларга қойил қолдим. Шершон, Омон ака ва ана кўпгаб тадбиркор-у оддий одамлар шу даражада курашга, полвонларимизга меҳр қўйишган эканики, хайрон қолсан киши. Ахир пойтахт билан Сурхондарёнинг ораси яқин эмас. Шундай бўлса-да, улар ҳар куни бўлмаса-да, уч-тўрт кунда бир биздан хабар олиб, далда бериб туришди. Ваҳоланки, полвонларимизнинг орасида уларнинг қариндош-у ака-укалари йўқ эди. Шу-шу, бундай мусобақаларда полвонларимизнинг қўли баланд келиб турибди. Мисол тариқасида сўнгги йилларни олсак, 2004 йили Шаҳрисабзда ўтказилган ёшлар ўртасидаги 5-жаҳон чемпионатида Қашқадарё вилоятининг Яқабоб туманидан Д.Ҳазратова биринчи ўринни олган бўлса, ўтган йилги жаҳон биринчилигида сурхондарёлик Давлат Чориев, қоракўлғистонлик З.Худойёровлар голиб чиқди.

Омон аканинг айтишича, институтда машгулотлар алоҳида тартибда олиб борилар экан. Масалан, биринчи курсда талабаларга бухорча кураш усуллари ўргатилса, иккинчи курсда фарғонча, учинчи курсда эркин ҳамда юнон-рум, тўртинчи курсга келиб эса дзюдо билан самбодан сабаб бериларкан.

— Биласизми, ҳозирги ёшларни

ёзилган. Бешала қирранинг четида ҳам шундай айлана ва рақамлар бор. Бир четда эса рақамларнинг рўпарасига исм-фамилиялар ёзилган. Ҳеч нарсага тушунмадим. Омон ака қўлганча тушунтира кетди:

— Менга қолса, бунақа чизмалар ҳар бир мураббийда бўлиши керак! Манави ўртадаги рақам дейлик ҳар полвонга тегишли. Беш қирранинг ҳар бирида шундай полвонлар бор. Энди вақтга қараб беш қирранинг биринчисиданги полвон ўртада турганга қарши чиқади. Олишув беш даққа давом этади. Вақт тугаши билан иккинчи қиррадаги ўртага тушади. Беш даққадан кейин эса учинчиси... Шундай қилиб, беш полвоннинг ҳар бири беш даққадан ўртадаги қарши чиқади. Бу пайтда ўртадаги полвон дам олмайди. Тасаввур қилаясизми, йилгирма беш даққа узлуксиз янги-янги кучга қарши туришини? Ўзи бўлмайди-а? Полвон бунинг роҳатини катта гиламда чиққанда кўради. Яъни, жомридаги машгулот билан у яқингина чиққанди. Натижада эса, рақибни ҳар қанаа кучли бўлмасин, чарчаб қолмайди.

Шу пайт эшик очилиб, тўладан келган киши терга ботганча, ҳарсиллаб қириб келди.

— Келинг, Султон ака, — дея Омон ака уни кутиб олиб, таништирди. — Бу киши бир вақтлар кураш тушиб юрган. Вақт ўтиб, ишлар кўпайиб, қўл тегмаган. Манга энди, ўша вақтларни кўсмаб, келиб турибди. Қалай ака, фойдаси тегайтимми?

— Бўлмасам-чи? Йилгирма кунда беш килога озибман. Анча тегтиклашдим. Давлений ҳам жойида. Олдинроқ келсам бўлар экан...

Султон ака чиқиб кетган, спорт Омон акага нима бергани билан қизиқдим.

— Аввало, элга танитди. Ўзим ҳам юрт кездим. Шукурки, соғлигим ҳам жойида. Қишин-ёзин эрталаб бешда ўйнаиб, югурман. Кейин бадангарбия. Нонушадан сўнг институтга бораман. Кеңжурун ана машгулот. Умуман олганда, катта-кичик машгулотлар соғлиққа фойда келтиради. Омон катта спорт қўйинча шикастланганга олиб келади.

— Шундай экан, нима учун фарзандларингизнинг катта спорт билан

Абу Али ибн Сино инсон саломатлигининг бош омили тўғри овқатланиш эканлигини алоҳида таъкидлаган.

Бугунги кунда темир танқислиги анемияси (камқонлик) дунёдаги жуда кўп давлатлар муаммоси ва бу каби касалликнинг бош сабаби овқатланиш билан боғлиқ. Таъкидлаш керакки, организмни керакли витаминлар, темир моддаси билан таъминлайдиган нарсалар, баъзилар ўйлаганидек, фақат гўшти, ёғли, қандли маҳсулотлар эмас. Мевалар, сабзавотлар, дуккакли ўсимликлар (ловия, мош, нўхат), ошқўқлар ва қора ундан қилинган нонлар ҳам микроэлементларга жуда бой. Фақат биз таом тайёрлашда, овқатланишда уларга етарли эътибор бермаймиз.

Республикамаиз ҳукумати аҳоли орасида камқонликнинг олдини олиш, даволаш йўлида изчил тадбирларни амалга оширмоқда. Шулардан бири — бугдой унини фортификациялаш, яъни витаминлар, темир моддаси билан бойитиб чиқарилаётганидир.

Республика Президентининг 2005 йил августда чиқарилган «Уни фортификациялаш бўйича миллий дастурни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони амалга ошириб, бугунги кунда «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясига қарашли 14 та ун комбинатида 1-навли ун бойитиб чиқарилмоқда. Бу ундан тайёрланган нон ва бошқа маҳсулотлар саломатлик учун, камқонликнинг олдини олишда қанчалик фойдалилигини аниқлаш учун, шифокорларнинг давра суҳбатига қўшилилик.



фикация қилинади. Ўрта Осиё халқларида ун маҳсулотлари кўп ишлатилгани учун ун бойитиб чиқарилмоқда.

Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги 40 та хонадонда олиб бориладиган илмий кузатувлардан маълум бўлдики, бир йил давомида мунтазам равишда бойитилган ун истеъмол қилган оила аъзоларининг гемоглабини 5-7 г/дга ортган.

Бойитилган ун нафақат камқонликни даволайди, балки препарат таркибидаги фолат кислотаси, витаминлар бугдойни унга айлантириш жараёнида кепак билан чиқиб кетган фойдали микроэлементлар ўрнини тўлдирди.

Эслаб қолинг: овқатланаётганда ёки овқатдан кейин оқ ичилган чой, кофе овқат таркибидаги темир моддасининг 70-100 фоизини ўзлаштиришга тўсқинлик қилади. Шунинг учун чой ўрнига компот, қайнатилган ёки маъданли сув ичган фойдали.

Нон — азиз, нон — шифо

СОГЛОМ ОНА — СОГЛОМ БОЛА

Маъмура ЮНУСОВА, Тошкент шаҳар 2-перинатал маркази бош шифокори:

— Янги дунёга келган чақалоқлар бир-биридан ширин, бир-биридан суюкли. Дастлабки кунларда онанинг камқонлиги болага қандай таъсир қилгани, қанча асоратлар қолдирганини аниқлаш қийин. Лекин бу — ташқи таассурот, ҳолос. Шунинг унутмаслик керакки, онанинг гемоглабин миқдори қан-

турибди — она камқонликдан даволанган, лекин аёлда ҳомилдорликкача темир захираси камайиб кетганлиги сабабли, меърига келтириш қийин бўлган. Боласи ҳам камқонлик билан туғилади, етти ойлик бола беш марта нафас йўлларидаги ўткир шомолашидан азоб тортиди. Чунки камқонлик инсон танасининг касалликка қарши қурашувчанлиги — иммунитетнинг пасайиб кетишига олиб келади.

Эслаб қолинг: камқон болалар ўз тенгдошларига нисбатан 5-6 марта кўпроқ касалланадилар. Ақлий ривожланишдан орқада қоладилар. Икки ёшгача камқонлик билан ўсган болаларнинг мия қобилиятида интеллектуал қобилиятнинг ривожланишига замин бўладиган хужайралар ўсмай қолиши мумкин. Икки ёшдан сўнг боланинг қони меърига келтирилса-да, бой берилган иктидор қуртаклари тикланмайди.

БАҲРИНГИЗДА — КЕЛАЖАК

Турсуной ЧЎЛИЕВА, акушер-гинеколог:

— Иш фаолиятимизда деярли ҳар куни дуч келадиган ҳолат: қабулимизга кирган ҳар икки аёлнинг биттасига камқонлик, унинг сабаби ва оқибатларини тушунтираемиз. Айрим аёлларнинг тез даволаниши шартлигини айтаемиз. Аммо уларнинг ҳаммасини шифокорни тушуна қолмайди. Айрим ҳомилдорлар «Юрибман-ку, яхшиман» деб парво қилмайди. Шундай пайтда қайнона, куёв бугунни эмас, келажакни ўйлаб маслаҳат берса, келин албатта уларнинг йўлига юради.

Келининики, набирасининг соғлом, оиласи тинч бўлиши учун ҳам хўрлик қиладиган қайноналар йилдан-йилга кўпаймоқда. Бу — республикамаизда аҳоли тиббий ма-

даниятини юксалтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар самараси.

Лекин «Дўхтирлар ўзи ваҳима-чи. Биз ҳам туққанмиз. Бошқоронгуликда нималар бўлмайди? Ҳомилдорларнинг еган-ичганидан боласиям озиклангандан кейин, қони камаяди-да. Туққанингиздан сўнг яхши бўлиб қоласиз» деб даволашига йўл бермайдиган қайноналар ҳам кам эмас.

Эслаб қолинг: камқон аёллар ҳомилдор бўлганида, туғиш даврида уларнинг 35-40 фоизда қон кетиши, чала туғиш ва бошқа нохуш ҳолатлар учиради.

ЭЪТИБОР ВА ИХЛОС БЎЛСА...

Гулчеҳра ДАВЛАТОВА, Республика Камқонлик маркази илмий ходими:

— Халқимизда «Оғримаган қасдан қўрқ» деган мақол бор. Камқонлик ҳам ана шундай — қаттиқ оғриқ, хуруж билан келмайди. Лекин эътибор берилса, унинг фақат ўзига хос бошқа хасталикларда учрамайдиган белгилари бор. Аввало беморнинг таъм ва ҳид билиш сезгиларида ўзгариш бўлади: кесак, бўр, гилвата, сувқ, хом хамир, хом макарон, чой шамаси, кальций глюконат қабиларни ёйди. Бензин, керосин, қараска, ацетон, тупрок, янги пойабзал хидларини ёқтиради. Касаллик иккинчи босқичга ўтганда, тирноқлар мўрт, тез синувчан, гадир-будир бўлиб қолиши мумкин. Темир танқислиги камқонлигида бош мия керагича кислоталар билан таъминланмайди, шу боисдан илк белгилар бош оғриши ва айланishi, ҳолсизлик, хотира пасайишидир.

Ўзбекистонимизда етилдиган мевалар, сабзавотлар, ошқўқлар деярли ҳамма қишлоқ хонадонларида топилмайди. Қуритилган мевалар қишда шифобахшлигини йўқотмайди. Улардан тайёрланган салатлар, компотлар ҳар кунги дастурхонимизда бўлса, камқонликнинг олди олиниши турган гап. Бунинг учун ўз соғлигимизга эътибор, озгина вақт, ихлос керак, ҳолос.

Эслаб қолинг: фарзанд кўриш ёшидаги аёллар, болаларда эркаклар ва кексаларга нисбатан темир моддасига бўлган эҳтиёж 3-6 баробар кўпроқ. Шунинг учун ҳам улар

хавфли гуруҳга мойил бўлиб, касалликнинг олдини олади-ган ёрдамга муҳтождир.

МУҲИМ АМАЛИЙ ҚАДАМЛАР

Дилором СУЛАЙМОНОВА, Республика Камқонлик маркази раҳбари:

— Халқаро ташкилотлар томонидан 1993-96 йилларда олиб бориладиган тиббий демографик текширувлар Ўрта Осиё мамлакатларида туғиш ёшидаги аёлларнинг 60,9 фоизи, болаларнинг 60,8 фоизда камқонлик борлиги аниқланган.

Кейинги йилларда Республикамаизда бу муаммонинг олдини олиш мақсадида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиялари асосида тадбирлар амалга оширилмоқда.

2002 йилдан бошлаб пилот вилоятларда саглементация (витаминлар ва темир препаратига бой қўшимча озук билан таъминлаш) усули қўлланган бўлса, 2003 йил-

Чойни бирор соатдан сўнг ичиш мумкин.

ШИФО — НОНДАН

Мирзақром ЮСУПОВ, илмий ходим:

— Республика Камқонлик маркази илмий ходимлари Хоразм, Фарғона, Жиззах вилоятларида 900 та хонадонда ишлатилаётган ун таркибини ўрганиб чиқдилар. Махсус эритма томизиб аниқланганимизда, бойитилган ун истеъмол қилаётганлар сони нисбатан оз эканлиги маълум бўлди. Лекин аҳолида бундай усул билан унинг бойитилган ёки бойитилмаганини билиб олиш имконияти йўқ.

Эслаб қолинг: республикамаизда ишлаб чиқарилаётган 1-навли ун витаминлар, темир моддаси билан бойитиб чиқарилмоқда. Шу ундан тайёрланаётган 150 сўмлик «бухонка» нон саломатлик учун жуда фойдали.



Профессор Дилором Сулаймонова лабораторияда.


дай бўлса, бола ҳам худди шундай кўрсаткичдаги гемоглабин билан туғилади. Чақалоқ дастлабки кунларда соппа-соғдай кўринса-да, агар у камқон бўлса, бунинг асорати биринчи ойлардан кўринади: боланинг ривожланишига таъсир қилади. Болалар шифокорлари амалий фаолиятда бундай ҳолатга тез-тез дуч келадилар.

Эслаб қолинг: соғлом оналардан ҳомила етарли темир захирасини гамлаб олади. Бу темир захираси боланинг ўсиши ва ривожланиши учун ўсимлик давригача етади.

КАМҚОН БОЛА КЎП КАСАЛЛАНАДИ

Гули АЗИЗОВА, болалар шифокори:

— Кечагина Алфия исмли она ўғилчаси билан қабулимга келди. Боласининг яна шомоллаб қолганидан асабийлашган. Шомоллашга қарши укол, дорилар қабул қилганидан бир ҳафта ўтиб, ўғли йўталпти. Ҳомилдорлик давридаги тиббий варақасидан кўриниб



Илмий ходимлар Равшанбек Турсунов (chapда) ва Мирзақром Юсуповлар ун таркибини текшириб кўрмоқда.

дан Хоразм, Фарғона, Жиззах, Тошкент вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида уни фортификациялаш (витаминлар, темир моддаси билан бойитиб чиқариш) бошланди. Бу усул қарийб 50 йилдан буюн дунё мамлакатларида қўлланилади, миллий ўзига хосликлар, овқатланиш аъёналари ҳисобга олиниб, энг кўп истеъмол қилинадиган маҳсулотлар форти-

Агар ун сотиб олмақчи бўлсангиз, унинг қоғида халқаро микёсда қабул қилинган мана бундай белги, яъни «Соғлом маҳсулотлар» тамғаси бўлишига эътибор беринг.

Гулгун СУЛТОНОВА, журналист
Суратлар муаллифлики.

АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 670 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



ЗОЛИМЛАР САЛТАНАТИНИНГ ХАЛОКАТИ

Чингизийлар салтанатининг ҳалокати қандай юз берганини тушуниш учун унинг қай тарада пайдо бўлганини бир аслаб ўтиш ўринлидир. Чингизхон 30 йилдан ортиқ жанглар қилиб, Мўғулистоннинг барча қабилаларини ўзига бўйсундирди. Татар, кераит, бахрин, уйгур, жалоир ва бошқа ўнлаб туркий эллатларинг қаршилик қилганларини қириб ташлади, итоатга келганларни ўз салтанатига қўшиб олади. 61 ёшга киргунга қадар унинг номи Темучин бўлади.

Ниҳоят, 1206 йилда ёши 60 дан ошган хон Мўғулистоннинг Онон дарёси бўйида улук қурултой чакради. Бу қурултойда шомон динининг энг буюк пешовси Теб Тенгри, яъни олий тангрининг вакили Кокче Темучинга гўё худо томонидан ато этилган Чингизхон деган муқаддас исм беради. Шу исм билан Чингизхон ва унинг авлодлари бутун ер юзига ҳукмрон бўлишларини Теб Тенгри Кокче худо номидан башорат қилади. Қурултойда барча қабилла бошлиқлари, саркарда ва нубёнларга Чингизхон номидан беҳад кўп олтин, кумуш ва қимматбаҳо совғалар улашилди, бундан кўнгли кўтарилган ва илҳомланган қурултой қатнашчилари Чингизхоннинг тангри томонидан юборилган илохий хон эканлигига иймон келтиради ва унга худого ишонган каби ишонишга, худого бўйсунган каби бўйсунмишга қасамбўй қиладилар. Шундан кейин Чингизхон ҳали бўйсунмаган элларнинг ҳукмдорларига ҳеч тортинмай қуйдагича номалар юборди:

«Тангри менга ва менинг фарзандларимга бутун ер юзини ҳукмронлик қилиш учун берди. Кимки менга бўйсунса, ҳаётини, бойликларини, оиласини сақлаб қолади. Кимки бўйсунмай қаршилик қилса, унинг бошига қандай қунар тушишини ёлғиз худо билади»¹. Икки аср давомидида Чингизхон ва унинг авлодлари фақат бўйсунмаганларни эмас, балки бўйсунганларни

ҳам, масалан, Самарқандда, Балхда, Москвада ва бошқа ўнлаб жойларда қирин қилиб ўлдирганларига биз ўтган ёбларимизда нуфузли тарихий манбалардан мисоллар келтириб ўтдик. Уша машҳур қурултойда худонинг номидан гапирган Теб Тенгри Кокче бутун ер юзини Чингизхонга ва унинг авлодларига ҳукмронлик учун берганлиги жуда катта мафкуравий ривожланиш ва алдамчилик бўлса ҳам қонун ўрнида қабул қилинди. Шунинг учун алдамчилик ва ривожланиш Чингизхондан бошлаб унинг бутун авлодлари учун раво ва жоиз нарсага айланди.

Масалани ойдинлаштириш учун узоқ Венгрияда 1241 йилда Чингизхоннинг невараси Ботухон томонидан қилинган алдамчиликдан битта мисол келтирайлик.

У Венгрияни босиб олганда, бугдойзорлар сарғайиб, ўрим мавсуми келиб қолади. Лекин аёвсиз қиргилларда кўп дехқонлар ўлиб кетади. Тирик қолганлар эса атрофдаги тоғлар ва ўрмонларга бориб яширинади. Бугдойларни ўриб янчадани одам қолмайди. Шунда Ботухон асир олинган ва тил биладиган венгерларни воситачи қилиб, тоғ ва ўрмонларда қочиб юрганларга шундай вазъда беради:

«Уйларига қайтиб, бугдой ҳосиллини йиғиб олганлар омон қолади, уларга ҳосилнинг бир қисми берилади. Асосий ҳосил вазъда қўшиннинг ихтиёрига ўтади»².

Ўрмонларда оч юрган одамлар бу гапларга ишониб, қишлоқларига қайтадилар, бугдойларни ўриб-янчиб, ҳосилни қолларга солгунларича босқинчилар уларга қўйиб беради. Ўлжа тайёр бўлганидан кейин эса бутун аҳолини белгиланган жойга тўплаб, барчасини қириб ташладилар ва қолганлар бугдойларни битта қолдирмай олиб кетадилар³.

«Нега булар худодан қўрқмайди?» деган савол туғилади. Ахир шомон дини ҳам Тангри деб худонини тан олади-ку. Чунки улар Чингизхон ва унинг фарзандларини, айниқса, бобосига ўхшаш наварга бўлган Ботухонни худо ўрнида қўрганлар ва алдамчиликларни Бо-

тухоннинг буйруғи билан қиялтирми, демак, Ботухонга худо шундай ваколат берган, деб ишонилган. Чингизхондан кейин Ботухон ер юзига ҳукмрон бўлиш учун юборилганми, демак, унинг аскарлари ҳам худо томонидан юборилган ва истаган жойида истаган ишини қилишга ҳақли. Чингизийлардаги мана шу сохта эътиқод, «биз худо томонидан юборилган ҳукмронлармиз», деган ҳовлиқтирувчи ишонч уларнинг ахлоқини қанчалик бузганлигини Эронда бўлиб ўтган бошқа бир тарихий воқеа мисолида кўраимиз.

Чопарлик хизматини ўтаб юрган беш нафар мўғул навқари 1337 йилда Сабзавор шахри яқинидаги Боштин деган қишлоққа келиб тўхтайдилар. Улар икки-ташки ҳовлиси бор Ҳасан Ҳамза ва Ҳусайн Ҳамза номи ака-уканинг уйига меҳмон бўлиб тушадилар. Ака-укалар дастурхон ёздадилар, нон, овқат келтирадилар. Мўғул навқарлари бу билан қаноатланмай, шароб талаб қиладилар. Намозхон ака-уканинг уйида шароб йўқ экан. Мўғуллар ғазабга келиб, «Қердан бўлса ҳам шароб топиб келмасанг, бошинг кетади!», дейишди. Ҳусайн шароб тайёрлайдиган

шоир Ибн Ямин шеърларида қуйидагича ифодаланади:

Аслият.

Мен бизуямки меҳтаричи буд,
Тар боҳиҳи зимон шенидан.
Ҳамагаиро зикам раҳондан
Дар ривояти халқ қушидан.

Таржимаси:

Агар мендан эшитишни
истасанг,
Мен улуғлик нималигини
айтаман.
Улуғлик барчани гамдан
фориғ этиш,
ҳамда халқ эрки учун
қурашдан иборат.

(Ғулум Қаримов таржимаси)

Шоир бу ерда золимлар зулмидан халқни қутқариш ғоясини олға сурди. Сарбадорларнинг бу ғояси йиллар давомидида халқ озодлик ҳаракатини бошқарган Амир Темурнинг ғояларига ҳамоҳанг эди. Шунинг учун 1365 йилда ўз жонини хатарга қўйиб Самарқанд сарбадорларининг раҳбари Мавлонодани дорнинг тагидан қутқариб

гача Амир Темурга садоқат сақлайди. Амир Темур ҳам уни энг суҳбати ширин дўст сифатида эъзозлайди. Али Муайяд 1386 йилда 73 ёшида Жувайн вилоятида бўлган жангда Амир Темурнинг душманларига қарши ўқ отаётганда оғир ярадор бўлиб, ҳаётдан кўз юмади. Амир Темур унинг тобутини туғилган шахри Сабзаворга келтириб, юксақ эҳтиром билан дафн эттирди. Амир Темурнинг эронлик яна бир қадрдони Шероз ва Форс вилоятларида подшоҳ бўлган шох Шужоъ эди. У Шероздан Самарқандга икки марта элчилар, қимматбаҳо совғалар юбориб, дўстлик ва давлатхоҳлик изҳор қилганди. Амир Темур ҳам бунга жавобан ўз элчиларини қимматбаҳо совғалар билан Шерозга юбориб, шох Шужоъ билан дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаган эди. Кексайиб қолган шох Шужоъ 1395 йилда иккинчи марта Шероздан Самарқандга элчилар ва совғалар юборган, васиятномини эслатадиган махсус мактубда унинг ўлимидан кейин қариндошлари орасида ҳокимият учун кураш бошлашидан, ягона давлат парчала-

Пиримқул ҚОДИРОВ

Амир Темур

олиб чиққан эди.

Кейинчалик Амир Темур Эронга ҳарбий юриш қилганда сарбадорлар давлатининг сўнги ҳукмдори Али Муайяд билан танишади ва у билан ҳам дўст тутинади. Бу ҳақда Давлатшоҳ Самарқандий асарларида қуйидагича сўзлар ёзилган: «Хўжа Нажмиддин Али Муайяд ўзининг айёми давлатида Амри Кабир Темур Қурагон била яқиҳатлик ва дўстлик қилур эди ва неча маротаба Амир Вали билан масоф (жанг) қилди... Амир Вали Сабзавор шахрини муҳосара қилди (босиб олди). Хўжа Али Муайяд Амир Темурдан ёрдам сўраб Тоту отлиг бир кишини Самарқандга сохибқироннинг олдига жўнатди. Тўрт ойдан сўнг Амир Темур Хуросонга лашкар тортиди. Хўжа Али Муайяд то Сараҳсгача сохибқироннинг истиқболига бориб, Сабзавор вилоятини унга топширди. Узи эса Амир Темур хизматига кириб, унинг мулозими бўлди»⁵.

Амир Вали Хуросоннинг золим ҳукмдорларидан эди. Амир Темур Сабзаворни ундан тортиб олади ва ўзининг ишонган амирларидан Тобон Баҳодирни ҳоким қилиб қўяди. Лекин амир Вали тарафдорлари бўлмиш фитначилар Сабзаворда галаён уюштириб, Тобон Баҳодирни ва унинг қўриқчиларини ўлдирдилар. Бундан ғазабланган Амир Темур фитначиларга эргашган Сабзавор аҳолисини ҳам қатлит жазолаб, ўлимга ҳукм этади.

Шуро даврида И.Петрушевский-дедк таниқли олим муқованинг қандай юз берганини аниқлашдан туриб, «Амир Темур Али Муайядни ҳам исёнчиларга қўшиб қатл эттирди» деган асоссиз даъвоини ёзиб қолди. Ўзбек олими Ғулум Қаримов бир қатор нуфузли тарихий манбалар асосида қуйидагиларни аниқлайди:

Фитна содир бўлган 1381 йилда Али Муайяд Амир Темур мулозимлари орасида соғ-саломат юрган эди. Амир Темур унга ҳокимлик лавозимларини тақдир этганда, «Ёшим етмишга яқинлашди, қолган умримни сизнинг даргоҳингизда суҳбатларингиздан баҳраманд бўлиб ўтказмоқчимен», дейди. Чиндан ҳам у умрининг охири-

ниб кетишидан, ўгли Зайнал Обиддиннинг келажак тақдиридан хавотирда эканини ёзган эди.

Амир Темур 1387 йилда Шерозга борганда шох Шужоънинг Олмузафариийлар деб аталадиган яқин қариндошларини йиғиб, бирини Исфохонга, иккинчисини Кармонга, Зайнал Обиддинни Шерозга ҳоким қилиб, бошларини қовуштиргандай бўлиб қайтди.

Тухтамининг тажовузи ва Олтин Ўрдага қарши юриш Амир Темурнинг беш-олти йил вақтини олди. У Эронга ва унинг жанубидаги Шерозга 1393 йилда иккинчи бор келганда Олмузафариийлар сулоласи бир-бирлари билан қирғиқч бўлиб урушавталарининг устидан чиқди. Улар шох Шужоънинг ўгли Зайнал Обиддинни қўзғиб тортди, қўриқилган ва Эроннинг қўл етмас тоғ қўққиларидаги Қалъайи Сафидга қамаб қўйилган эди. Бу ёвуз ишни амалга оширган шох Мансур Амир Темурнинг Шерозга 30 минг қўшин билан келатганини эшитиб, сохибқиронга қарши суқмасд уюштиради⁶.

Баҳор пайти экан, Шерознинг боғларидида мевали дарахтлар қийғос гуллаган. Амир Темур қўшини боғларни топтамаслик учун боғ кўчалардан бўлиниб, бўлиниб ёв ҳужумини кутмай беҳавотир келаятган эди. Катта бир жарлик ичида 4 минг отлик аскар билан пистирмада турган шох Мансур Амир Темур яқинлашиши билан жарликдан боғ кўчаларга тўрт минг қилич яланғочлаган навқарлари билан отилиб чиқди. Узи Амир Темурни мўлжалга олиб, ўлар-қолларига қарамай унинг олдига мингтача аскар билан бостириб боради. Улар сохибқироннинг қўриқчиларидан 50-60 тасини қилиб қолдириб, йиқитиб ўтадилар. Буни кўрган қўриқчиларнинг беҳитиёр қўрқиб қочганлари ҳам бўлади.

Шох Мансур ўлимдан қўрқмай-диган энг ботир йигитларини ёнига олиб, сохибқирон отлик келаятган жойга етиб боради ва унинг бошини мўлжалга олиб, икки марта қилич уради. Хайриятки, қилич зарбалари қочиб бораётган от устидан урилгани учун қия тушади ва сохибқироннинг бошига тутилган қўлқон билан силлиқ зирхли дубул-

гага тегиб сирғалиб кетади. Сохибқиронга ҳеч қандай зарар етмайди. Қўриқчи аскарлар орасида Шохруҳ Мирзо ҳам бор эди. У шох Мансурга отда етиб бориб, елкасига қилич уради. Бу орада Муҳаммад Султон ўз навкарлари билан етиб келиб, шох Мансурни ёйдан ўққа туттади. Унинг баданига қадалган ёй ўқлари қилич зарбига қўшилиб, ғанимни отдан йиқитади. Шохруҳ Мирзо унинг бошини қилич билан кесиб, найзага санчадию, Амир Темур отнинг оёғи остига олиб бориб ташлайди.

Амир Темур бир тепаликка отлик чиқиб, ўз хузурига Шохруҳ ва Муҳаммад Султонларни чорлайди. Пастга йиқилган беку навкарлар кўзи олдида шаҳзодаларни бир-бир бағрига босиб, юз-кўзларидан ўлади ва барча навкарларни дуо қилади. Уларнинг ботирлиги туфайли бир суяқасдан омон қолгани учун яратганга шукроналар айтади.

Шерозда Амир Темурга Шох Мансур ва барча музафариёлар сулоласидан кўп жабр-зулм кўрган турли тоифадаги аҳоли арзи дод билан мурожаат қилади. Шаҳар ақобирлари, барият ва раият вакиллари «Агар сохибқирон... музафариёларнинг зуравонлик ва жабру ситамларга ўрганган қўла-

остига ўтади. 1386 йилда Амир Темур Табриз яқинидаги Шанби-Фазанга келганда шаҳарнинг энг нуфузли одамларидан Сайид Рози, Ҳожи Муҳаммад Хаттот, Ҳожи Ғиёсиддин ва бошқалар унинг хузурига келиб, шаҳарни ўз ҳимоясига олишини илтимос қиладилар. Лекин Амир Темур Олтин Урдага қарши юриш билан банд бўлганлиги учун бу илтимос фақат орадан 6 йил ўтган, 1392 йилда ижобат бўлди. Амир Темур Хулағунинг давлати таркибидан бўлган ўлкаларга ўғли Мироншоҳни 1393 йилда ҳукмдор қилиб тайин этганидан сўнг Табриз ички урушлардан халос бўлди, аҳоли аввалги даврларга нисбатан бир қадар тинч ва осуда ҳаёт кечира бошлади»⁷.

Тарих саҳнасида тушган собиқ Хулағунинг давлати таркибига Озарбайжоннинг бошқа ҳудудлари, жумладан, Боку, Шемаҳи, Ширвон ҳам кирар эди. Бу ўлкаларда 1382 йилдан эътиборан ҳукмронлик қила бошлаган Иброҳим Ширвоншоҳ Шимолдан Дарбанд орқали бостириб келган Тўхтамиш қўшинларининг талончиликларидан қўтилиш учун 1387 йилда Қорабоғда қишлаётган Амир Темурнинг хузурига ҳимоя истаб келади. Амир Темур Озарбайжон ва Ширвонни Тўхтамишдан ҳимоя қилишни ўз

Тўхтамишни кўриб, сохибқироннинг мактубини бериб, ҳазрат айтган сўзларни ёқимли қилиб сўзлаганида, Тўхтамишга ул сўзлар таъсир қилди, хушвақт бўлиб, ярашмоққа майл қилди... уэр билат тилини очиб, андоқ қилгайки, ародин муҳолифат кетиб, дустлик бўлгай... Аммо беклари жаҳи ва нодонликларидин ани қўймадиларки, мутеъ бўлгай, ани йўлдан чиқардилар. Сохибқирон хатига «Йўк» жавоби бериб элчига берди»⁸.

Кўриниб турибдики, Тўхтамишнинг золим бекларига сўзини ўтказолмайдиган заиф тождор эди. Тўғрироғи, у ҳам шу беклар каби бобокалони Чингизхон тузиб кетган золимлик занжирининг алоҳида бир халқаси эди. Бу занжир Тўхтамишга ўз хоҳиш-истакларига бўйсундириб, Амир Темур билан ярашгани қўймади. Чунки Амир Темур золимлар салтанатининг занжирларини узиб, парчалаб, туқун элларни бирин-кетин озод қилиб келмоқда эди. Чингизийлар бу эллардан қувилмоқда эди. Шунинг учун ҳис қилиб юрган золим беклар Тўхтамиш Амир Темур билан ярашса, унга мутеъ бўлиб қолишни ва империя ҳалокатга учрашини сезиб, бунга жонжаҳдлари билан қарши турадилар. Йиқилган курашга тўймас де-

ҳаммад Султон саркардалигида захирода турди. Сохибқироннинг ўзи жанггоҳ марказидаги бир баландликда туриб, Амир Сайфиддин бошчилигидаги ўттиз минг кишилик марказий қўшинни Тўхтамишхон турган ёв ғулига қарши йўналтирди. Бу қўшин ёвга етиб жанг қилаётган пайтда душманнинг чап қанотидан бир отлик ажралиб чиқиб, Амир Темур турган тепаликка томон чопкир отда учиб кела бошлади. Уни Амир Темурнинг қўриқчи аскарлари тўхтатдилар. Шунда ҳалми отлик: «Мен ҳазратнинг қулиман, муҳим гапим бор, ўзларига айтаман», дейди. Воқеанинг давомини Шомий шундай баён қилади:

«Қочиб келган кишини сохибқирон ҳазратга олиб бордилар.

У «Мен Тўхтамиш қўшинининг ўнг қўл қисмидан келаяман, вазиет шундайки, Кунча Уғлон, Бек Еруғ, Оқтоғ, Довуд Сўфи ва Удирбалар яқдлул яқзабон бўлишиб, сизнинг ўнг қўл қисмининг қаноти-га чопкир ясамокимиз?»⁹ — деди.

Амир сохибқирон дарҳол ўнг томонга эътибор бериб, бир қанча қўшинни илгарчи чиқарди ва чопкир қилиб келётганларга қарши юборди. Ёғиллар ғалаба ёв қўшинининг шавкату шижоатини кўрган, дилларида кўрқинч ғолиб келиб, туқна-

Ва Муҳаммад Озод ва унинг иниси Алишоҳ ва Тўқал Бовурчи ҳар бириси ёғиллардан биттадан ароба тўтиб келтурдилар. Сохибқирон аробалар панасида бехатарроқ турди. Бу маҳалда Аллоҳдод Баҳодир қўшини билан кўмакка етди ва улар ҳам яёв бўлиб ёйдан ўқ ота бошладилар. Ҳусайн Малик Қовчин, Зийрак Жолулар ҳам ўз қўшинлари билан ҳимояга келиб, яёв туриб урушдилар. Ҳар неча ким душманлар ҳамла қилиб от солдилар, яёв бўлган баҳодирлар аларни қўймадиларки сохибқиронга яқин келгайлар»¹¹.

Қилич яланғочлаб, отини чоптириб келётган ғазабнок ёв қаршида яёв туриб жанг қилиш чинакам қаҳрамонлик эди. Юзлаб фидойи беку навкарлар жонларини шундай хатарга қўйиб, улуг саркарда атрофида тирик девордай ҳимояда маҳкам турганлари ва ёвларнинг барча ҳужумларини қайтарганлари жанглар тарихида камданкам учрайдиган ёрқин бир ҳодиса эди. Бундан руҳланган сохибқирон энг сара қўшинлари билан захирода турган невариси Муҳаммад Султонни жанг майдонига туширди.

Тўхтамиш бор кучларини Амир Темурга қарши йўналтириб, ҳар икки қаноти очилиб қолганини сез-

ҚАҲРАМОНЛИЦИ

рини халқ устидан даф қилмасалар, бутун аҳоли хорлик майдонида оёқ остида қолиб ҳалок бўлгусидир»⁶ дейдилар.

Амир Темур бу гал музафариёларни тутдириб, хибсага олдирадди. Бир ҳафта давомида шарият қозилари иштирокида уларнинг барча жиноятлари бўйинларига қўйилди ва ҳаммаси қатл этилди. Шундан кейин Амир Темур Шероз ва Форс ақобирлари билан маслаҳатлашиб, бу ўлкаларни ўз ҳимоясига олди ва ўғли Умаршайх мирзонини ҳар икки вилоятга ҳоким қилиб тайинлади.

Шох Шужоънинг ўғли Зайнал Обиддин қамаб қўйилган Қалъайи Сафидга Амир Темур ўзи қўшин тортди борди. Икки минг кишилик қўшин қорли тоғ тепасига беҳад мустаҳкам қилиб қурилган қалъани ишғол қилгунча икки кеча-кундуз машаққат чекди. Ниҳоят, қалъа забт этилиб, йигирма беш ёшида кўзи кўр қилинган Зайнал Обиддин озод этилди.

Отаси шох Шужоънинг васиятига биноан Амир Темур бу йигитни ўз қаноти остига олди ва махсус одамлар билан Самарқандга жўнатди. Самарқанд табиблари унинг кўзини даволаб, бир қадар кўрадиран қилдилар.

Амир Темур шох Шужоънинг хотирасини эъзозлаб, унинг ўғлига қилган шунча яхшиликлари сохибқироннинг ваъдасида қанчалки маҳкам турганини ва чин инсонийлик бобида нодир замон бўлганини кўрсатади. Мана шундай адолатли ҳукмдорга чингизийлар жабру зулмидан интиҳосиз азоб тортаётган бошқа ўлкалар ҳам муҳтож эди.

Озарбайжон олими Абулфайз Раҳимов Амир Темур Табриз шаҳрини талончилардан қандай қутқаргани ҳақида қуйидагиларни ёзади:

«Амир Темур Озарбайжонни ишғол этиб, ўғли Мироншоҳни Султонияга ҳоким қилиб тайин этгунга қадар Табриз тарихида энг оғир давр бўлди. 70-80 йиллар орасида шаҳарга 22 даъфа ҳужум этилади ва бу ҳужумлар натижасида шаҳар 18 марта бир талончи ҳокимнинг қўлидан иккинчисининг ҳукми

зиммасига олади. Бунинг эвазига Озарбайжон ва Ширвоннинг Жума масжидларида Амир Темур номи олий ҳукмдор сифатида хутбага қўшиб ўқилади. Ширвоншоҳ Амир Темур лашкарининг ҳарбий харажатлари учун ҳар йили ўз давлатининг даромадидан 10 фоизини сохибқиронга ўлпон тарзида тўлашга ваъда беради. Шу ваъдалар асосида Амир Темур билан Ширвоншоҳ орасида иттифоқдошлик шартномаси тузилди. Сохибқирон умрининг охиригача бу шартномага амал қилади.

Каспий денгизи бўйидаги Дарбанд қалъаси чингизийлар томонидан бузиб ташланган эди. Чунки улар Олтин Урдадан Озарбайжон ва Эронга бостириб боришлари учун энг қулай ва яқин йўл шу қалъа олдидан ўтар эди. Босқинчилар эса ўз йўлида бирон тўсиқ бўлишини истамас эдилар. Лекин бу қалъа Ширвон ҳимояси учун жуда керак эди. Фақат уни қайта тиклашга Ширвоншоҳ Тўхтамишхоннинг ғазабидан кўрқиб журъат этолмас эди.

Мана энди Амир Темурдек қудратли интифоқдор ёрдамиди Дарбанддаги қалъа аввалгидан ҳам мустаҳкамроқ қилиб тикланди. Бу ишининг бошида Амир Темурнинг ўзи турди. Қалъани қайта қурганлар ҳам унинг усталари ва навкарлари эди. Бироқ ўрганган кунгил ўртанса қўймас, деганларидек, 1394 йилнинг охирида Тўхтамишхоннинг босқинчи амрлариди Ами Уғлон, Илбё Уғлон ва Исчабек Адегалар 30 минг қўшин билан яна Дарбанд қалъасини бузиб, Ширвоннинг туман ва шаҳарларида талончилик қилдилар. Бу пайтда Амир Темур ўз қўшини билан анча узоқда — Кавказнинг Кура дарёси бўйида эди. У Тўхтамиш билан яна қатта жанг қилмасдан олдин унга элчи юборди ва сохибқироннинг ҳимоясидаги ҳудудларга тажовуз қилмаслик шартини қўйиб, ярашшини тақлиф қилди.

Амир Темурдан элчи бўлиб борган Шамсиддин Олмалиғийни Яздий қуйидагича таърифлайди:

«Бу Шамсиддин доно ва ишбилғувчи, оқил ва зийрак, оғзиюмшоқ, сўзи чучук киши эрди...

ғанларидек, чингизий шаҳзодалар Амир Темур билан яна жанг қилишни истардилар. Элчи келтирган рад жавобидан мана шу нарсаларни тушунган Амир Темур тавочиларга ўнг қўл қисмидан келгани буюрди, қурол-яроғларини созлаб, Тўхтамиш билан ҳал қилувчи жангга ҳозирлик кўрди.

Турону Хуросондан Амрзода Шохруҳ бошчилигида қатта қўшин келиб, Элбрус тоғи этакларида Амир Темур қўшини сафарларига қўшилди. Жанубий Эрондан Умаршайх Мирзо, Султониядан Мироншоҳ Мирзо ҳам 10 минглаб янги аскарлик кучларни бошлаб келдилар.

Амир Темур барча қўшинларни Элбрус тоғидан то Каспий денгизи қирғоқларигача бўлган беш фарсах (30 чакирим) масофага саф торттириб, кўриқдан ўтказди. Тоғ ҳам, денгиз ҳам ўз тарихида бундай мукамал қурулланган улуг лашкарни бир неча асрда бир марта кўрган бўлиши мумкин.

Тўхтамиш ҳам икки юз минглик қўшин йигиб, Терек дарёсининг Каспий денгизига қуйиладиган жойларига қинчилиш келди. Бу ҳодисада 1395 йилнинг баҳор ойларида содир бўлмоқда эди. Улкан Терек дарёси баҳор сувларига тўлиб-тошиб хайқириб оқмоқда эди. Икки улкан лашкар бир неча кун дарёнинг икки қирғоғи бўйлаб денгиз томонга ҳаракатланиб бордилар. Тўхтамиш ўз лашкарини дарёдан биринчи олиб ўтишга журъат этмади. Шундан сўнг Амир Темур тунда суръат билан орқага қайтди. Тонг ёришганда ҳали ёв лашкари уйда бўлган пайтда дарёдан кечик топиб, ҳамма қўшинларини нариги қирғоққа бетафоат ўтказиб олди. Агар бу иш ёвга сездирмай амалга оширилмаганда Тўхтамиш лашкари хатарли дарёдан қийинчилик билан сузиб ўтаётган қўшинга нариги қирғоқдан ўқ отиб, ҳужум қилиб, қатта талафот етказиши мумкин эди. Энди эса ҳар икки қўшин дарёнинг бир соҳилида ёсол тузиб, ҳал қилувчи жангга киришди.

Амир Темур бу гал ҳам лашкарига етти қўл шаклида тартиб берди. Энг қудратли еттинчи қўл Му-

шудан олдин қочиб қолди. Сохибқирон юборган қўшиндан эллик киши душман ортдан қувлаб, уларни ўз лашкарларининг марказий қисмигача етказди. «Шунда бирдан қочган Тўхтамиш қўшинлари қайтадан жам бўлишиб, орқага қайтди ва қувиб келган эллик аскарнинг устига ташланиб, уларни қочирди ва бир қисмининг ўлдирди. Шу сабабдан дадилланиб, улarga гўлдан яна минглаб аскарлар кўлиб қўшилди ва ҳаммалари эрл тезлик билан Амир Темур турган жойга яқинлашдилар»¹⁰.

Шунда маълум бўлдики, биринчи гал ҳужум қилиб келган ва жанг қилиб, гўё кўрқиб қочган ёв қўшинлари хийла ишлатган экан. Энди улар қўшимча қатта кучлар билан орқага қайтиб, тўғри Амир Темур томонга бостириб келди ва сохибқиронга ўқ отса етандиган даражада яқин бориб қоладиган. Хатарли вазият юз беради. Зиркли қийимда отлик турган сохибқирон қиличчини қинидан сугуради. Яқин келиб қолган бир ёв навкарига найза отиб, уни эгардан кулатади. Буни кўрган Амир Шайх Нуриддин Амир Темурга қалқон бўлиш учун отидан сакраб тушади, навкарлари ҳам ундан иборат олиб отдан тушадилар. Ерда туриб камондан ўқ отганда нишонга тегизиш осонроқ бўлади. Фақат отлик ёв навкари найза ва қилич билан пидеани ўлдирши ҳам осонлашади. Ана шу хатарни зиммаларига олиб, яна «Эллик киши отдан тушиб, ўқ ёйларини яёв туриб отиб, ёвини тўхтатдилар.

Илмий бадиа

маган эди. Муҳаммад Султон лашкари душманининг очилиб қолган ҳар икки қаноти орқали марказга қилиб кириб, сохибқиронга ҳамла қилаётган ёв отликларига шундай қашатқич зарбалар бердики, уларнинг кўпчилиги ўлдирилди. Тўхтамишхоннинг ўзига ўқ тегиб, ярадор бўлди. У қонга беланиб, содиқ мулозим ва беклари билан жанг майдонини ташлаб қоча бошладилар¹². Бу тарихий ҳодиса 1395 йилнинг 15 апрелида Кавказ тоғлари орасида, Терек дарёси бўйида, Каспий денгизига яқин бир жойда юз берди.

Амир Темур садоқатли бек ва навкарларининг бу жангда ўз саркардалари учун жон фидо қилишга чиндан ҳам қодир эканликларини ўз кўзи билан кўрган ва уларнинг баҳодирликлари туфайли бир ўлимдан омон қолгани унутилмас ҳодиса бўлди. «Жангда жонини фидо қилган Шайх Нуриддинни ва у билан бир сафда яёв туриб, мардонга жанг қилганларни, шаҳзодалар билан бирга ўз ёнига чорлаб, ҳар бирини бағрига босди, дуолар айтди ва уларнинг ҳар бирига юз минг олтин динар инъом қилди ва баъзиларига вилоятлар, туманлар ва ўлкалар берди»¹³. Сохибқирон яхшиликларни бақадар қадрлаши ва унинг нечоғлиқ саҳий инсон бўлгани Яздий келтирган ушбу фактларда яққол кўзга ташланади.

(Давоми бор).

¹ М. Иванов, «Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур» Тошкент, 1994 й. 33-бет.

² Уша китоб 111 - бет.

³ Ҳар икки кўчирма тарихчи Фулон Каримовнинг «Самарқанд сарбалдорлари» деб аталган ва «Мазърифат» газетасининг 2002 йил 25 сентябр сониди босилган мақоласидан олинди.

⁴ Уша мақола, «Мазърифат» газетаси, 25 сентябр, 2002 йил, 10-сҳифа.

⁵ Н. Шомий, «Зафарнома», 1996 йил, 180-бет.

⁶ Абулфайз Раҳимов, «Амир Темур Озарбайжонда...», Озарбайжон фанлар академиясининг хабарномаси, 1986 йил, №2, 69-71-бетлар.

⁷ Ш. А. Яздий, «Зафарнома», 1997 йил, 174-бет.

⁸ Н. Шомий, «Зафарнома», 1996 йил, 210-211 бетлар.

⁹ Ш. А. Яздий, «Зафарнома», 1997 йил, 176-бет.

¹⁰ Уша китоб, 177-бет.

¹¹ Тўхтамишнинг ярадор бўлиб, қонига белангани ҳақида Люсьен Карэн «Амир Темур салтанати» китобида ёзган, 1999 йил, 76-бет.

¹² Сарамдай-Дунай бўйидаги мавзе.

1999 йилнинг жазирама ёзи. Тошкентнинг «Фарход» бозори. Гала-говур. Дўппингни ташласан ерга тушмайди... Акрамнинг бозори унча қизимасди. Арзон-гаровга олган махсулоти унчалик сифатли бўлмаса-да, нархини балан қўйиб юборган эди. Бир неча харидор нархини эшитибок нари кетди.

Дастурмоли билан елпиниб ўтирганди, бир таниш йигитга кўзи тушди. У шу ерлик эски таниши Тожимат эди. Кўрмаганга олса баалога қолади. У ҳеч нарсдан тал тортмайди-кан, жиноят оламида танилган нухалардан. Акрамни чўчитадиган яна бир томони Тожиматнинг «местний»лиги. Келишиш керак.

— Бормасиз, брат? — дея Акрам Тожиматнинг қаршисига чиқди. — Қўришадиган кунимиз бор экан-ку.

Кучоқлашиб қўришишди. — Оббо братишка-ей, бозорда иш қилганман дегин, — деди Тожимат Акрамнинг елкасига қўриб кўркан. Кейин раста ортга ўтишди. Акрам қаердан дир арок топиб келди.

— Брат, сизни Бешарикқа олиб борай, айланаб келасиз, — ичкилик таъсирида ийиб иштифот қилди Акрам. — Борсак бораверамиз, — деди Тожимат ҳам. — Бир-иккита ишим бор, битириб олай, кейин...

Уша йилнинг августда Акрам Тожиматни Бешарик тумани Собиртепа қишлоғидаги уйига олиб борди, меҳмон қилди. Қишлоқ кезишди. Бир кунни Равшан деган йигитнинг турига боришди. Шу ерда Акрам Ҳабибулла ва Баҳодир деган танишларини учратиб қолди. Уларга Тожиматни таништирдан. «Хамма иш қўлидан келади. Тошкентда кўпчилик ҳўрмат қилади» деб таърифлади.

Йигитлар Ҳизр бобони учратиб қолгандай муаммоларини айтиб қолишга шошилишди.

— Ака, битта «КамАЗ»имиз бор, — деди Ҳабибулла. — Бузқўётибди. Шунга загачт керак. Тополмаямиз, бори ҳам қиммат.

Бунақа муомалага уста бўлган Тожимат жавоб берди:

— Узимда списат бўлган «КамАЗ» бор. Сотмоқчи бўлиб юрган эдим. Янгисидан олиб қўйганман.

— Келишасан бўлди, сотиб оламиз, — деди Баҳодир шоша-пиша.

— Майли, — деди Тожимат, — ўзим олиб келиб бераман.

Йигитлар 100 доллар закалат беришди. Тўйдан қайтаиб бозор ва Тожимат пулни бўлиб олишди. Тожиматда машина йўқлигини билган Акрам сал ғумонсиз эди.

— «КамАЗ»ни қаердан топиб бериш, ваъда бевордик?

— Тошкентда нима кўп, «КамАЗ» кўп. Топса бўлади.

Бу жавобдан Акрам тинчланди. — Орадан бир ойдан кўпрок вақт ўтди. Тожиматдан дарак йўқ. Акрам ўзи каби «зона»ни кўриб келган Ҳабибулла ва Баҳодирдан кўриб, юрагида рухула билан Тошкентга жўнади. Тожиматни актара-актара «Фарход» бозоридан топди.

— Брат, «КамАЗ»ни сўрашяпти, — деди Тожиматга.

— Менда «КамАЗ» нима қилсин? — бепарво жавоб берди у.

Акрамнинг нафаси ичига тушиб кетди.

— Улар тинч қўйишмайди, — дея олди зўрга.

— Кўржма. Келесда Цой деган кариси оғайним бор. Шахсий «КамАЗ»ида кира қилади. Ушани оламиз.

— Қандай оласиз?

— Шунгаям бошқотириш керакми? Бешарикқа биро бахона билан олиб бориб, ўша ерда тинчитамиз. Кейин машинани танишларинга ўтказиб, яна доллар ишлаб оламиз. Қалай?

— Нима? Улдирамиз дейсизми?

— Бошқа йўли йўқ. Бўлмаса 100 долларни уларга сен қайтариб берасан. Менинг ишим йўқ.

— Бўпти, — деди ноилжол Акрам. — Аммо мен улдирмайман!

— Бунча кўржасан? Битта одамни улдириш ҳам иш бўлтими? Сен улдирамасан бошқаси улдирад. Уша йигитларингга айтиб қўй, шу ҳафтада «КамАЗ»ни олишадди. Мен икхита гапирмайман...

Шу кун Т.Рустамов Келес шахрига С.Цойни излаб борди. Уйда экан.

— Иш бор, нақд оласан, — деди унга.

— Ҳозир юким бор, — деди Цой. — Кувасойга обхетапман.

— Жуда зўр, — деди Тожимат. — Бизнинг юк ҳам Фаргонада. Бешарик-

«КамАЗ» кабинасидаги қотиллик

ни биласан-ку. Уша ердан битум гап-лашиб келганман.

— Розиман, — деди Цой ҳам қайтишга тайёр юк чиққанидан мамнун бўлиб. — Қанча берасан?

Тожимат керишди:

— Сўраганингни бераман.

— Йигирма минг сўм берасан, — деди Цой унга қўлини узатиб.

— Келишдик, — деди Тожимат ҳам унинг қўлига қўлини қарсиллатиб туриб.

Кейин қачон жўнашни келишиб олишди.

Цой Фаргона томонларда ўзини ажал кутаётганини хаёлига ҳам келтирмасди.

1999 йилнинг 3 октябри. Хаво айниб турган бўлса-да, ёмғир ёғмади. Шамол турди. Акрам «Фарход» бозоридаги эски жойида савдо қилиб ўтирибди. Тожимат лаққиллатиб кетмади-микан деб илҳак.

— Савдо қалай?

Акрам унинг қайси томондан келиб гап қотганини сезмай қолди.

— Тузуқ, — деди юзига сохта табасум югуртириб. — Карисни топдингизми?

— Топдим. Фаргонага боришга жон деб рози бўлди. Эртага жўнаймиш. Соят бешларга «Қўйилк» бозори ёнидаги автостоянчага чиқиб тур.

«КамАЗ» унча уринмаган, янги. Оғайниларинг машинага елчиқидиган бўлишди. Пулига чидашса бўлди. Гапидан қайтишмайди?

— Йўқ. Қайтадиган болалардан эмас.

У кетди. Акрам олиб қўйган махсулотини тезроқ сотишга киришди.

Эртасига айтилган жойига барвақт етиб борди. Тожимат айтган машина кўрилмади. Бозор айланди. Қайтиб келса уни кўриб туришган экан.

«КамАЗ»га тахта юклаган эди. Тожимат уни Цой билан таништирди. Қоронғилик йўлга тушишди. Цой кампаб экан, йўлдан қўзини узмайди. Акрам билан Тожиматнинг ҳам гаплари қовулмади. «КамАЗ» кучанганча довонга чиқиб борар эди...

— «КамАЗ» миначини биласанми? — деб сўради Тожимат Акрамдан довланд тушишда тўхтаган жойларида. Цой машинани айланиб кўздан кечираватган эди. — Агар билсанг анавини шу ерда тинчитиб қўя қолардинг. Тахтанам ўзимизга қоларди.

Акрамнинг ичига титроқ кирди.

— Йўғ-э, олдун Бешарикқа борайлик, кейин...

— Довон қўлайроқ эди-да, — деб қўйди Тожимат кўз илгамас пастлиқда элас-элас кўриниб турган сойга имо қилиб.

Кувасойга тушдан сўнг кириб боришди. Тахтани эгаси тушириб олди. Йўлда овқатланиб, кенга яқин Бешарикқа қайтишди. Акрамниқанда бироз ўтиришган, Цой машинасидан хавотир олдики, «мен чарчадим, кабинада дам оламан» деб чиқиб кетди. Иккови холи

қолишган, бир-бирига қарашди.

— Уни йўқотишнинг иси чўймайдиган режасини тузиб олишимиз керак, — деди Тожимат. — Қандай қилиб улдирмақчисан ўзи?

Акрам калованиб қолди.

— Мен улдираманими?

— Ҳа, бўлмаса мен улдираманими? Цой эски оғайним, улдиришга қўлим бормапти.

Акрамнинг кўз олдига Цой гавдаланди. Бақувватга ўхшайди.

— Тагин у каретни эмасми?

Тожимат хунук қолди.

— Бўлса нима? — деди сўнг. — Инади, карате-чилар ичмаслиги керак, шунки ҳам билмайсанми?

— Ундай бўлса, роса ичкизиб, маст қилиб тинчитамиз, — деди Акрам. — Ушанда осон бўлади. Акрамнинг чойхонасида ўтиришимиз мумкин...

— Юкин қаерда ўзи? — деб сўради эрталаб Цой Тожиматдан. — Бугун кетишим керак. Тошкентда ишим бор.

Тожимат уни «Кечқурун ёки эртага сахар юкини олиб жўнаймиз» деб ишонтирди.

— Бугун эса Акрамнинг акасининг чойхонасида бир отамлашамиз. Узбекча паловга бир тўйгин.

Тўғриси Цой чойхонага бўйнидан судрагандай алфозда борди. Очилмай ўтирди. Дастурхон тўкин эди. Хонадан ташқари чиққан Акрам ширақайф ҳам қишлоғи Носир Каримовни кўриб қолди. Суноиб кетди. Уни яқин биллади. Уруш-жанжални сотиб оладиган, пул деса отасини ҳам аямайдиганлар хилдан.

— Иш бор, — деди Акрам уни дангал чеккароққа тортиб. — Ичкарида ўтирган карис ҳайдовчини улдириш керак. Ҳозир меҳмон қилмагансиз. Курўқча эмас, нақд уч юз минг санаб олсан.

Пулнинг дарагини эшитган Носир рози бўлди.

— Ўзим бирга бўламан, кечаси тинчитамиз, — деди Акрам елкасидан тоғ ағдарилгандек енгил тортиб. — Ҳозир юр, биз билан ўтирасан, карисни яхшилаб таниб ол.

Улар бирга ўтиришди. Бирин-кетин арок шишалари бўшай бошлади. Тожимат Цойни ичига мажбурлар эди.

Ташқарига чиққан маҳаллари Тожимат Акрамдан Носирни сўриштириб, панд берса ўзингга ёмон бўлади деб огоҳлантирди.

Тожимат билан Цой чойхонада қолишди. Акрам билан Н.Каримов уйига қайтишди.

— Мен уйга ўтиб келай, — деди йўлда Носир.

— Нима қиласан уйингда, уларни бизниқанда кутиб туришимиз керак, — деди Акрам. У Н.Каримовни ваъдасидан қайтапти деб ўйлаган эди.

— Пинсони оловлай ахир.

Акрам ишонмаганидан Носирниқига бирга борди. У дарров уйдан айтган пичогини олиб чиқди.

Йўл-йўлақай «КамАЗ»ни Сирдарёнинг қўздан панароқ жойига олиб бориб, ўша ерда Цойни саранжомлаб дарёга иргитиб юборишга келишиб олишди.

Тожимат билан Цой кеч келишди. Иккаласи ҳам ширақайф эди. Цой ичкарига кирмади. «КамАЗ» кабинасига кириб чўзилди. Тожимат Акрамга тайёр деб қўйди.

— Узингиз ҳам бирга борасизми? — деб сўради ундан Акрам.

— Бир кишига унча одам борамизми, улкан? — дея жеркиди Тожимат. — Мен Зулфияниқанда бўламан. Энди эртага учрашамиз, сизлар ишни пишраверинлар, қолгани зўр бўлади.

— Карис ухлаб қолмасидан кетдик бўлмаса, — деб ҳовлиқа бошлади Носир.

Цой пинакка кетиб бўлган экан. Акрам уни оёғидан туртиб уйғотди. Уйқусираётган Цойга:

— Тур, кетдик, битумни гаплашиб қўйган жойимизга тезроқ боришимиз керак, — деди ўзини шошилган қилиб кўрсатиб. — Бизни Шодақожиқ қишлоғидаги шийпонда кутиб турилибди.

— Узоқми? — сўради Цой.

— Ярим соатлик йўл. Була қой.

«КамАЗ» гуриллади. Акрам Цойнинг ёнига, Носир эса кабина орқасидаги ҳайдовчи хордик оладиган ўринга ўтириб олди. Учаласининг ҳам кўзи йўлда. Носир гоҳ-гоҳ курўқ йўталиб қоларди.

— Ўпанг кетиб қолибди, даволатиб ол, — деб қўйди Цой унга ўтирилиб.

Сирдарёга яқинлашганда Акрамнинг ишораси билан машина дарё ёқасидаги паст-баланд йўлга бурилди.

— Шийпон шу йўлнинг охирида, — деди Акрам. Анча юришди. Бир томон дарё, бир томон бийдек дала.

— Тўхта, — деди бир пайт Акрам Цойнинг рулни тутган қўлидан ушлаб.

— Бошқа йўлга ўхшашти. Шийпон бунчалик узоқ эмас эди. Адашибмиз. Орқага қайтамиз.

Акрамнинг охириги гапи Носирга ишора эди. У яшириб келаётган пичогини чиқарди ва машинани тўхтапти, боши қотганча туриб қолган Цойнинг бижинига бор кучи билан санчди. Кунтилмаган зарбадан Цой додлаб юборди. Акрам ҳам унга ташланди. Шошиб қолган Носир пичоқни суғуриб қайта урлагани улгурди. Цой ҳам эгчилгани эди. Эшикни очиб, ўзини пастга ташлади. Акрам билан Носир ҳам тушишди. Машина чироқлари ёруғида Цой бижини ушлаганча, ичкилаб турарди. Икки ёвуз яқинлашганда йўқилиб тўлғона бошлади. Кўп ўтмай қимирла-май қолди. Носир унга яқинлашди. Шу пайт Цой унга ташланди, бўйнига ёғишди. Аммо кўп қўйқотгани учун ўздан кетди. Носир унинг қўрағига қулоқ тутди.

— Хали ўлмабди-ку, — деди тошдек қотиб қолган Акрамга. — Энди нима қилмак?

Акрам ўзига келиб, Цойнинг билак томирини ушлаб қўрди.

— Бариб ўлади, — деди Носирга.

— Кутар, дарёга ташлаймиз...

— Кабинадаги уст-бошларни ҳам йўқотишимиз керак, — деди Акрам Цойни суғга улоқтиришган. Ҳайдовчининг куртка, сочак, ҳатто тарағига-на дарёга ташланди. Носир қонли пичогини ҳам отиб юборди.

— Бу ердан тезроқ кетишимиз керак, — деди Акрам ва ўзи рулга ўтирди. Ортга қайтишди. Носирни кўчаси бошида тушириб, «КамАЗ»ни уйига хайдади. Машинани дарёга олдиқа қўйиб, ичкарига кирди. Етди, лекин уйқуси келмади.

Тонггарда Тожимат турган уйга етиб борди.

— Нима бўлди? — деб сўради Тожимат ранги оқариб турган Акрамдан.

— Улдириб, дарёга оқизиб юбордик. «КамАЗ» уйимизда турибди. Тезроқ йўқотиш керак.

— Оғайниларингга айт, пулни бериб машинани олиб кетаверисин.

Ҳабибулла билан Баҳодир келишиб қўйилган «КамАЗ» олиб келингани учун кўргани боришди.

— Бу списат бўлмаган, юриб турган машина-ку? — деди Ҳабибулла «КамАЗ»ни айланб текшириб кўргач. — Қозғистонники давдинлар, номери Тошкентники-ку.

— Бариб заргачт қиласизлар-ку, буюғидан қўнғилларингиз тўқ бўлсин. Ҳеч қандай ишқали йўқ. Зўрга сизлар учун ваъдага асосан олиб келдик ўзи. Олмасанлар, Қўқондан харидорлар бор. Ушаларга ўтказамиз.

Акрамнинг ёлгон гапларига бироз ишонди. Чунки улар ҳам ҳаромдан ҳазар қилмайдиган хилдан эдилар.

Машина 1000 долларга баҳоланди. Ҳабибулла ва Баҳодирдан 500 долларни закалат сифатида олиб берди.

— Эрта-индин олиб кетамиз. Номерини олиб қўйинг.

Улар кетишган, Акрам «КамАЗ»нинг номерини ечиб, болта билан майда-майда қилиб ташлади.

Кенга яқин «КамАЗ»нинг дарагини эшитган бошқа харидорлар ҳам келиб қолишди.

— Сотилди, — деди уларга Акрам. — Олсанларинг 2 та ортиқча балони бор. Шунни сотаман. 400 минг сўмга.

Харидорлар балонларини кўриб, «200 минг берамиз» дейишди. Акрам шунча пулни олиб, 120 минг сўмини Носирга олиб берди. «КамАЗ»га олган закалатидан 350 долларини Тожиматнинг қўлига тутказди.

— Қолгани қани? — деб сўради Тожимат пулнинг чўки қамилгини кўриб.

— Энди беришадди, хали олиб кетишгани йўқ...

Кинчир ишининг қийини қирқ йилдан кейин ҳам чиқди дейишди. Жиноят фшот этилди. 2001 йил 13 февралда жиноят ишлари бўйича Фаргона вилояти судида жишари гуруҳ аъзолари қилмишга яраша жазосини олишди.

«КамАЗ»нинг парчалари, баъзи эктиёт қиларини топилди, холос. Жабрланувчининг опаси Л.Цой машина кузовини таниб қолди. Бирок марҳумнинг жасади топилмади. Қидирув бесамавр кетди.

Жабрланувчилар, бу ёқда жазога тортилганларнинг оила аъзолари дастлабки суд ҳўқимдан қоникмадилар. Орадан маълум вақт ўтган бўлса-да, 2005 йилнинг 16 сентябр кунин жиноят ишлари бўйича вилоят судида бу иш яна кўриб чиқилди. Акрам Мирзақуллов, Тожимат Рустамов, Ҳабибулла Аслонов, Баҳодир Тошқўжаев, Абду-зохир Нажимиддиновларга нисбатан қонуний жазо чоралари белгиланди, баъзиларига амнистия қўлланилди. А.Мирзақуллов қамқода ўтирган 5 йил-у 18 кунлик қамқоқ олиб ташланди, ўташ учун қатъий 14 йил 11 ой 21 кун, Т.Рустамов тайинланган жазосини қисман қўйиб йўли билан ўзи учун узил-кесил 19 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

А.Мирзақуллов ва Т.Рустамовдан жабрланувчи Л.Цой фойдасига 3.834.738 сўм моддий зарарни солидар тартибда ундириш ҳам суд ҳўқимида ўз ақсини топди.

Фаҳулаётдан бўлсанчи, жиноят ишторқчилардан бири Носир Каримовнинг исм-фамилияси ҳўқимда келтирилмаган. У 2003 йил 26 январ кунин оғир касаллигидан вафот этди.

У.КОДИРОВ,

Фаргона вилоят прокурорининг

ёрдамчиси.

Х.ЖўРАБОВЕВ,

журналист




Мақсадга эришилади

Россия Иқтисодий ривожланиш ва савдо вазирини Герман Грефнинг таъкидлашича, жорий йилнинг охирига келиб Россия Жаҳон савдо ташкилотининг тўлақонли аъзосига айланади. Унинг сўзига кўра, мазкур ташкилотга аъзо бўлиш борасидаги кўнгомлама музокаралар 2006 йилнинг биринчи ярмида ниҳоясига етади ва декабрда бўлиб ўтadиган ЖСТга аъзо давлатлар вазирларининг конференциясида аъзолик масаласи ҳал этилади. Айтиш мумкин Россиянинг ташкилотга аъзо бўлиши борасида фақатгина Колумбия ва АҚШ билан келишувга эришилмаган, холос. Мутахассислар Россиянинг ЖСТга аъзо бўлиши борасида асосий тўғаноқ АҚШ бўлиши мумкинлигини таъкидлашмоқда. Чунки ҳозир икки давлат ўртасидаги иқтисодий негизда айрим қарама-қаршиликлар мавжуд. Улардан бири Россияда хорижий давлатлар банкларининг филиалларини очишга рухсат берилмаётганидир.

Танкер хибсада

Қора денгизнинг Батуми порти яқинида Грузия қирғоқ хавфсизлиги ходимлари Россияга қарашли юк ташувчи кемани хибсага олди. Грузия томонининг изоҳига кўра, мазкур танкер огоҳлантиришларга қарамай ёпиқ худудга кирган. Айтиш мумкин дамбада ушбу ҳолатга алоқадор барча маълумотлар ўрганиб чиқилмоқда. Хабарларда айтилишича, танкернинг бортида 13 нафар экипаж аъзоси бор. Грузия маъмурий кодексига кўра, ушбу кема ҳўжайини бир ой ичида 50 минг лари (25 минг АҚШ доллари) миқдорда жарима тўлаши лозим. Агар белгиланган муддатда жарима тўланмас экан, танкер кимошди савдосида сотилади.



Фирибгарлар важи

Украинада кўпгаб фирибгарликларда гумон қилинаётган «Элита-центр» компаниялар гуруҳининг бош директори Игор Циганок хибсага олинди. Мазкур иқтисодий гуруҳга «Элита-центр», «БИК» инжиниринг-қурилиш компанияси, «Химстрой-груп», «Прогресс» илмий изланиш маркази, «Стройсервис» ва «Элита-строй» компаниялари қиради. Мазкур компаниялар номидан мамлакат пойтахти Киевда турар-жой билан таъминлаш мақсадида аҳолидан катта миқдорда пул йиғиб олинган. Бу маблагнинг аксарияти банкдаги ҳисоб-рақами орқали эмас, балки нақд тўланган. Шунингдек, битта уйни икки-учта харидорга сотиш операциялари ҳам амалга оширилганлиги аниқланган. Игор Циганокнинг кўрсатма беришича, у «Элита-центр» компаниялар гуруҳи номидан фирибгарлик қилиб юрганларнинг ишлари тўғрисида хабардор бўлган, лекин уларни танимаганлиги боис ҳеч бир чора кўролмаган. Бирок, Украина ҳўқуқни муҳофаза қилиш органлари учун бу етарли важ бўлмади. «Элита-центр» компаниялар гуруҳи раҳбарияти устидан жиноят иши кўзгатилди, тергов давом этмоқда.



ЭЛИТА-ЦЕНТР
ГРУППА КОМПАНИЙ



Сабаби ноаниқ террор

Ҳиндистоннинг Ахмадобод шаҳрида террорчилик ҳаракати содир этилди. Бомба шаҳар темирйўли вокзалда жойлаштирилиб, поезд жўнаши билан бир неча дақиқа ўтгач портлаган. Хуруж оқибатида 14 киши жароҳатланган. Яқин атрофдаги бинолар катта талофат кўрган. Маҳаллий маъмурият мазкур террористик ҳаракат қим томонидан ва нима сабабдан содир этилгани борасида бош қотирмоқда. Шаҳарда хавфсизлик чоралари кучайтирилди, мазкур ҳолат бўйича тергов олиб борилмоқда.

Партиялар харажати каттаму?

Россия марказий сайлов комиссияси мамлакатда фаолият юритаётган партияларнинг 2005 йилнинг тўртинчи чорагага доир кириш-чиқим харажатларини эълон қилди. Энг катта харажат, яъни 265,8 миллион рубл «Единая Россия» партиясига тегишли. Ушбу маблагнинг 55 миллиони партия раҳбарларига сарфланган, сайлов ва сьездларни ўтказиш учун 14 миллион рубл ишлатилган, тарғиботга эса 487 минг рубл кетган. Иккинчи ўринда Сергей Мироновнинг «Партия жизни» партияси турибди. Партия раҳбарларининг эҳтиёжи учун 30 миллионлик пулдан 16,5 миллиони сарфланган. «Родина» партияси 29 миллион рублдан 13,8 миллионини раҳбарларига ишлатган. Жириновскийнинг РЛДП партияси эса бу йўналишда анча иқтисод қилган. Либерал-демократларнинг раҳбарлари учун 29 миллиондан 200 минг рубл сарфланган, холос. Коммунистик партия шу мақсадда 4 миллион рублдан 1,4 миллионини ишлатган. Юқорида айтилганидек, партия раҳбарларининг сарф-харажатлари партиянинг бошқа йўналишларидан кўра кўпроқдир. Россиядаги деярли ҳар бир партиянинг тарғиботга сарфлаган маблагини 1 миллион рублдан ошмайди. Фақатгина Жириновскийнинг ЛДПР партияси бундан мустасно, бир кварталда ушбу партия тарғибот учун 11 миллион рубл сарфлаган.



Аввал сиёсатми?

Яқанба кун Покистон ҳарбийлари ядро каллакли «ер-ер» русумидаги яқин масофага учувчи ракетани синоп кўрди. Мамлакат мудофаа вазирлигининг хабар беришича, Покистонда ишлаб чиқарилган «Хатф-II Абдали» номи ракетанинг синови муваффақиятли ўтган. Мазкур ракета 200 километр узоқликдан зарба бериши, шунингдек унга ядро ва бошқа турдаги каллақлар ҳам жойлаштирилиши мумкин. Покистон президенти Первез Мушарраф ракета иختирочилари ва ҳарбийлари ушбу ютуқ билан табриқлаб, бундай иختиролар мамлакатнинг ҳарбий қудратини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўлишини билдирди.

Доимий «ҳамкор»

Украина Цхинвали можаросини бартараф этишга ҳиссасини қўиш нияти борлигини эълон қилди. Украина раҳбарияти Жанубий Осетия худудига ўзининг тинчликпарвар кучларини киритишга тайёр эканини билдирди. Расмий Киев тарқатган баёнотда авваламбор ушбу муаммо тинч йўл билан ҳал этилиши лозимлиги таъкидланиб, бунда Грузиянинг худудий яхлитлигига путур етмаслиги кераклиги айтилади. Айтиш мумкин Украина ва Грузия стратегик ҳамкордир. Иккала давлат раҳбарияти олиб бораётган сиёсат деярли бир хил. Шу боис бўлса керак, Грузия ўз худудига Украина тинчликпарвар кучларининг келишига ҳайрихоҳ.



Сир фаш бўлди

Буюкбритания ҳаво ҳаракатини бошқариш миллий хизмати раҳбарияти АҚШ марказий разведка бошқармасининг самолётларига Буюкбритания аэропортларига қўнишга рухсат берганини расман тан олди. Маълумотларга кўра, мазкур самолётларда марказий разведка бошқармаси ходимлари хибсага олинганларни махфий қамқоҳоналарга элтишган. Диспетчлар ҳам белгилари аниқ бўлган МРБга қарашли учта самолётга бир неча бор хизмат кўрсатилганини таъкидлашди. Илгарилари бундай маълумотлар сир тутилган. Буюкбритания ҳукумати МРБга хизмат кўрсатилганини инкор этиб келган. Кеч бўлса-да, сир очилди. Буюкбритания ташқи ишлар вазирини Жек Стронинг таъкидлашича, АҚШ ҳукумати Британия ҳаво худудидан фойдаланишга рухсат берилиши тўғрисида расмий мурожаат қилмаган. Бирок, мамлакат парламентининг транспорт вазирлигига ушбу масалага оидлик киритиш борасидаги мурожаатда ҳаво ҳаракатини бошқариш миллий хизмати МРБга хизмат кўрсатгани айтиб ўтилган. Айтиш мумкин Европа иттифоқига аъзо айрим давлатларда АҚШнинг махфий қамқоҳоналари фаолият кўрсатган бўлиши мумкинлиги юзасидан текшириш олиб борилмоқда. Америка разведкаси гумонланувчиларни ҳеч бир юридик асос ва ҳужжатларсиз учинчи давлатга яширинча олиб ўтишда айбланаяпти.


«Юмронқозиқ» жиноятчилар

Москвада содир этилиши мумкин бўлган катта ўғирликнинг олди олинди. Гап шундаки, Россиянинг йирик банкларидан бири «Импэкс-банк»нинг Берзарин кўчасида маблагларни сақлаш камералари жойлашган. Навбатдаги текширишлардан бирида ушбу камера хавфсизлик хизмати вакиллари махфий ертўлани фаш этадилар. Камера жойлашган бинонинг олдида кичкина бир гараж бор. Воқеа жойига етиб келган ҳўқуқ-тартибот органлари вакиллари олиб борган суриштирувлар натижасида ушбу гараждан банк хазинахонасига ерости йўли қазилгани аниқланди. Ерости йўли айнан камера пойдеворида етганда тўхтатилган. Тезкор тергов гуруҳи вакилининг маълум қилишича, жиноятчилар пойдевор тагини яна чуқурроқ қавлаб, бетонни бузиб бино ичига кириб олмақчи бўлишган. Сўнг ҳеч нарсадан беҳабар ходимларга ҳамла қилиб, камерадаги барча маблагни олиб чиқишни ният қилишган. Тезкор ходимлар кўйган пистирма ҳеч бир самара бермади. Ҳўқуқ-тартибот органлари вакилининг гапига кўра, камера қўриқчиларидан бири жиноятчиларнинг шериги бўлиши мумкин. Нима бўлганда ҳам катта ўғирликнинг олди олинди.



Вертолёт ҳалокати

Бошқирдистонда Балкачев туман маъмурияти раҳбари Айрат Макзумов ҳамда «Такмострой» компанияси бош директорининг ўринбосари Апинваз Султоновни олиб кетаётган вертолёт ҳалокатга учради. Россия фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Волгабўйи-Урал маркази вакиллари хабар беришича, икки ўринли кичик вертолёт Уфадан 150 километр узоқликда қулаган, натижада Макзумов ва Султонов ҳалок бўлишган. Айтиш мумкин дамбада рўй берган жойда тергов гуруҳи фаолият кўрсатаяпти.



Шахтадаги фожеа

Мексика шимолида жойлашган шахталардан бирида рўй берган фожеа оқибатини бартараф этиш ишлари давом этмоқда. Мазкур шахтада метан газининг портлаши натижасида шахтанинг чиқиш жойи сўзилб қолган. 66 киши уч километрлик чуқурликда қолиб кетган. Ҳозир қутқарувчилар туну кун шахтани тозалаш билан овора, чунки пастидагилар ҳаво етишмаслиги натижасида ҳалок бўлишлари мумкин.

Сувдан заҳарланганлар йўқ

Хитой жанубидаги Гуаньин шаҳрининг 28 мингдан зиёд аҳолиси бир неча кун мобайнида ичимлик сувисиз қолди. Шаҳарга ичимлик суви олинадиган дарёнинг юқори қисмида жойлашган электр станциядан дарёга тозаланмаган сув оқиб тушган. Натижада дарёнинг суви заҳарланган. Шу боис шаҳар ҳокимияти ўтган сешанба кунидан бошлаб сув узатишни вақтинча тўхтатган. Аҳолига ўт ўчириш машиналарида сув етказиб берилаяпти. Бирок шаҳар ҳокимининг сўзларига қараганда, ичимлик суви заҳираси тугаб бормоқда. Ҳозирча сувдан заҳарланганлар тўғрисида хабарлар йўқ. Айтиш мумкин ушбу ҳодисага сабабчи бўлган электрстанция фаолияти тўхтатилган.

Хартафаҳм ўршаар

Американинг Уинстон-Сэйдем шаҳри полиция бошқармасида хизмат қилувчи зобит Кен Спюмарскининг таъкидлашча, жиноятларнинг 95 фоизи қийиларкан, калларамлиги боис содир этиларкан. Унинг ёзишча, жиноят оламида етти марта эмас, еттиш марта ўлжаб, бир кесадиган «доно» ўғрилар ҳам мавжуд, ammo жиноят оламининг асосий қисми «кип-қизил тентак»лардан иборат. Қўйида унинг ён дафтаридан баъзи лавҳаларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Флорида шtatининг Лайк-Сити шаҳрида яшовчи Карен Ли хонимнинг ўқотар қуролга эгалик қилишга лицензияси йўқ эди. Аммо у «Говард Жонсон» меҳмонхонасини тунаб кетишга қатъий қарор қилди ва жиноят қуроли сифатида уйдига электр арранни таллади. Аррани баланд кўтарганча, меҳмонхонага бостириб кираркан, «тезда сейфларни очиб, ҳамма пулларни сумкага солинганлар-у, полга чўзилиб ётинлар, акс ҳолда ҳаммангичи бурдалаб ташлайман» деб қичқирди. Ходимлар бир унга, бир арранинг ерда чўваллашиб ётган симига қарашаркан, нима қилишга ҳайрон эдилар. Меҳмонхона эгаси қаҳ-қаҳ уриб қулиб юборди ва қоровулларга авлини ушлаб, қўл-оёғини боғлашди, сўнгра полиция чакришини буурди. Аниқлашилчи, жиноятчи хоним электр арралар фақат токка улангандагина хавфли қурол бўлиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилмас экан.

Полиция маҳкамасида бир йигитга «омад-сиз Браун» деб лақаб қўйишган. Гап шундаки, Браун почтаҳонада ишлаб юрган пайтларда бир банкини ўмарган. У ҳаммасини рисоладагидек қилган, юзига маска кийган, қўлида тўппонча тутган, фақат почтачиларнинг махсус кийимини бошқа кийимга алмаштиришни унутган. Маълумки, почтачиларнинг чап кўрак чўнтаги устида унинг исми ёзилган ёрлик бўлади. Пулни бераётганда унинг исмини ўқиб олган банк ходими зудлик билан полицияга хабар берган. Браун унга етиб келгач, ярим соатдан кейин қўлга олинган. Биринчи марта унга 5 йил беришган, ammo аъло ҳулқи учун муддатидан олдин озод қилинган. Иккинчи марта у яна шу банка ўғирликка тушган. Бу сафар ҳам ҳаммасини рисоладагидек: юзига маска, қўлида тўппонча, оддий фўқаро кийимида... Аммо банкча одам қўп бўлгани учун у «пулни чиқар» деб қичқирдишга журъат қилмаган. Овозимдан таниб қолишди деб ўйлаган бўлса керак. Чўнтагидан бир варақ қоғоз чиқариб, тоза бетига «пулни чиқар, бўлмасан отаман» деб ёзгану, кассирга тўтқазган. Кассир лом-мим демай барча пулни унга тўтқазган. Браун уйига келиб қараса, бир гуруҳ полициячилар уни кутиб ўтиришган экан. Аниқлашилчи, у тоза бетига дўх-пўлисасини ёзиб кассирга тўтқазган қоғоз аслида полиция маҳкамасидан унинг номига жўнатилган чақирув қоғози экан.

Мичиган судида гиёҳвандлик моддаларини ноқонуний сақлашда айбланаётган Кристофер Янсен деган шахс судьяга қарата «Мени ҳеч қандай ордери, ноқонуний тинтув қилишди» дея арз қилди. Прокурорнинг «ўша пайтда кўрткангизнинг чўнтаги дўппайиб турган экан, полициячилар ўқ отар қурол бўлса керак деб ўйлашибди» деган гапига жавобан Янсен «мен ҳозир ҳам ўша кўрткадан, бунинг қаерига ўқ отар қурол яшириш мумкин» деб қичқирди ва кўрткани ечиб прокурорнинг олдига қўйди. Бахтга қарши кўртканинг ички чўнтагидан икки пакет кокаин топилагач, суд мажлисида танаффус эълон қилишга тўрчи қилди. Чунки ҳозир бўлганлар 5-10 даққика кулгудан ўзларини тўхтата олмадилар.

Рўзиев МАНСУР, АНДУ талабаси

Боксчиларимиз кучлилар сафида

Профессионал боксинг англ нуфузли йўналишларидан бири — Жаҳон бокс ташкилоти — WBO профессионал боксчиларнинг янги рейтинг жадалини эълон қилди.

Жаҳон бокс ташкилоти мутасаддилари ҳамюртимиз Руслан Чагаевни ўта оғир вазнли боксчилар рейтингига еттинчи погонга жойлаштирди. Айтиш жоизки, Руслан профессионал рингда 20 та жанг ўтказиб, 19 тасида галаба қозонган, 16 марта рақибларини муддатидан олдин мағлубиятга учратган, 1 та учрашувда дуранг кайд этган. Руслан профессионал боксинг яна бир нуфузли йўналиши — Жаҳон бокс уюшмаси (WBA) рейтингига ҳам энг кучли 15 нафар ўта оғир вазнли боксчи рўйхатига киритилган.

Бундан ташқари, WBA рейтинг жадалига ариб ўрта вазн — 66,6 килограммга тош босадиган боксчилар ўртасида яна бир ўзбекistonлик боксчи Фарход Бакиров ҳам 7-погондан жой олган. Ҳамюртимиз ҳозирча профессионал боксда 25 та жанг ўтказиб, 23 марта Голдб чиққан, 14 та беллашувда рақибларини нокаутга учратган, 2 та баҳсда дуранг кайд этган.

Инсон дунёга келар экан, эзгу ишларга қўл уриб, ўзидан яхши ном колдиришга ҳаракат қилиб яшайди. Меҳнати билан эл-юрт ҳурматини қозонади. Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Нажен оға Қанназаров шундайлардан бири.

Матонатли инсон



си прокуратураси тергов бошқармаси катта прокурори лавозимларида ишлади. Унинг меҳнати ҳукумати томонидан муносиб баҳолалиб, «Меҳнат ветерани» медали, «Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвонлари билан тақдирланди.

Нажен оға баррикенг, хушфўл, камтарин инсон. Қораўзақ туманида туғилган, Нажен оға мактабни битирганча, меҳнат фаолиятини тумандаги «Алғабас» колхозида ёрдамчи ҳисобчиликдан бошлади. 1951-1952 йиллари ушбу туман прокуратурасининг котиби вазифасида ишлаб, шу ердан ҳарбий хизматга кетди.

Хизматдан қайтгач, Хўжайли ўқув ишлаб чиқариш комбинатида директор ўринбосари, Хўжайли туманлараро прокуратурасининг котиби, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ходими бўлиб фаолият кўрсатди. 1959-1965 йиллари Тошкент Давлат университетининг юридик факультетини муваффақиятли тугатди.

Шундан сўнгра Қораўзақ тумани прокурори, Нукус шаҳар прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг тергов бошқармаси прокурори, Қорақалпоғистон Республика-

си прокуратураси тергов бошқармаси катта прокурори лавозимларида ишлади. Унинг меҳнати ҳукумати томонидан муносиб баҳолалиб, «Меҳнат ветерани» медали, «Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвонлари билан тақдирланди.

Нажен Қанназаров маслаҳат сўраб келган ёшлардан қимматли ўғитларини аямайди. У кишини ҳаётда ўз ўрнини топган инсон десак, муволага бўлмайди. Нафақага чиқса ҳам оқсоқол «Фаллабанк»нинг Қорақалпоғистон филиалида катта юрист-маслаҳатчи лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Нажен оға 75 ёшни қаршиламасда. Фурсатдан фойдаланиб у кишини табаррук ёши билан табриклаб, сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилайми.

М.КАБУЛОВА, журналист

Бизда гоҳ бошқа туманларнинг жиноят иши ҳам кўрилади. Чўливи жиноят кодексининг 122-моддаси билан судланапти. Икки нафар вояга етмаган фарзандини моддий жиҳатдан таъминлашдан бўйин товланган. Туманлараро фуқаролик судининг ҳал қилув қарори ва ижро варақасига асосан даромадининг учдан бир қисми миқдоридан алимент тўлаши лозим бўлса-да, бир йил давомида тўламаган. Айбига иқрор.

Болаларнинг гуноҳи нима?

Эғнида чагути чиқиб кетган чопон. Елкаси қисилган. Суддан қочиб юрганлиги учун эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, қамоққа олинган. У судда қилмишига шундай изох берди: — Ҳеч жойда ишламасам, пулим бўлмаса, нима қилай? Унга қандай ҳолатда ишни ярашув билан тугатиш мумкинлиги, акс ҳолда ушбу моддада кўрсатилган жазо чоралари тушунтирилди. Эртаси куни эса... Алимент пулларини тўлиқ тўлаб, кеңирин сўрагани ва бундан бўён ўз вақтида алимент пулларини тўлаб боришини ҳисобга олиб, ярашувга асосан жиноят ишнинг ҳаракатдан тугатиб, ўзини жиноий жавобгарликдан ва қамоқдан озод қилишларини сўраб, судга ариза тақдим этди.

Хотиндан сўралди. — Пулларни тўдиқ олдим, кеңиримини қабул қилдим. Ярашдим, ҳеч қандай даъвом йўқ... Судланувчи ва жабрланувчи ярашганлиги тўғрисида суд мажлиси баённомаси тасдиқланди. Жиноят иши тугатилди, судланувчи суд залидан қамоқдан озод қилинди. Суд тугагач, улар билан бироз сўхбатлашдим. — Никохларинг бекор қилинганми?

— Йўқ, — жавоб қилди хотин. — Ундай бўлса, икковларингиз бирор оромгоҳга бориб дам олинглар, оилани тиклаб, ярашинглар. Нима қиласизлар фарзандларингизни сарсон қилиб? — Мени оромгоҳга олиб борадиган бошқа одамим йўқ, — деди хотин беҳабеларча гапга қилиб. — Мен рўзгоримга пул топиб келаман, деб Қозоғистонга кетсам, бошқасига тегиб олибди,

— деди эр. — Нима қилай, — ийиб кетди хотин. — Бу киши кетгандан кейин энамниқига бориб, яшаб юрдим. Уша ерда бир қариндошим билан топишиб қолдим. Ҳозир ўша билан яшайман. — Албатта, никоҳсиз... — Ҳа. Хали бу киши билан турган уйдиман ман олишим керак. Қурилишга отам ёрдам қилганлар. Айтганча, шунинг ўзларинг хал қилиб берсанглар бўлмайдами? — Бўлмайди, бу фуқаролик судови тартибидан ҳал бўлади. — Эсиз, сизлар ишни яхши кўраркансизлар. «Бўлдимми» дегандек бурилиб, товланиб чиқиб кетди.

Эр колди. Секингина қўлогимга шилпиди: — Прокурор бува, мени жулдур кийинганлигимга ажабланманг. Пулим кўп. Косондан Яқбаққа ёғ олиб бориб сотаман. Учаскавий «янги костюмининг кийиб борсанг, унияман хотинингга олиб беришди» деб кўрқитди. Во ажаб! Фарзандларининг тақдири буларни заррача қизиқтирмайди. Хаёллариде фақат мулк, пул, пул, пул...

Довуд МАДИЕВ

Харфларни тўтри кетма-кетликда улаб, яширилган сўзни аниқланг. (Намунага қаранг).

Апелляция

Я	И	Е	Л	К	О	Ц	А	Я	Р	О	Т	Я	И	К						
Г	А	Я	Я	И	К	Л	О	Ц	Я	Т	Т	С	К	А	Я	Я	И	К		
Л	Я	И	М	Л	О	П	Ц	Я	И	К	М	Л	Е	Д	А	Р	К	Я		
Е	О	П	О	П	О	П	О	П	О	П	О	П	О	П	О	П	О	П		
А	П	Е	Л	К	О	Ц	А	Я	Р	О	Т	Я	И	К	М	Л	Е	Д	А	
М	А	Д	М	А	Д	М	А	Д	М	А	Д	М	А	Д	М	А	Д	М	А	Д

Утан сондаги ребус жавоблари: лотерея, афросиёб, математика, коллектив, локембурж, экстрадиция, семинар, истиқлол, медицина

HUQUQ
yuridik gazeta

To'g'rischi:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Abdullolliq ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:
Bahridin VALIYEV, Pirimqul QODIROV, Jahongir SHAROFBOYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari vazifasini bajaruvchi), Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib vazifasini bajaruvchi), Lola SHOMURODOVA

Tahririyot manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34, 133-64-72.
E-mail: info@huquq.uz.
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Tahriryatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatish shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma **Г — 456**.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va shifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: D.ESHMURODOV
Musohabchi: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etiladi. Korxonamanzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta
haftaning
chorsanba
kunlari
chiqadi.

Sotuvda
erkin narxda